


Антуан де Сент-Экзюпери

# КИЧКИНА ШАҲЗОДА



Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1986

Тузулчи ва сўнгсўз муаллифи — Ўзбекистон Ленин  
комсомолли мукофоти лауреати Хуршид Даврон



A  $\frac{4703000000-58}{356 [04]-86}$  53-86

© Лениздат, 1977.

© Издательство «Еш гвардия», 1986 (перевод, оформление, послесловие).



**ТУНГИ УЧИШ**

Самолёт қаноти остидаги тепаликларнинг қора соялари илк оқшом шуълалари сочган олтинларни ёриб чўзила бошлади. Ялангликлар равон, туганмас бир ёғдуда яшнаётган кетди; бу ўлка қиш ўтгандан сўнг ҳам қор оқлигини узоқ вақт таратгандек, кечки офтобдан тўкилган олтинларини ҳам саховат билан шундай кўз-кўз қилади.

Почта самолётини олиш жануб — Патагониядан Буэнос-Айресга қараб бошқариб келаётган учувчи Фабьен ҳам, сокин денгиздаги сувлар каби, шом кираётганини муаллақ булутларнинг осойишталигидан, билинар-билинмас бурмаларидан сезар эди. Фабьен худди сокин ва бепоён рейдга<sup>1</sup> сузиб чиққандек бўлди.

Фабьен баъзан шундай жимликда ўзини хотиржам сайр қилиб юрган одамга ўхшатарди, гўё чўпонга айланарди. Патагониядаги чўпонлар сурувдан сурувга қараб имиллаб юрадилар; Фабьен ҳам шаҳардан шаҳарга шошилмай ўтади — бу кичик шаҳарчаларни ўтлатади; улар Фабьеннинг йўлида ҳар икки соатда кўриниш беради; шаҳарлар сув ичгани дарё лабига энган ёки ялангликларда ўт чимдиб турган бўлади.

Баъзида Фабьен юзлаб чақиримга чўзилиб кетган, денгиздан ҳам кимсасиз чўллар тепасидан учаётиб, овлоқ ҳовли устидан ўтади; шунда ҳовли ўзига одамлар турмуши юкини ортмоқлаб, унга пешвоз сузиб келаётгандек бўлади. Фабьен ҳам қанотларини чайқаб, бу кемага қутлов йўллайди.

---

<sup>1</sup> Қирғоққа яқин, портга кирверишда кемаларнинг лангар ташлаб тўхташига қулай тинч сув ҳавзаси (т а р ж.).

«Сан-Хулиан кўринди. Ун минутдан сўнг қўниш учун пастлаймиз».

Бортрадист бу хабарни бутун линия бўйлаб тарқатди.

Магеллан бўғозидан Буэнос-Айресгача чўзилган икки ярим минг чақирим масофада қўниш майдончалари занжирдек тизилган; уларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, лекин бу аэродромдан сўнг, худди Африкадаги охирги итоаткор қишлоқдан кейин бирданига номаълумлик чегараси пайдо бўлгандек, тун бошланади.

Радист учувчига қоғозча узатди:

«Теваракда момақалдироқлар қутуряпти, наушникларим тинмай чирсилляпти. Сан-Хулианда тунаб қолсакми?»

Фабьен кулди: осмон худди шиша идишдаги сувдек тинч, йўлдаги аэродромларнинг ҳаммаси: «Осмон тоза, ҳеч қандай шамол йўқ», деб хабар қиляпти. У жавоб қайтарди:

— Учишда давом этамиз.

Радист эса момақалдироқларнинг худди мевага тушган қурт каби қаердадир биқиниб турганини ўйлади; тун гўзал кўринарди, аммо унинг қаерларидир чирий бошлаган, ичидаги чирий ва бузилишни билинтирмай турган тун қўйнига шўнғиш унинг учун жуда ёқимсиз эди.

Фабьен Сан-Хулиан устида самолётни секинлатаётганда чарчоғи билинди. Одам ҳаётини хуш қиладиган ҳамма нарса — уйлар, кичик қаҳвахоналар, хиёбонлар Фабьенга яқинлашар, борган сари катталашар эди. Фабьен бу ўлкани забт этиб, кечқурун, ғалабадан сўнг, тасарруфига кирган мулкани томоша қилаётиб, одамларнинг камтарона бахтига дуч келиб қолган жақонгирга менгзар эди. У совут-қалқонини ечиб ташлаб, фақат танасининг оғирлигини ҳис қилганча, — бунақа оғирликнинг ўз қувончи бор, ахир! — уйининг деразасидан тусини ўзгартирмайдиган, ҳар кунги манзарага кўз тикиб ўтирадиган оддий — ҳамма қатори одамга айланишни истаб қолди. Фабьен шу кичкина шаҳарчани таплаши, танлаганидан сўнг уни севиб, бир умрга боғланиб қолиши ҳам мумкин эди. Бунақа шаҳарчадаги ҳаёт худди аёл оғуши каби ҳар қандай асов эҳтиросларни тинчлантиради. Қани энди бу ерда узоқ яшаб

қолса-қ мангуликдан ҳиссасини шу ерда олса; Фабьен бир соатга тўхтаб ўтган шаҳарлар, уларнинг эски девор билан ўралган боғлари уни, унинг ҳаётини назарга илмай мангу тураверади. Бу шаҳарча эса унга пешвоз чиқиб, бағрига тортаётган эди. Фабьен шунда дўстлик, суюмли қизлар, рўзғор, тўкин оқ дастурхон, хуллас, инсон аста-секин ва бир умрга боғланадиган нарсалар тўғрисида ўйлади. Шаҳарча эса, мана шундоқ қанотлари остида чопқиллаганча, боғларининг сирини очиб бераётир, бу сирни энди деворлар яширолмайди. Лекин Фабьен ерга тушгандан кейин ўзларига тегишли тошлар орасида ивирсиб юрган одамлардан бошқа ҳеч вақони кўрмаганлигини тушунди. Шаҳарча ўз меҳр-муҳаббати, кўникмалари сирини ҳаракатсизлигу эринчоқлик пардаси билан бегона кўздан тўсиб олган, Фабьенга меҳрини раво кўрмаётган эди; бу шаҳарчани забт этиш учун киши ўзлигини тарк этиши, фаолиятдан воз кечиши керак эди.

Ун минутдан сўнг яна учишда.

Фабьен орқасига ўгирилиб, Сан-Хулианга қаради, шаҳарча энди бир тутам шуъла бўлиб кўринди, кейин бир ҳовуч юлдузга айланди ва охирида яна бир имлади-да, гарддек тўзиб кетди.

«Асбоблар кўринмай қолди, чироқни ёқиш керак».

Фабьен контактларни улади, лекин кабинанинг қизил чироғи мовий шафақ ёғдусида эриб, асбобларнинг миллари ёришмади. Фабьен қўлини чироққа тутди — бармоқлари қизилга бўялмади.

«Ҳали жуда эрта».

Тун эса қора тутундек тошиб кўтарилар, пастқамликларни тўлдириб келар, водийларнинг чуқур жойларини текис ялангликлар билан бараварлаштирар эди. Қишлоқларда чироқлар ёнди; улар қоронғиликда юлдуз туркумлари каби бир-бирига им қоқа бошлади, Фабьен ҳам борт чироқларини липиллатиб, уларга жавоб қилди. Бутун ер юзи чироқлар тўрига ўралди; ҳар бир уй юзини чексиз-чегарасиз тунга қаратганча, ўз юлдузини ёқди; маёқ ҳам тун зулматига ўз нурини шундай йўллайди. Самолёт худди рейдга қираётган кемадек, тун дарвозасидан энгил ва раvon сузиб ўтди.

Фабьен асбобларга энгашди. Уларнинг миллари оқиш нурлана бошлаган эди. Асбобларнинг кўрсаткичларини текширган учувчининг кўнгли тўлди. Осмонга

мустаҳкам ўрнашиб олганини ҳис қилди. Пўлат лонжеронни<sup>1</sup> ушлаб кўриб унда ҳаёт титроғини туйди; темир титрамаётган, балки яшаётган эди. Моторга қўшилган беш юз от кучи самолёт танасига енгил ток таратиб, уни бахмалдек майин вужудга айлантирган эди. Учувчи яна бош айланиши, мастона бир қувончни эмас, жонли тананинг сирли ҳаракатини ҳис қилди.

Мана, энди ўз дунёсини барпо қилгандан сўнг учувчи бу дунёга янада қулайроқ жойлашиб олса бўлади.

Фабьен контактларни бир-бир текширди-да, туннинг омонат елкасига ортилган беш тонна темир тананинг салгина титроғини ҳам сезиб туришга энг қулай ҳолатни излаб, қимирлай-қимирлай, охири яхшилаб ўтириб олди. Кейин эҳтиёт чироқни пайпаслаб топди, жойига қўйди, яна олди, сирғалиб тушмаслигига ишонч ҳосил қилиб, яна қўйди, яна топди, дастаклар ва ричаглари-нинг ҳаммасини дарҳол ва муқаррар тута билишига кўзи етиб, бармоқларини қоронғида янглишмасликка ўргатиб, ҳар бирини бошқатган пайпаслаб чиқди. Қўллари кўниккандан сўнггина чироқни ёқди — кабина аниқ асбоблар ёғдусида ёришди; энди у самолётнинг тул қўйнига шўнғишини фақат циферблатларга қараб ҳам кузатиб бориши мумкин. Ҳеч нарса қалтирамас, чайқалмас, гироскоп<sup>2</sup>, алтиметр<sup>3</sup> кўрсаткичлари, мотор мароми кўнгилдагидек, шундан кейин у керишиб, чарм ўриндиққа елкасини берди ва ноаниқ умид тотига йўғрилган чуқур ўйга чўмди.

Туннинг қоқ юрагида соқчиликда жетиб бораркан, Фабьен инсон, унинг чорловлари, чироқлари, хавотирларининг қоронғиликда юз очишини англади. Зулматдаги анави юлдуз — уй, унда ёлғизлик бор. Анависи — ўчиб қолгани, муҳаббатга... ёки ҳасратга бошпана берган уй. Кенг оламга ортиқ чорлов йўлламайдиган уй.

Ҳозир столга тирсакларини қўйиб, чироқ теграсида, ўзларига ҳам номаълум умидларни кўнгилларида авай-

---

<sup>1</sup> Самолётнинг қанотлари бўйлаб ўтиб, уни мустаҳкамлаб турадиган пўлат тўсин (т а р ж.).

<sup>2</sup> Жуда тез айланадиган ва турли вазиятда ҳам ҳолатини, ўзгартирмайдиган эркин ўқли асбоб; самолёт ва кемаларда магнит компаси ўрнида ва уларнинг мувозанатини таъминлашда қўлланилади.

<sup>3</sup> Самолётларнинг учиш баландлигини аниқлайдиган асбоб (т а р ж.).

лаб-ардоқлаб ўтирган деҳқонлар бу умидларнинг ўзларини қуршаган тун зулмати ичра узоқ-узоқларга учишидан беҳабарлар. Лекин Фабьен бу умидларни эшитади, минг чақиримлаб учаркан, тубсиз чуқурликлардан отилиб чиқаётган тўлқинларнинг ҳаёт жўш урган самолётни гоҳ баландлатиб, гоҳ пастлатиб бораётганлигини ҳис этади; ўнлаб момақалдироқлар орасидан — бамисоли ўнлаб жанггоҳни оралаб — эсон-омон ўтиб, ғолиб чиқиб, мана, ниҳоят, чироқларга етиб келади. Одамлар, чироғимиз фақат камтарона дастурхонимизни ёритяпти, деб ўйлайдилар, лекин чироқнинг шуъласи аллақачон саккиз — ўн чақиримлар нарига учиб, денгиз ўртасида қолиб кетган кимсасиз оролдан чиққан чорлов, жон аччиғида қилинган нидо мисоли кимгадир етиб боради.

## II

Шундай қилиб, уч почта самолёти — Патагониядан, Чилидан, Парагвайдан — жануб, ғарб ва шимолдан Буэнос-Айресга қайтмоқда. Буэнос-Айресда улар олиб келган почта ярим тунда Европага учадиган самолётга ортилади.

Тунда улоққан уч учувчи учишни ўйлаганча, катта шаҳарни мўлжал олиб, худди тоғдан энаётган деҳқонлар каби тинч ё хатарли осмонларидан аста-аста пастлаб келмоқдалар.

Ҳаво алоқалари тармоғининг директори Ривьер Буэнос-Айрес аэропортининг қўниш майдончасида уёқдан-буёққа юриб турибди. У сукутда: уч самолётдан бирортаси ҳам қўнгани йўқ — бугунги кунда ҳали хатар бор. Аммо телеграмма кетидан телеграмма келиб турар ва Ривьер номаълумлик чегараларининг дақиқа сайин торашиб бораётганини ҳис қила борар, ўзини худди тақдир панжасидан нималарнидир айириб олаётган, самолётларни тун денгизидан қирғоққа тортиб чиқараётган одамга ўхшатар эди.

Хизматчи келиб, унга радиogramма узатди:

— Чилидан келаётган почтаци Буэнос-Айрес чироқларини кўраётганлигини хабар қилди.

— Яхши.

Ҳадемай Ривьер мотор гулдуросини эшитади; тун битта самолётни қайтариб беради; сир-синоатли денгиз тўлқинлари ҳам хазнани узоқ вақт ўйнатиб, охири

қирғоққа мана шундай чиқариб ташлайди. Тез орада тун қолган икки самолётни ҳам топширади.

Шундан сўнгина бугунги кун якунланади. Ҳорғин командалар ухлагани кетади, уларнинг ўрнига янгилари келади. Аммо Ривьер дам ололмайди: Европага учадиган почтачининг ташвишларига гал келади. Ҳамиша шундай. Ҳа, ҳамиша. Кекса жангчи бугун умрида биринчи марта чарчаганини ҳис қилиб ажабланди. Самолётларнинг қайтиб келиши Ривьер учун ҳеч қачон уруш тугаб, фароғатли тинчлик даврининг бошланишидек яқун бўлолмас эди. Бу фақат яна шунга ўхшаш давом этадиган минглаб қадамлардан бири эди, холос. Ривьер ўзини қўлини чўзганча, дам олмай, дам олишга умид ҳам қилмай узоқ вақтдан бери оғир юкни тутиб турган одамга ўхшатди. «Қарияпман...» Кўнгли ишдан, фаолиятдан ўзга озиқни тусаяптими, демак, қарияпти. У илгари хаёлига ҳам келмаган муаммолар ҳақида ўйлаётганига ҳайрон бўлди. Ривьернинг кўнглига шу пайтгача ўздан узоқлаштириб юрган, энди мангу йўқотилган уммоннинг меҳру эзгулик тўлақинлари ўйчан чулдираб қуйила бошлади. «Демак, бари шундоқ яқинлигида экан-да?..» Ҳа, ўзига билинмай, аста-секин қарилликка, «шундай ёшга етасанки...» деган хаёлларга, инсон ҳаётини безайдиган ўйларга яқинлашиб қолибди у. Гўё ростдан бир ажойиб кун келиб, «шундай ёшга» стган-у, ҳаётининг охирида шу пайтгача орзуида жилваланган фароғатга эришгандек. Лекин бундай фароғат йўқ. Эҳтимол, ғалаба ҳам йўқдир. Ҳамма почта самолётлари бирданига қўниб, шу билан бошқа учмай туролмайди-ку...

Ривьер самолёт ёнида куймаланиб юрган кекса механик Леру ёнида тўхтади. Леру ҳам Ривьерга ўхшаб қирқ йилдан бери ишлайди. Ўзини бутунлай ишга бағишлаган. Оқшом соат ўнда ёки ярим тунда уйига қайтган Леру бундан бошқа бир дунёни кўрмайди: уйга қайтиш Леру учун ишдан халос бўлиш деган гап эмас. Ривьер бу хунуқкина одамга қараб жилмайди; механик кўкиш товланаётган ғилдирак ўқиға ишора қилиб: «Жуда қаттиқ тортилган экан, ростлаб қўйдим», деди. Ривьер ўққа энгаршди. Яна иш ташвишларига қайтди. «Устахонадагиларга бу нарсаларни бўштоб тортишни тайинлаб қўйиш керак». Ривьер металлнинг қирилган жойларини пайпаслаганча, Леруга, унинг ажин босган ғазабнок юзига диққат билан тикилди. Тилига галати

савол келди ва бу саволни бераётиб, ўзи ҳам кулиб юборди:

— Айтинг-чи, Леру, муҳаббатга кўп вақтингизни берганмисиз?

— О, муҳаббат, жаноб директор... сизга айтсам...

— Менга ўхшаб, сизнинг ҳам вақтингиз етмаган...

— Ҳа, доим ҳам етмаган...

Ривьер уни тинглаб туриб, товушида ўкинч бор-йўқлигини билишга уринди; лекин ўкинч йўқ эди. Бу одам яшаб ўтган ҳаётига, худди ёғочга сайқал беришни тугаллаб: «Мана, бўлди! Тайёр!»— деб хотиржам бўлган дурадгор кабн, қониқиш-ла қарар эди.

«Мана, бўлди!»— деб ўйлади Ривьер.— Менинг ҳаётим ҳам тайёр!»

У чарчоқдан тугилган маъюс ўйларга чек қўйиб, ангар томонга йўл олди: осмонда Чили самолётининг гулдураши эшитилаётган эди.

### III

Олисдан мотор гулдураши пишиб, етилиб келаётган эди. Қўниш чироқлари ёнди. Тунги қизил чироқлар ангар, радиомачталар, чорбурчак майдонча тарҳини чизди. Ҳаммаси байрам тусига кирди.

— Ана у!

Бу пайтда самолёт ерга қўниб, прожекторлар ёруғида товланиб келаётган эди. Шундай товланардики, худди яп-янгига ўхшар эди. Ниҳоят, мана, самолёт ангар ёнида тўхтади, механиклар, почтани туширадиган ёрдамчи ишчилар унга томон шошилишди, аммо учувчи Пельрен жойидан қўзгалмади.

— Ҳей! Нимани кутяпсиз? Тушинг!

Пельрен қандайдир сирли иш билан машгул бўлиб, жавоб бермади. Эҳтимол у вужудидаги ҳануз ўчмаган учиш шовқинига қулоқ тутиб ўтиргандир. У секин бош чайқади, энгашиб пастдан ниманидир пайпаслади. Ниҳоят қаддини тиклаб, бошлиқларга, дўстларига ўгирилди, худди тасарруфидаги нарсаларни кўздан кечираётгандек, уларни ўлчаб, тортиб, ҳисоблаб чиқаётгандек жиддий тикилди. Пельрен бунақа қарашга тўла ҳақли эди; у дўстона учрашувни ҳам, ангарнинг байрамона безанишини ҳам, цемент ернинг мустаҳкамлигини ҳам, ҳаракати, ҳарорати, аёллари билан бирга қўшиб анов кўриниб турган шаҳарни ҳам ҳалол қўлга киритди. У.

энди одамларни худди улар ўзининг фуқаросидек кенг кафтларида маҳкам тутиб турибди: уларни ушлаб кўриши, эшитиши ва ҳатто бошлаб сўжиши ҳам мумкин эди. Ҳа, у аввал ўзларини хотиржам тутаётганлари, хавфсизликларига ишонганликлари — ойни суқланиб томоша қилаётганликлари учун бу одамларни ҳатто сўкиб бермоқчи ҳам бўлди. Лекин шафқат қилди:

— Ичимлик сизлардан...

Шундай деб самолётдан тушди.

Учиш давомида бошига тушган кўргуликларни айтиб беришни хоҳлаб қолди.

— Нима бўлганини билганларингда...

Пельрен шу билан ҳаммасини айтдим, деб ўйлади шекилли, бошқа гапирмай, чарм курткасини ечишга чоғланди.

Пельрен автомобилда қовоғи солиқ инспектор ва индамас Ривьер билан Буэнос-Айресга бораётиб маънос тортди. Албатта, фалокатдан қутулиб, оёғинг қаттиқ ерга теккач, виждонни ўйламай бошлаб сўқинишдан ёқимлироғи йўқ. Жуда ёқимли!.. Лекин, бари бир, нима бўлганини эсласанг, кўнглинг ғалати бўлиб кетади.

Бўрон билан олишиш — ҳарқолда, қанақадир очик, ошкора нарса. Гап ўзини ёлғиз деб билган нарсаларнинг қиёфаси ўзгариб кетишида.

«Худди қўзғолон пайтидагидек, — деб ўйлади Пельрен, — одамларнинг юзи оқаринқирайди, холос, аммо атрофдаги нарсаларни таниб бўлмаётган қолади».

Пельрен бугун кўрганларини зўр билан қайта эследи.

У Анд Кордильералари устидан тинчгина учаётган эди. Пастда улуғвор қор сукунати ҳукмрон. Худди асрлар қадимий ўлик қалъаларни жимликка кўмгандек, қор ҳам бир-бирига қалашган тоғларни сукунатга ботирган эди. Икки юз чақирим давомида на бир инсон зоти, на тирик жон, на қимирлаган ҳаёт асари учради; фақат олти минг метр баландликкача кўтарилган тик қоя-чўққилар, пастга қараб тиккасига қат-қат бўлиб тушган тош либослар, таҳдидли бир сукунат...

Нима бўлса, Тупунгато чўққиси ёнида бўлди...

Пельрен ўйланди. Ҳа, ҳа, айнан ўша ерда мўъжизага дуч келди у.

Бошда у ҳеч нарсани кўрмади, фақат қандайдир безовталиқни ҳис этди. Ўзини ёлғиз деб ўйлаб, кейин эса

бирдан бундай эмаслигини, кимдир ўзига тикилиб турганини сезиб қолган одам сингари, туйқусдан кўнглига хавотир оралади; нима бўлаётганини фаҳмлаб етмай, атрофини ғазаб ҳалқаси ўраб келаётганини анча кеч пайқади. Бўлгани шу. Қаердан чиқди бу ғазаб?

Пельрен тошлардан ҳам, қорлардан ҳам ғазаб уфуриллаётганини қандай билди? Ахир, ҳеч нарса бўлгани йўқ, бўрондан ҳеч қандай аломат сезилмаётгандек эдику? Лекин унинг кўз ўнгига нимаси биландир одатдаги дунёга ўхшамайдиган бошқа бир дунё туғилди. Одам ҳамишагидек софдил туюлган чўққиларга, ҳамишагидек оқ-осойишта қор тепаликларига билгисиз бир ғусса билан термилди. Уларнинг ҳаммаси жонланиб бораётган эди, худди оломондек.

Пельрен ҳали курашга тушганича йўқ; у штурвални маҳкам тутамлади. Нимадир, унинг ақли етмайдиган нимадир тайёрланаётган эди. У ўлжага човут солишга шай турган йиртқич каби мушакларига куч бериб кутди — аммо кўз ўнгигадаги ҳамма нарса тинч эди. Ҳа, тинч, бироқ бу тинчликда ғалати бир куч яшириниб олган эди.

Тўсатдан ҳамма нарса учланди. Чўққиларнинг бари бирданга учини яланғочлади; учувчи уларнинг, худди кема тумшуғи каби, шамолнинг таранг бағриин ёриб сузаётганини ҳис қилди. Кейин наздида чўққилар жангга ҳозирланаётган баҳайбат кемалар янглиғ атрофини ўраб олаётгандек туюлди. Ҳавога елкандек тўзон кўтарилиб, шамолда лопиллаганча уча бошлади. Шунда Пельрен орқага қайтиш эҳтимолини ўйлаб, йўлни белгилаш учун ортига ўгирилиб қарадио титраб кетди — Кордильера жазавага тушган эди.

— Тамом бўлдим.

Қаршидаги ўткир чўққидан, бамисоли вулқон отилгандек, қор лаваси кўпирди. Ундан сўнг ўнгроқдаги чўққи устида ҳам қор фаввораси пайдо бўлди. Ва, ма-на, ҳамма чўққилар, худди уларни кўринмас чироқчи навбатма-навбат ёқаётгандек, изма-из чақнай кетди. Ҳавода дастлабки гирдибодлар айлана бошлади. Учувчининг теграсидаги тоғлар чайқалишга тушди.

Шиддатли олишувдан қарийб из қолмас экан; Пельрен хотирасини титкилаб, ўзини чархпалак қилган қудратли қуюнлардан бўлак нарсани эслай олмади. Фақат кулранг аланга тилларида жон ҳалпида типирчилаб юргани ёдига тушди, холос.

У ўйланиб қолди.

«Циклон — ҳеч гап эмас. Унда фақат жон сақлашни ўйлайсан. Лекин ҳали бошланганича йўқ у. Буниси — биринчи тўқнашув!..»

Унга эндиликда минглаб қиёфалар орасидан бу қаҳрли қиёфани таниб оладигандек туюлган эди, лекин, бари бир, уни аллақачон унутди.

#### IV

Ривьер Пельренга қаради. Йигирма минутдан кейин ҳориган, вужуди зилдай оғирлашган учувчи машинадан тушиб қолиб, оломонга аралашиб кетади. Ким билади, балки ҳозир: «Ўзиям жуда чарчабман-да... Шуям иш бўлди-ю!», деб ўйлаётгандир. Уйига бориб эса хотинига: «Қара-я, бу ер Кордильерага қараганда анча яхшику», деганга ўхшаш гапларни айтар... Аммо ҳозир Пельрен одамлар шунча боғланиб қолган нарсалардан қарийб воз кечган эди; буларнинг бари қанчалик майда эканлигини боягина билган эди. Бу дунё безакларининг нариги томонида бир неча соат бўлди, лекин шу қисқа муддатни шаҳарни, унинг чироқларини, болалигидан бери кўнглига, зерикарли бўлса-да, ҳамроҳ бўлган майда инсоний ожизликларни қайта кўриш-кўрмаслигини билмай ўтказди.

«Ҳар қандай оломон ичида,— деб ўйлади Ривьер,— шундай одамлар борки, улар ҳеч бир хислати билан ярқ этиб ажралиб турмайди. Лекин улар — Мўъжиза хабаркашлари, буни ўзлари ҳам билмайдилар. Фақат баъзан...»

Ривьер авиация мухлисларидан бир тоифани ёмон кўрарди. Улар учувчиларнинг оғир ҳаётидаги асл мазмунни англамайдилар, ҳаяжонли хитоблари билан саргузаштнинг туб маъносини бузиб, инсоннинг қадрини ерга урадилар. Лекин Пельренда дунёга муайян бир нуқтаи назардан қараганда, унинг нимага арзишини бошқаларга нисбатан чуқурроқ тушунадиган одамга хос олижаноб улуғлик — арзон мақтовларни дағаллик билан рад қиладиган инсоний буюклик бор...

Ривьер уни ўзича қутлади:

— Қандай омон чиқдингиз?..

Унга Пельреннинг ўз касби, учиш ҳақида худди темирчи сандонни гапираётгандек соддагина сўзлаши ёқар эди.

Пельрен сая бўлмаса кечирим сўрайдигандек тушунтири бошлади: «Орқага қайтай десам, йўл берк, чора қолмаган эди». Бу ҳам етмагандек, ҳеч нарса кўринмасди: кўз ўнгири қор қоплаб олди. Уни қутурган ҳаво оқимлари сақлаб қолди — бу оқимлар самолётни етти минг метр тепага кўтариб ташлади. «Тоғдан ошиб ўтгунча доим чўққилар билан барабар учдим». У яна гипроскопнинг қалпоғини бошқа жойга кўчиришни, унга ҳадеб қор тикилиб қолаверишини таъкидлади: «Биласизми, ҳадеб муз-пўстлоқ боғлайди...»

Кейин ялпи ҳаво оқимлари Пельренни чирпирак қилиб, уч минг метр пастга ташлаб юборди. Қандай чўққиларга урилмай қолди — бунга ақли етмайди! Бир вақти қараса, яланглик устига чиқиб олибди. «Мундоқ қарасам, самолёт топ-тоза осмонда!» Ушанда Пельрен ўзини худди қоронғи ёрдан чиққандек ҳис қилган эди...

— Мендосада ҳам бўронми?

— Йўқ. Мендосага кўнганимда осмон топ-тоза, шамол-памол йўқ эди. Лекин бўрон қадамимдан қолмай келаётган эди.

У бўронни бор-йўғи шундай таърифлади: «Ишқилиб, ҳаммаси жуда ғалати эди». Бўроннинг боши осмоннинг қаеридадир, тепада, қор булутларининг ичида, пойи эса ерда, худди қора лава сингари судралиб келаётган эди. «Умрим бино бўлиб бунақасига учрамаганман...» Пельрен яна нималарнидир эслаб жим қолди.

Ривьер инспекторга ўғирилди:

— Бу — Тинч океандан келаётган циклон; бизга кеч хабар қилишди. Лекин бунақа циклонлар ҳеч қачон Андан ошиб ўтмайди.

Аммо бу гал циклоннинг тўхтамай, шарққа бостириб бораверишини ким ҳам ўйлабди дейсиз...

Инспектор, бунақа нарсаларга фаҳми етмаганидан, Ривьернинг гапини маъқуллади.

Инспектор бир нарса демоққа чоғланиб, Пельрепга ўғирилди; ҳиқилдоғи кўтарилиб тушди. Яна фикридан қайтгандек, индамай, иззатталаб, хафақон юзини тўғрига қаратиб олди.

Инспектор хафақонлигини мисоли керакли буюмдек доим ўзи билан олиб юрарди. У Аргентинага яқинда, Ривьернинг чақириги билан хийла дудмал вазифаларни бажаришга келган, ҳозир каттакон қўллари ва инспекторлик шаъни-обруйини нимага ишлатишни билолмай

юрарди. У ҳаяжонини изҳор этишдан ҳам. аския ай-тишдан ҳам, хаёл суришдан ҳам маҳрум; фақат биргина нарсадан — ўз вақтида аниқ бажарилган батартиб ишдангина завқ олишга мажбур эди, холос. Унинг ош-налари даврасида бирон-ярим қадаҳ ичишга, дўстлари билан сенлашиб гаплашишга, агар дунё чаппа айла-ниб, тақдир уни биронта аэропортда ўзига ўхшаган инспектор билан топиштириб қолмаса, ҳазил-мутоибна қилишга ҳам ҳаққи йўқ эди.

«Ҳакам бўлиш қийин», деб ўйлайди ўзи ҳам.

Очигини айтганда, у ҳукм ҳам чиқаролмайди, фақат бош чайқаб қўяди, холос. Узи тушунмайдиган бирор нарсага дуч келса (у ҳеч балони тушунмайди ҳам), секин-секин бош чайқайди. Бу одати эса оз-моз гупоҳи бор одамларни ноқулай аҳволга солади ва уларнинг доимо ускуналарга кўз-қулоқ бўлиб туришига сабаб бўлади. Уни ҳеч ким ёқтирмайди: инспектор суйиб-суйилиш учун эмас, рапорт ёзиш учун яратилган. Ривьер: «Инспектор Робино поэма эмас, рапорт ёзиши керак. Инспектор Робино бор билимини хизматчиларнинг ўз бурчларини янада яхшироқ ўташларига сарфлаши керак», деб ёзганидан бери у рапортларида бирон янги методни ёки техникани такомиллаштиришни таклиф қилишдан буткул воз кечган. Шундан бери одамларнинг камчилиги унинг ризқ-рўзига айланган. Ичкиликни яхши кўрадиган механик, тунги маишатдан чиқиб тўғри ишга келган аэродром бошлиғи, самолётни қўн-диринида нўноқлик қилган учувчилар унинг таъқибига учрайди.

Ривьер у ҳақда: «Жуда ноудда одам, шунинг учун катта фойда келтиради», дейди. Ривьер ўрнатган тартиб унинг одамларни ўрганиши самараси эди. Робино эса бу тартибни пухта ўрганишдан бошқа нарсани ўй-ламас эди.

— Робино, самолёт учиши кечиккан барча пайтларда,— деган эди Ривьер бир кунни,— сиз айбдорларни аниқлик учун бериладиган мукофотдан маҳрум қилишингиз керак.

— Бунда уларнинг айби бўлмаса-чи? Туман тушган пайтларда-чи?

— Ҳатто туман тушган пайтларда ҳам.

Робинонинг кўнглида ўзгача бир ғурур уйғонади: демак, у бўйсунадиган одам шунчалар кучлики, адолатсиз бўлишдан қўрқмайди. Демак, одамларни хафа қи-

лишдан қўрқмайдиган ҳоқимлик нурининг улуғвор шуъласи унга ҳам тушади.

— Самолётни олтию ўн бешда учирдингиз,— деб қайта таъкидлайди у аэропорт бошлиқларига.— Сизга мукофот беролмаймиз.

— Ахир, жаноб Робино, бешу ўттизда ўттиз қадам нарини кўриб бўлмасди-ку!

— Тартибни бузмаслик керак.

— Ахир, жаноб Робино, туманни тарқатиш қўлимиздан келмайди-ку!

Лекин Робино юзига сирли тус бериб, индамай тураверади. У дирекция номидан иш кўради. Бу майда одамлар орасида фақат угина одамларни жазолаш билан об-ҳавони яхшилаш мумкинлигини билади.

«Робино умуман ҳеч нарсани ўйламайди,— дейди у ҳақда Ривьер,— ўйламаслиги унинг нотўғри ўйлашига йўл бермайди».

Агар учувчи самолётга шикаст етказса, Робино уни авариясиз учиш учун бериладиган мукофотдан маҳрум қилади.

— Агар учувчи ўрмон устида аварияга учраса-чи?

— Бари бир, ўрмон устида бўлса ҳам.

Робино бу кўрсатмани маҳкам тутди:

— Афсус,— дейди у учувчига, гапининг салмоғидан ўзи таъсирланиб,— минг афсус, лекин аварияни ўрмон устида қилмасликка урининг.

— Жаноб Робино! Ахир, авария биздан сўраб ўтирмайди-ку!

— Тартибни бузмаслик керак.

«Тартиблар диний расм-русумларга ўхшайди,— деб ўйлайди Ривьер,— улар бемаъни кўринади, лекин одамларни тарбиялайди». Эҳтимол, Ривьер учун «адолат» ва «адолатсизлик» деган сўзлар умуман кераксиздир. Кичик шаҳарлардаги одамлар оқшом бўйи куй янграйдиган суҳбатгоҳларда кўнгил очадилар; Ривьер: «Уларга нисбатан адолатли ёки адолатсиз бўлиш ҳақида гапирришдан нима маъни чнқади: улар ҳали яшаётгани йўқ», деб ўйлайди. Ривьер учун одам — қўл тегмаган, бирор нарса яшашга ярайдиган мум. Мумга жон киргизиб, ирода бахш этиш керак. У қаттиққўллиги билан одамларни эзишни эмас, балки ўзликларини енгиб ўтишга ёрдамлашишни истайди. У самолётнинг ҳар бир кечикиши учун одамларни жазолаганда адолатсизлик қилади, лекин шу билан уларнинг ўй-иродаларини битта

мақсад — аэропортдаги барча самолётларни доим кечиктирмай учуриш сари йўналтиради; шу иродани яратди. У одамларнинг самолёт учолмайдиган бузуқ ҳавони дам олишга таклиф деб қабул қилишларига изн бермай, ҳаво очилишини интизор кутишга мажбур қилади; ҳаммалари — учувчидан ёрдамчи ишчиларгача бу кутишдан эзиладилар, алланечук хўрланадилар ва шунда улар осмон гумбазининг биринчи йиртигиданоқ фойдаланиб қолишга шошиладилар. «Шимолда ҳаво очилди! Йўлга!» Ривьер туфайли ўн беш минг чақиримлик ҳаво алоқалари тармоғида почтани ўз вақтида етказиш илоҳий бир тартибга айланган эди.

Ривьер баъзан:

— Бу одамлар бахтли,— дейди,— улар ўз ишларини севадилар, бунга эса менинг қаттиққўллим сабаб.

Балки Ривьер одамларнинг дилини оғритар, лекин у одамларга катта шодлик ҳам беради-ку. «Одамларни доимо сергагу жиддий яшашга, шодлик ва машаққатга тўла ҳаёт кечирншга мажбур қилиш лозим,— деб ўйлайди Ривьер.— Ҳақиқий ҳаёт ҳам шу»..

Машина шаҳарга кирганда Ривьер ўзини компания идорасига олиб боришни буюрди. Ёлғиз қолишгач, Робино Пельренга қаради-да, кўнглидаги ганини айтди.

## V

Шу оқшом Робинонинг кўнглини ғусса босган эди. У ўз ҳаётини голиб Пельреннинг ҳаётига солиштириб, қанчалар нурсиз яшаётганини билиб қолди. Яна шунинг англадики, у, Робино инспекторлик унвонига, ҳокимлик мавқеига қарамай, мана шу чарчаб-ҳорган, қорамой юқига беланган қўллари билан кўзини уқалаганча, машинанинг бир бурчагида ўтирган одамча турмас экан. Биринчи марта унинг кўнглида ҳайрат уйғонди ва бу ҳайратини айтиб бергиси келди. Бундан ҳам кучлироғи — дўстликни тусади. У сафарлардан, ҳар кунги омадсизликлардан чарчади; ҳатто ўзига ўзи бир оз кулгили ҳам бўлиб туюлди. Бугун кечқурун, ёқилғи омборини текшираётиб, буткул ҳисобдан адашиб қолди ва у фош қилишга чоғланган омборчининг ўзи, раҳми келиб, унинг ўрнига ҳисоб-китобни яқунлаб берди. Бу ҳам етмагандек, у «Б—6» насосини «Б—4» насоси билан адаштириб, уни нотўғри ўрнатилган, деди ва қув механиклар йигирма минут давомида унинг «бунақа нодон-



ликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди», дея шармандаликни қоралашига — Робинопинг ўзини ўзи шарманда қилишига индамай қўйиб бердилар.

Қолаверса, у меҳмонхонадаги хонасидан ҳам безиб қолган эди. У ишдан кейин Тулузадами, Буэнос-Айресдами — ҳамма жойда доимий хонасига қайтиб келарди. Устидан қулфлаб олиб, ўзига топширилган сирли вази-фаларга берилганча, чамадонидан бир даста қоғоз чиқарарди-да, шошилмай «Рапорт» деган сўзни ёзарди ва бир неча сатрни қоралагач, қоғозни майда-майда йиртиб ташларди. У компанияни бирон фалокатдан қутқариб қолишни қаттиқ орзу қилади, аммо компанияга ҳеч қандай фалокат таҳдид қилмайди. Шу пайтгача унинг қутқариб қолгани — биттагина занглаган винт втулкаси бўлди, холос. Ушанда у втулканинг зангини секин пайпаслаб, аэродром бошлиғига ўқрайиб қараган эди, аэродром бошлиғи бамайлихотир туриб: «Бунини самолётни буёққа учирган аэродромдан сўрайсиз», деб бепарво жавоб қилди. Шунда Робино мавқеининг ўзи ўйлагандек муҳимлигига шубҳаланиб қолди.

У Пельренга яқинлашишни истаб, дадил таклиф қилди:

— Мен билан овқатланмайсизми?— Бир лақиллашиб ўтиргим келяпти... Хизмат-бурчим у қадар енгил бўлмаса...

Лекин учувчининг назарида паст тушишни истамай қўшиб қўйди.

— Менга, ахир, катта масъулият юкланган!

Робинонинг қўл остидаги одамлар уни ўзларига яқинлаштирмас эдилар. Уларни ҳар бири: «Рапортнига тиркаш учун ҳозирча ишимдан камчилик топгани йўқ бу, лекин оч қолиши билан мени паққос туширади», деб ўйлайди.

Лекин бу оқшом Робино фақат ўз кулфатларини ўйлаётган эди, унинг пинҳон тутадиган битта ҳақиқий сирини — сурункали, оғир қичима касали бор, бугун шу дардини ҳам гапириб бергиси, одамларининг раҳмини келтиришни хоҳлаб қолди: мағрурликдан тополмаган таскинини итотатгўйликдан қидирмоқчи бўлди. Унинг Францияда ўйнаши бор; у ҳар гал сафардан қайтиб, ўйнашига инспекторлик сафарларини тарифлаб беради; бу ҳам унинг жазманлик усули, аммо ўйнашининг ўзини севмаслигини яхши билади; бугун ўша ўйнашни тўғрисида гапиришга ҳам эҳтиёж сезди.

— Хўш, шундай қилиб, бирга овқатланамизми?  
Пельрен хушфёъл бир розилик билдирди.

## VI

Ривьер Буэнос-Айресдаги идорага кирганда хизматчилар ўз столларида мудраб ўтирган эдилар. У шляпаси, доим устидан қўймайдиган пальтоси билан диққатни қарийб жалб қилмас,— ушоқ гавдаси кам жойни эгаллар, оқарган сочлари, одми кийими ҳар қандай шароитга тўғри келаверар эди. Аммо ходимларнинг уни кўрганлари заҳоти ғайратлари қўзийди: котиблар жонсарак типирчилаб қолишади, бюро мудирни янги тушган ҳужжатларни варақлашга тутинади; ёзув машинкалари чиқиллай кетади.

Телефончи аппаратини ишга тушириб, қалин телсграммалар дафтарига нималарнидир ёза бошлайди.

Ривьер ўтириб телеграммаларни ўқишга тутинди.

Чилидан келган самолёт синовдан ўтди; Ривьернинг кўз ўнгидан ҳамма ишқаллари ўз-ўзидан тўғри бўлган, аэропортларнинг енгил тин олиб, кетма-кет юбораётган хабарлари қўлга кирган ғалабаларнинг мухтасар ҳисоботига айланган омадли куннинг воқеалари бир-бир ўта бошлади. Патагония почтачиси ҳам тез келяпти, чунки жапубдан шимолга қараб эсаётган кучли шамол оқими унга йўлдош бўлиб турибди.

— Об-ҳаво маълумотини беринг.

Барча аэропортлар очиқ ҳавоси, тишиқ осмони, ёқимтой шамоли билан мақтанар эди. Американи тилларанг оқшом оғушлаган. Ривьер табнатнинг бундай ғайратидан шодланди. Патагония самолёти туннинг қаеридадир жанг қилмоқда, лекин ғалаба қозониши учун ҳамма имконияти бор.

Ривьер дафтарни нари сурди.

— Яхши!

Ва у — уйқудаги ярим жаҳонни қўриқлаётган тунги қоровул, одамларнинг қандай ишлаётганини кўрмоқ ниётида хонасидан чиқди.

Ривьер очиқ дераза ёнида тўхтади, Буэнос-Айресни, бутун Американи кенг қучоқларига олган тунни англади. Унинг улуғворлигини ҳис қилишидан ажабланмади. Сантьяго осмони — бегона мамлакат осмони; лекин самолёт Сантьягога келяпти, линиянинг у бошидан-бу бо-

шигача яшаётган одамлар ҳам шу ягона осмоннинг тубсиз гумбази остида. Мана, яна битта почта самолёти учяпти; Патагония балиқчилари бундан сал олдин унинг борт чироқлари шуъласини кўрган эдилар. Осмонга чиққан самолётнинг ташвиши фақат Ривьернинг елкасига тушмайди, мотор гулдуросини эшитган пойтахтлар ҳам, маҳаллий шаҳарчалар ҳам худди шундай хавотир олади.

Ривьер туннинг бунча тозалигидан шодланар экан, бошқа тунларни — самолётлар хатар тўрига тушиб, уларни қутқазилган умид узилган тунларни эслади... Бундай тунларда Буэнос-Айрес радиостанцияси самолётнинг ноласига момақалди роқлар қасирғаси аралашганини ҳам эшитади; мусиқий радиотўлқиннинг олтин тори чирик пўстлоқ ичидан товуш бераётгандек, бўғилиб чиқади. Туннинг хавф-хатарларига қарши бемўлжал отилган ўқдек учаётган самолётнинг дилгир хонишида қанчадан-қанча ғусса бор!

«Навбатчилик тунида инспектор идорадан жилмаслиги керак», деб ўйлади Ривьер.

— Робинони топинг!

Бу пайтда Робино учувчини ўзига дўст қилишга уриниб ётган эди. У Пельренга чамадонини очиб кўрсатди; чамадон ичидан инспекторнинг инсониятнинг бошқа вакилларига ўхшашидан, ҳамма қатори одам эканлигидан далолат берадиган арзимас нарсалар: пардоз асбоблари жойланган қутича, бир нечта кўрimsиз кўйлак, қотма бир аёлнинг сурати чиқди (инспектор суратни олиб деворга ёпиштирди). Ривьер ўзининг муҳтожликлари, кулфатлари, нозик туйғуларини Пельренга шу тарзда итоат билан изҳор қилди. Учувчининг олдига аянчли хазинасини ёйиб, қашшоқлигини намоёйиш қилди. Ўзининг маънавий қичимасини кўрсатди. Турмасини кўз-кўз қилди.

Лекин ҳамма одамлар сингари Робинонинг ҳаётида ҳам йилг этган бир шуъла бор эди. У тўлқинланиб, чамадоннинг энг тагидан оғзи яхшилаб боғланган халтачани олди. Бир сўз айтмай, халтачани узоқ силаб турди-да, ниҳоят қўлини олиб:

— Буни Саҳрои Кабирдан олиб келганман...— деди.

Инспектор бундай дадил иқрордан қизариб кетди. Уни кўнгилсизликлар қийнар эди; оилада бахти чопмаган, зерикарли ҳаётида шу майда тошчалар унга,

катта овунчоқ эди: тошчалар унга сирлар дунёси эшигини очиб берарди.

— Худди шунақалари баъзан Бразилияда ҳам учраб қолади,— деди у ва баттар қизариб кетди.

Пельрен афсонавий Атлантида мамлакати тепасига энгашган бу инспекторнинг елкасига қоқиб қўйди...

Қанақадир уятга ўхшаган бир туйғу Пельренни савол беришга ундади:

— Геологияни яхши кўрасизми?

— Жон-дилим билан.

Дунёдаги барча нарсалар ичида фақат тошларгина инспекторга раҳмдил эди.

Робинони идорага чақириб қолишди; у маъюсланди, лекин шу баробарида одатдаги амалдорлик шаън-обрўйини эгаллади.

— Сиз билан хайрлашишга мажбурман. Жаноб Ривьер мени жуда муҳим иш юзасидан йўқлаяпти.

Робино идорага кириб борганда, Ривьер уни унутиб улгурган эди. Ривьер компаниянинг ҳаво йўллари тармоқлари қизил бўёқ билан чизилган деворий харитага тикилганча ўйга толган эди. Инспектор унинг нима топшириқ беришини кутиб турди. Анча жимликдан кейин Ривьер бурилиб қарамай:

— Манави харитани нима деб ўйлайсиз, Робино?— деди.

Хаёллар оламидан ерга тушган ана шундай кезлари Ривьер баъзан қўл остидаги одамларга жумбоқ саволлар бериб қоларди.

— Бу харита, жаноб директор...

Ростини айтганда, инспектор харита ҳақида ҳеч нарсани ўйлагани ҳам йўқ, унга хўмрайиб тикилганча, Европа билан Америка устидан бирваракайига назорат ўрнатганини ҳис қилиб турган эди, холос. Ривьер бу орада ўйида давом этарди. «Бу тармоқларнинг манзараси гўзал, лекин хатарли. Кўплаб ёш йигитларнинг бошига етган гўзаллик. Бу манзарада уйғун уюшган нарсаларнинг мағрур шаън-шавкати бор, аммо у ҳали олдимизга қанчадан-қанча муаммоларни кўндаланг қўяди!..» Лекин Ривьер учун доимо энг муҳими — мақсад эди.

Робино қаршисидаги харитага тикилганча боягидек турар; оз-оздан ўзига келар эди. Ривьердан ҳамдардлик кутмаётган эди.

Бир куни у турмушини азобга айлантирган бемаъни, бедаво касалидан зорланиб, Ривьернинг раҳмини келтиришга уринган эди, Ривьер майна қилди:

— Қичима сизни ухлатмаётган бўлса — демак, яна ҳам яхшироқ ишлашингизга фойдаси тегяпти.

Ривьернинг бу ҳазилида жон бор эди. У доим шундай деб таъкидларди:

— Агар уйқусизлик музикачининг юксак асарлар яратишига сабаб бўлса, бу — гўзал уйқусизлик.

Бир гал у Леруни кўрсатиб, шундай деган эди:

— Қаранг, қандай гўзал хунуклик: ўзидан севгини ҳайдаб туради...

Эҳтимол, Леру ўзидаги барча юксак нарсалар учун ҳаётини фақат иш билан чеклаб қўйган ана шу кемтик қисмати олдида қарздордир...

— Пельрен билан жуда қалинмисиз, дейман?

— Ҳм...

— Сизга таъна қилаётганим йўқ.

Ривьер ярим ўгирилиб, бошини қуйи солганча, Робинони ҳам эргаштириб, майда қадам ташлаб юра бошлади. Директорнинг лабида табассум ўйнар, бу табассумнинг маънисини инспекторга қоронғи эди.

— Фақат... Фақат унутманг — сиз бошлиқсиз.

— Шундай...

Ривьер эса ҳар тунда янги фожианинг туғуни мана шу тарзда пайдо бўлишини ўйлади. Одамлар иродасининг салгина бўшашиши мағлубиятга олиб келади; ким билади, олдинда ҳали оғир курашлар бордир...

— Бошлиқ эканлигингизни эсдан чиқармаслигингиз керак,— деди Ривьер ҳар бир сўзини салмоқлаб.— Шу яқин тунларнинг бирида бу учувчига хатарли рейсга чиқишни буюришингизга тўғри келиши мумкин, у сизга сўзсиз бўйсунуши лозим.

— Шундай...

— Айтиш мумкинки, кўп одамларнинг ҳаёти сизнинг қўлингизда, бу одамлар — сиздан яхшироқ, қадрлироқ...— У тилни тишлаб қолди.— Ҳа, бу жуда муҳим.

Ривьер боягидек хона бўйлаб йўрғалади, бир неча муддат индамади.

— Улар сизга фақат дўстлик туфайлигина бўйсунса, демак, уларни алдаган бўласиз. Чунки сизнинг, шахсан сизнинг одамлардан ҳеч қандай қурбон талаб қилишга ҳақингиз йўқ.

— Албатта...

— Агар улар сиз билан дўстлашиш оғир ишлардан қутқазади, деб умид қилишса, унда яна алдаган бўласиз; улар ҳар қандай вазиятда ҳам сизга бўйсунушга мажбур. Манави ерга ўтиринг.

Ривьер Робинони астагина ўз столи томонга ктарди.

— Ўз вазифаларингизни яна бир карра эслатиб қўймоқчиман, Робино. Чарчаган бўлсангиз бу одамлардан қўмак кутмаслигингиз керак. Сиз — бошлиқсиз. Ожизлигингиз — кулгили. Ёзинг.

— Мен...

— Ёзинг: «Инспектор Робино учувчи Пельренга фалон хатоси учун фалон жазо беради». Нима хатолигини ўзингиз топасиз.

— Жаноб директор!

— Бажаринг, Робино. Қандай тушунган бўлсангиз, шундай йўл тутинг. Қўл остингиздагиларни севинг, аммо ўзларига билдирманг.

Демак, бундан сўнг Робино втулкаларни занглатмасликни янгидан ғайрат билан талаб қилади.

Аэродромлардан бири радиодан шундай хабар йўллади: «Самолёт кўринди. «Мотор режими пасаймоқда. Қўнишга тушаман», деб сигнал берди».

Демак, ярим соат вақт бекор кетади. Ривьернинг диққати ошди; курьер поездаи бехосдан тўхтаб, минутлар кенгликларни босиб ўтишга ҳисса қўшолмай, бефойда югурганда шундай бўлади. Девордаги соатнинг катта мили энди ўлик маконни ҳисоблайди... Бу маконга қанчадан-қанча ҳодисалар жойлашиши мумкин эди-я!

Ривьер дилтанг кутиш дақиқаларига чап бериш учун хонасидан чиқди. Тун актёрлар тарк этган театрдек, бўм-бўш эди. «Шундай тун бефойда ўтяпти-я!» Ривьер юлдузлар билан безанган осмонга, бу илоҳий билгилар чироғига, ойга — туннинг шундай олтинлари бефойда сарфланаётганига ёвқараш қилиб тикилди.

Лекин самолёт ҳавога кўтарилгани заҳоти тун Ривьер учун яна ҳаяжонли — гўзал тусга кирди. Тун ўз оғушида ҳаётни олиб келаётир. Ривьер айнан шу ҳаётнинг ташвишини чекаётган эди.

— Экипаждан сўранг-чи, об-ҳаво қандай экан.

Ун дақиқа тез ўтиб кетди.

— Жуда яхши.

Кейин устидан самолёт ўтган шаҳарларнинг номлари саналди, уларнинг бари Ривьер учун жанг билан қўлга олинган қалъаларга айланди.

## VII

Бирон соатлардан кейин Патагония почтачисининг бортрадиости енгил туртки ҳис қилди, худди елкасидан биров кўтаргандек.

У атрофига қараб, оғир-карвон булутлар юлдузларни ўчириб қўйганини кўрди. Қишлоқларнинг ўт орасига бекиниб олган ялтироқ қуртдек чироқларини топишни умид қилиб пастга қаради, лекин бу қоп-қора ўтлоқда ҳеч нарса йилтирамаётган эди.

У олдинда ҳали машаққатли тун турганлигини ўйлаб, ғуссага ботди: ҳужум, чекиниш, қўлга киритилган, лекин, бари бир, яна душманга топшириладиган майдонлар. Учувчининг қандай йўл тутаётганига ақли етмади; назарида, самолёт ҳадемай худди деворга урилгандек, тунга тўқнашадигандек туюларди.

Кейин олдинда, уфқ баробарида мисоли темирчининг оташхонаси устидаги яллиғланишга ўхшаб кетадиган қанақадири билинар-билимас шуълаларга кўзи тушди.

Олидаги момақалдироқнинг дастлабки тўлқини самолётга етиб келди. Самолётнинг темир танаси қалтираб кетиб, радистнинг елкасидан оғир юк босилгандек, кейин эриб, очилиб, бир неча дақиқа давомида тун зулматида ёлғиз ўзи учаётгандек туюлди.

Радистга бутун бир коинотдан фақатгина кабишани ёритаётган яккаш қизил чироқ кўриниб турарди. У кўмирчиларнинг фонусидек шу кичкина чироққа ишониб туннинг қоқ юрагига киришини ўйлаб, титраб кетди.

У учувчига савол беришга ботинолмади. Металлни маҳкам сиқимлаганча, Фабьенга эгилиб, унинг қаҳрли гарданига тикилиб олди.

Хира ёғдуда учувчининг боши, қотиб қолган елкалари кўзга ташланади. Қорайиб кўринаётган гавданинг юки чапга, хиёл чапга қийшайган; бўронга ўгирилган юз, эҳтимол момақалдироқнинг ҳар чақнашида ювилаётгандир. Аммо бу юз радистга кўринмайди. Бўронга рўбарў бораётган бу юздаги тез-тез ўрин алмашаётган барча туйғулар: унинг оқаринқираб, қисқа-қисқа чақ-

наётган момақалди роқларга қарши алам, ғазаб ишораларини, ирода қувватини йўллаётгани ҳам радистга қоронғи эди.

Лекин радист қорамтир гавданинг шу қотиб туришида биқиниб олган куч-қувватни сезиб қолди. Ўзини момақалди роқларга қарши етаклаган, айни пайтда улардан ҳимоя ҳам қилаётган бу қудратга ҳаваси келди. У ҳозир штурвални тутамлаган қўллар бўронни, худди йиртқичнинг бўйнидан қайриб олгандек, тизгинлаб турганини, қотиб қолган елкалари эса ҳали талай қудратга эгалигини ҳам билар эди.

Радист, нима бўлмасин, бари бир, бутун жавобгарлик учувчининг зиммасига тушади, деб ўйлади. У қаршисида отга яйдоқ миниб, аланга қўйнига отилиб кираётган чавандоздек, қотиб ўтирган гавдадан таралаётган вазмин, моддий, мустаҳкам қудратни роҳатланиб туйди.

Чап томонда маёқ чироғи каби яна бир нур ўчоғи хира липиллай бошлади.

Радист учувчини огоҳлантириш учун, елкасига туртмоқчи эди, аммо Фабьеннинг ўзи бошини ўша томонга қарата секин буриб, бир неча дақиқа янги ганимига тикилиб қолди, кейин яна аввалгидек ўнгланди: яна ўшандоқ ҳаракатсиз қотган елкалар, чарм ўриндиқ суянчига маҳкам босилган гардан.

## VIII

Ривьер кўчага чиқди. Бир оз юргиси, яна кўнглини чулғаган бояги хавотирли туйғулардан халос бўлгиси келди. У — бутун ҳаёти фақат ҳаракатга, фожиага йўғрилган одам, бу фожианинг энди қанақадир бошқа, ўзининг шахсий фожиасига ўрин бераётганини ҳайрон бўлиб англади. У кичик шаҳарлардаги одамларнинг доим оркестр ўйнаган шийпончалар атрофида кечадиган, биринчи қарашда тинч туюладиган ҳаётларида ҳам баъзан, кутилмаганда оғир фожиалар пинҳон туришини ўйлади: касаллик, севги, ўлим, яна ҳам ким билади... Ўзининг касаллиги Ривьерни кўп нарсаларга ўргатди. «Гўё қаршимда янги-янги деразалар очилгандек», деб ўйлади у.

Кейинроқ, соат ўн бирларга бориб Ривьер ўзини яхши ҳис қилгач, ортига, идорага қайтди. Кинотеатр пештоқи ёнида тўпланган одамлар орасидан шошиямай ўта-

ётиб. тор кўчанинг тепасида ялтираб, рекламалар ёғдусига бардош беролмай, осмонда эриётган юлдузларга кўз ташлаб ўйга толди: «Бугун иккита почта самолёти учяпти. Бугун оқшом бутун осмон учун жавоб бераман. Олис юлдуз менга билги бераётир. У оломон орасидан мени қидиряпти. У мени топди. Ўзимни хиёл ёлғиз, бегона ҳис қилаётганимнинг сабаби ҳам шунда».

Кеча, ошналари даврасида эшитган мусиқий парча — сонатанинг бир неча пардаси унинг эсига тушди. Ошналари куйни тушунишмади.

— Бунақа санъат зерикарли. Сизни ҳам зериктиряпти, фақат тан олишни хоҳламаяпсиз.

— Эҳтимол,— деб жавоб берган эди у.

Кеча ҳам худди ҳозиргидек ўзини ёлғиз ҳис қилган, лекин ўша заҳоти бундай ёлғизлик одамга бойлик беришини англаб қолган эди. Музика унга қандайдир пайғом йўллади — шунча калтафаҳм одамлар орасидан фақат унга билдирди. Музика ҳам, юлдуз билги берганидек, ўз сирини унга меҳр билан ишониб топширди. Музика у билан шунча одамлар оша фақат угина билладиган тилда гаплашди.

Йўлкадагилар Ривьерни туртиб ўтишарди. «Шуям аччиғланишга арзийдими? Мен — боласи касал бўлган, кўнглида ўз уйининг улугвор сукунاتини кўтариб, оломон ичидан секин бораётган одамман», деб ўйлади у.

Ривьер одамларга қаради. У кўнгилларида ўз севгиси ёки кашфиётини авайлаб асраб юрадиганларни таниб олишга уринди. Маёқ назоратчиларининг нақадар ёлғиз эканликларини ўйлади.

Идоранинг тинчлиги Ривьерга ором бағишлади. У хонама-хона ўтар экан, қадам товушлари ҳувиллаган бинода ёлғизланиб акс садо берди. Ёзув машинкалари ўз ёпинчиқлари остида ухлаб ётибди. Канцелярия папкалари шкафларнинг жипс бекилган табақалари ойнасидан текис саф тортиб кўринади. Ун йиллик тажрибалар ва меҳнат! Ривьер тасаввур қилди: у теграсида ҳисобсиз бойлиқлар қалашган банк ертўлаларидан ўтиб бораётир. У ўзининг ҳар бир ҳужжатида, нимадир олтиндан ҳам қимматроқ, банк ғазналаридаги олтин каби ухлаб ётган бўлса-да, тирик куч тўпланиб турганини ўйлади.

У ҳозир хоналардан бирининг эшигини очади-да, бу ердаги ягона уйғоқ одамни — навбатчи котибни кўради.

Навбатчи котиб ҳаётнинг давом этиши, инсоннинг про-  
да фаолияти тўхтамаслиги, Тулузадан, Буэнос-Айрес-  
гача тортилган занжир ҳеч бир жойидан, ҳеч қачон узи-  
либ қолмаслиги учун ишляпти.

«Бу одам ўзининг улуғ эканлигини ҳатто хаёлига  
ҳам келтирмайди».

Ҳозир қаердадир почта самолётлари курашаётир.  
Тунги учиб касалликдек узоқ чўзилади. Самолёт ёнида  
худди касал боққандек навбатда туриш керак. Қўллари,  
тиззалари, кўкраклари билан тун зулматига рўбарў чи-  
қаётган, у билан юзма-юз олишаётган одамларга кў-  
маклашиш даркор; улар учун шу омонат, кўринмас ху-  
ружлардан бошқа, бутун дунёда шулардан бўлак нарса  
йўқ. Улар ўзларини қўлларининг кучи билан бу қора  
хуружлардан худди денгиз гирдобидан тортиб чиқарган  
каби, вужудларидан юлиб олиб чиқишлари керак.

Баъзан бундай иқрорлар даҳшатли эшитилади:  
«Қўлларимни кўролмаганимдан уларни ёритишга тўғри  
келди...» Қизил ёғдуда қўллар, худди тоғорачада чиқа-  
рилаётган суратдек, бахмалдек қирмизи кўринади. Бу-  
тун бир коинотдан қолган нарса ҳам шу қўллар ва  
уларни қутқазиб шарт.

Ривьер эксплуатация бўлимига олиб кирадиган  
эшикни очди. Хонадаги яккаю ягона ёниқ чироқ бур-  
чакка ойдин доғ ташлаган эди. Ёзув машинкасининг  
чиқиллаши жимликни бузмаган ҳолда, унга қанақадир  
ўзгача мазмун бахш этарди. Вақти-вақти билан ҳавода  
телефон товуши титрайди; навбатчи котиб ўрнидан ту-  
риб, бу собит ва ғамгин чорловга пешвоз юради. Труб-  
кани кўтаргач ноаниқ хатар йўқолиб, соя тўр тўқиган  
бурчакда тинч суҳбат бошланади. Кейин одам иш жо-  
йига хотиржам қайтади, унинг юзидаги мудроқ ёлғиз-  
лиқ ифодаси қандайдир номаълум сир борлигини бил-  
диради. Икки почта самолёти учаётган бу соатларда  
ўша ёқдан, ташқаридан, тундан келаётган ҳар бир даъ-  
ват ўзи билан хатар ҳам олиб келади. Ривьер оила аъ-  
золари чироқ теграсида жам бўлиб ўтирган бир пайтда  
уларга тўсатдан ҳамла қиладиган, ўқилганда оила бош-  
лиғининг юзига даҳшатли сирни муҳраб, уни чексиз-  
чексиз чўзилган бир неча дақиқага қотириб қўядиган  
телеграмма тўғрисида ўйлади. Юздан фақат энгил бир  
тўлқин юзиб ўтади — шундай осойишта, нажот сўраб  
қилинган нидога ўхшамайдиган...

Телефоннинг ҳар галги секин жиринглашида Ривьер-

га ана шу нидонинг бўғиқ акс садоси эшитилади. Ёлғизлик навбатчининг ҳаракатларини секинлатиб, худди икки тўлқин исканжасига тушиб қолган сузувчига ўхшатиб қўйган. Унинг қоронғи бурчакдан ўз столига қайтиши худди сузувчининг сув тагидан сузиб чиқишига ўхшар ва ҳар гал Ривьерга бу одамнинг ҳаракатларини сирлар залвори жиловлаб тургандек туюлар эди.

— Утираверинг. Мен оламан.

Ривьер трубкини кўтариб, тунги осмоннинг гувиллашини эшитди.

— Ривьер гапиряпти.

Аввал заиф шовқин, кейин одам овози эшитилди:

— Сизни радиостанция билан улайман.

Яна шовқин, контактларнинг чирсиллаши, кейин бошқа овоз келди:

— Радиостанция гапиряпти. Телеграммаларни узатмиз.

Ривьер бош ирғаганча ёзиб ола бошлади.

— Ҳа... Ҳа...

Муҳимроқ гап йўқ эди. Оддий хизмат маълумотлари. Рпо-де-Жанейродан изоҳ сўрашяпти, Монтевидео обҳаво тўғрисида, Мендоса техник ускуналар ҳақида гапиряпти. Одатий, кундалик овозлар.

— Самолётлар-чи?

— Момақалдироқ. Самолётларни эшитмаяпмиз.

— Тушунарли.

«Бу ерда тиниқ, юлдузлар чарақлаган осмон,— деб ўйлади Ривьер,— радистлар эса олис момақалдироқлар нафасини аллақачон эшитишган».

— Қўришгунча, хайр.

Ривьер ўрнидан турди. Қотиб унинг ёнига келди.

— Қўл қўйиладиган қоғозлар, жаноб директор...

— Яхши.

Бирданига Ривьернинг кўнглида елкасига туннинг юки ортилган бу ҳамкасабасига меҳр уйғонди. «Биз бирга жанг қиляпмиз,— деб ўйлади у.— Бу одам эса тунги соқчилик иккаламизни бир-биримизга қанчалик мустаҳкам боғлаб турганини ҳеч қачон билолмайди».

## IX

Бир даста қоғозни олиб кабинетига кираётганда, Ривьернинг биқинида таниш, бир ҳафтадан бери тинчлик бермаётган оғриқ яна турди.

«Аҳвол чатоқ».

У бир дақиқа деворга суянди.

«Нақадар бемаъни!»

У креслосига етиб олди.

У — қари шер, яна ўзига ўралган кишанларни ҳис қилиб, — буниси нечанчиси — чуқур қайғуга чўмди.

«Қанча меҳнат — натижаси шу бўлса! Элликка чиқдим. Эллик йил давомида ҳаётимни лабигача лим-лим тўлдирдим, ўзимни бунёд қилдим, курашдим, мана, нимага алмашдим буларнинг ҳаммасини, дунёни нима нарса сиқиб чиқариб, ўрнини эгаллапти. Қанчалар бемаъни!»

У терларини артиб, оғриқ босилишини кутди, кейин ишга тутинди.

Секин қоғозларни варақлай бошлади.

«Буэнос-Айресда 301-нчи моторни текширишда аниқландики... Айбдорга қаттиқ жазо берилсин».

Имзо чекди.

«Флорианополисдаги қўниш майдончасида инструкцияга зид тарзда...»

Имзо чекди.

«Аэродром бошлиғи Ришар маъмурий тартибда бўшатилинсин, чунки у...»

Имзо чекди.

Биқинидаги оғриқ писиб олди, лекин йўқолмади; оғриқ Ривьернинг танида яшаб, ҳаётига нимадир янги мазмун бераётган, уни ўзи тўғрисида қайғуришга — алам билан ўйлашга мажбур қилаётган эди.

«Адолатлиманми ё адолатсизми? Билмайман. Мен зарба бераман — авариялар сони камаяди. Авариялар учун жавобгарлик одамнинг эмас, қанақадир шакл-шамойилсиз бир кучнинг зиммасида; ҳамма нарсани ўз қўлингга олган тақдирдагина бу кучни енгиш мумкин. Агар мен доим адолатли бўлсам, тунги учишларнинг ҳаммаси ҳам ажал билан ўйнашишга айланар эди».

Ривьерни бирдан чарчоқ босди: унинг ўз айтганида қаттиқ туриб олиши оғир машаққат эди. Одамларга раҳм қилинса қанчалар яхши бўларди-я, деб ўйлади у.

У ўйга чўмганича боягидек қоғозларни варақлайверди.

«Робле масаласида тўхталсак, у бугундан бошлаб персоналлар сафидан чиқарилди».

Ривьер қария Роблени, у билан шу бугун бўлган суҳбатини эслади.

— Сабоқ. Бу бошқалар учун яхши сабоқ бўлади.

— Лекин, мьсё... Лекин, мьсё... Бир мартагина шундай бўлди, ахир! Уйлаб кўринг! Фақат бир марта! Мен эса бир умр шу ишда ишляпман!

— Бу сабоқ бўлади!

— Лекин мьсё!.. Бунга бир қаранг, мьсё!..

Эскириб кетган ҳамён, унда — сарғайиб кетган газета варағи: навқирон, ёш Робле самолёт ёнида суратга тушган.

Ривьер Робленинг ўтмишдаги доврўғидан аянчли гувоҳлик бераётган шаҳодатномани тутган қўллари қандай қалтираётганини кўриб турарди...

— Минг тўққиз юз ўнинчи йил, мьсё... Аргентинада биринчи бўлиб мен йиғган самолёт бу! Авиацияда мен — тўққиз юз ўнинчи йилдан бери... Йигирма йил, мьсё! Бундай дейишга қандай кўнглингиз боради... Ёшлар бор-а! Устимдан кулишади, ахир. О, қандай кулишади!

— Бунинг ишга алоқаси йўқ.

— Болаларим-чи, мьсё! Менинг болаларим бор!..

— Боя сизга айтдим-ку: ёрдамчи ишчи ўрнини ол-сиз.

— Лекин, мьсё, менинг қадрим, қадрим-чи! Уйлаб кўринг, мьсё, йигирма йилдан бери авиация, тажриба-ли, ишчи энди бирданига...

— Ёрдамчи ишчи ўрнига.

— Мен кўнмайман, мьсё, кўнмайман!

Қари қўллар қалтирайди, Ривьер бу серажин, қадоқ қоплаган, шундай гўзал қўлларга қарамасликка уринади.

— Ёрдамчи ишчи ўрнига.

— Йўқ, мьсё, йўқ... Сизга айтмоқчи эдимки...

— Кетишингиз мумкин.

«Мен шафқатсизлик билан уни эмас, — деб ўйлайди Ривьер, — ёмонликни ҳайдаб чиқардим. Бу ёмонлик учун эҳтимол у жавобгар эмас, лекин унинг қуролига айланиб қолган.

Чунки шароитларни бошқариш керак — шунда булар ҳам сенга бўйсунди, сен ҳам уларни яратасан. Ҳа, одамларни ҳам яратасан. Ёки бўшатасан — агар улар ёмонлик қуроли бўлса.»

«Сизга айтмоқчи эдимки...»

Шўрлик чол унга нимани айтмоқчи эди? Қаригаи чоғида яккаю ягона қувончидан айрилаётганини? Са-

молёт ускуналарини созламаса яшай олмаслигиними? Ҳаётининг юксак мазмундан маҳрум бўлаётганиними? Кейин... нима биландир яшаш кераклигиними?

«Мен жуда чарчадим,— деб ўйлади Ривьер. Танасида ёқимли бир илиқлик пайдо бўлди. У яна қоғозларга қўлини қўйиб, хаёлга толди.— Шунча йил мен билан слкама елка ишлагап чолни жуда яхши кўрардим...» У чолнинг қўлларини, бир-бирига худди маҳкам қовушмоқчидек ночор титраган бўлган бармоқларини яна кўз олдига келтирди. «Ҳа, майли, майли, жойингизда ишлайверинг», деб айтиш кифоя эди. Ва қари бу қўллардан қувонч тўлқини югурарди, деб хаёлга толди Ривьер, бу қувончни ишчининг юзи эмас, қўллари сўйлаб берарди — бу қувонч Ривьер учун дунёдаги қувончлар ичида энг гўзали бўлиб туюлар эди. «Шу қоғозни йиртиб ташласамми?..» Чолнинг оиласи, унинг ксчқурун уйига қайтиши ва бу камтарона ғурур:

— Ҳа, демак, жойингда қолдиришдимиз?

— Бўлмасам-чи! Бўлмасам-чи! Ахир Аргентинада самолётни биринчи мен йиғганман!

Ва цехдаги ёшлар ҳам бошқа кулишмайди, чолни яна ҳурмат қилишади.

«Йиртсамми?»

Телефон жиринглади. Ривьер трубкани кўтарди.

Узоқ жимлик, кейин акс садолар, кенгликларнинг одам овозини теранлаштириб юборадиган гувиллаши эшитилди, ниҳоят трубка тилга кирди:

— Аэродром гапиряпти. Ким аппарат ёнида?

— Ривьер.

— Жаноб директор, олти юзу эллигинчи жўнатилди.

— Яхши.

— Ниҳоят тузатдик. Лекин энг охирида электр-ёритқичларни созлашга тўғри келди, контактлар бузилган экан.

— Яхши. Ким монтаж қилган эди?

— Текшираемиз! Рухсат берсангиз, кескин чора қўллаемиз: бортёритқичларининг бузуқлиги — жуда хавфли нарса.

— Бўлмаса-чи.

Ривьер ўйлади: «Агар ёмонликка ҳар бир дуч келганда, уни илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлайверилмаса, учиш пайтида чироқлар ўчиб қолади. Ёмонлик қуролини кўриб туриб, унга қарши курашмаслик — жиноят. Йўқ, Робле бўшаши керак».

Қотиб, ҳеч нарсани кўрмай-билмай, боягидек машини-када ёзиб ўтирарди.

— Ёзаётганингиз нима?

— Икки ҳафталик ҳисобот.

— Нега шу пайтгача тайёр бўлмади?

— Мен...

— Текширишга тўғри келади.

«Тасодифий шароитларнинг қўли баланд келиб, биқиниб ётган қора кучларни, ҳа, ўша мудроқ ўрмонларга ғулғула соладиган, қаердаки катта иш бошланса, ўша жойга қутуриб ҳамла қиладиган қора кучларнинг бош кўтариб чиқишини кўриб туриш ғалати». Ривьер улкан эҳромларнинг лиана ўсимлигининг нозик баданларига дош беролмай емирилишини ўйлади.

«Катта иш...»

Ривьер ўзини ишонтиришга уринди:

«Бу одамлар... Уларни яхши кўраман. Мен уларга қарши эмас, улар орқали юзага чиқадиган ёмонликка қарши курашаман».

Ривьернинг юраги оғриқ бериб тез-тез ура бошлади.

«Қилаётган ишим яхшими, ёмонми — мен билмайман. Одам ҳаётининг ҳам, адолатнинг ҳам аниқ баҳосини билмайман. Одамнинг қувончи, қайғуси қанча туришини ҳам тузукроқ билмайман! Қўлнинг қалтироғи қанча туришини билмайман. Ачиниб ва меҳрнинг баҳоси қанчалигини ҳам...»

У хаёлга толди:

«Ҳаёт зиддиятга тўла. Бу зиддиятларни ҳар ким ўз билганича енгади. Лекин мангу яшаш ҳуқуқини қўлга киритиш, ўткинчи танани қурбон бериб, эвазига яратувчи бўлиш...»

Ривьер бир оз ўйланиб тургач, телефон қилди:

— Европага учадиган учувчига айтнинг, келса, менга учрашсин.

Ва ўйлади:

«Бу самолётнинг яна айланиб ўтишига йўл қўймаслик керак. Мен одамларимга яхшилаб зуғум ўтказмасам, улар тундан қўрқишдан ҳеч қачон қутулмайдилар».

## Х

Телефон жиринглашидан уйғонган учувчининг хотини эрига қараб ўйлади:

— Майли, яна бир оз ухласин.

У эрининг очиқ, кенг, кучли кўкрагига меҳр билан термилди: кўз ўнгида чиройли бир кема гавдаланди.

Учувчи ўз тўшагида, сокин денгизда лангар ташлаган кемадек, тинчгина ухлаб ётарди, хотини унинг уйқусига ҳеч нарса халал етмасин деб, бармоқлари билан, худди сояларни ҳайдагандек, тўлқинлар живирини текислагандек, тўшакни силаб, тинчитди — илоҳий бармоқлар денгизга шу тарзда осойишталик бахш этади.

У ўрнидан туриб деразани очди-да, юзини эпкинга тутди. Деразадан бутун Буэнос-Айрес кўриниб турарди. Қўшни уйда ўйин тушишмоқда; шабада оҳанг парчаларини илаштириб келади — ҳордиқ олиш, кўнгилхушлик вақти эди. Шаҳар одамларни ўзининг юз минг қалъасига бекитиб олган; атрофдаги ҳамма нарсада ишонч ва осойишталик уфурар эди; унга мана ҳозир: «Жангга!» деган даъват эшитилиб, бу даъватга жавобан бутун бошли шаҳардан фақатгина унинг эри отилиб чиқадигандек туюлди. Эри ҳали уйқуда, лекин уйқуси ҳадемай жангга ташланадиган лашкарнинг уйқусидек сергак. Мудроқ шаҳар учувчини ҳимоя қилаётгани йўқ; учувчи навқирон худо мисоли шаҳарлар гарди устидан учиб ўтаётган пайтда, уларнинг чироқлари аянчли кўринади. Аёл эрининг бир соатдан сўнг Европага учадиган самолётнинг тақдири, бутун шаҳарнинг тақдирига ўхшаган нимадир жуда улкан масъулият топшириладиган кучли қўлларига тикилди. Кўнглига хавотир оралади. Бу одам — миллионлаб одамлар ичидан фақат угина — ғалати бир қурбонликка танланган. Аёлнинг кўнглини ғусса чулғади. Учувчи кетади, унинг меҳрибон оғушларидан чиқиб кетади. Аёлнинг уни суюб, эркалашлари, ардоқлашлари ўзи учун эмас, бугунги тун учун экан, тун ҳозир эрини у ҳеч қачон билломайдиган жанглр учун, хабарлар учун, ғалабалар учун ўзига олади. Хотини бу сезгир қўлларни қанчадир қисқагина муддатга ўзига эл қилди, лекин шунда ҳам уларнинг ҳақиқий вазифасини ғира-шира англади, холос. Аёл бу одамнинг табассумини, ошиқона туйғунлигини билади; аммо унинг момақалдиروқнинг қоқ юрагига кирганда қандай ғазабга минишини билломайди. Аёл бу одамни муҳаббат, гуллар, куйлардан тўқилган майин занжирларга ўраган эди, лекин у учиш олдидан бу кишанларни албатта ечиб ташлайди ва, эҳтимол, бунга ачинмас ҳам.

Учувчи кўзини очди.

— Соат неча бўлди?

— Қоқ ярим тун.

— Ҳаво қандай?

— Билмадим...

Учувчи ўрнидан турди-да, керишганча дераза ёнига борди.

— Бугун совқотмайдиганга ўхшайман. Шамолнинг йўналиши қанақа экан?

— Худди мен бунақа нарсаларни биладигандек сўрайсан...

Учувчи деразадан энгашиб қаради.

— Жанубдан эсяпти. Жуда яхши! Бунақа шамол кам деганда Бразилиягача шундай туради.

У ойга қараб, бирдан бойиб кетгандек бўлди. Кейин пастга, шаҳарга тикилди.

Шаҳар ҳозир унинг учун на маҳбуб, на илиқ, на ёруғ эди. Унинг кўз олдида ҳозирданоқ катта шаҳарчалар чироқларининг гарди шамолда қандай бефойда тўзиб бораётгани кўриниб турарди.

— Нимани ўйлаяпсан?

У Порто-Аллегрининг ёнида туман бўлиши эҳтимолни ўйлади.

— Менинг ўз ҳийла-усулим бор. Уни айланиб ўтишни биламан.

У ҳали ҳам деразадан эгилиб қараганча, худди денгизга сакрашга шайланган ялангоч сузувчидек чуқур-чуқур нафас олди.

— Унча ҳам ачинаётганга ўхшамайсан... Неча кунга кетасан?

— Саккиз-ўн кунга.— Учувчи аниқ билмас эди. Нима учун ачиниши керак?.. Ялангликлар, тоғлар, шаҳарлар — у шуларни забт этиш учун кетади. У — эркин қуш. Бир соат ўтар-ўтмас, бутун Буэнос-Айрес унинг қўли остида бўлади, кейин эса уни орқага ташлаб кетади.

У жилмайди.

— Бу шаҳар... Сал ўтмай ундан узоқда бўламан. Кечаси учиш яхши-да! Жанубга бурилиб, газни босасан ва ўн дақиқадан кейин бутун манзара тўнқарилади-да, шимолга қараб учасан. Тагингдаги шаҳар — денгизнинг тубига ўхшаб қолади.

Хотини эса ғолиб одамнинг қанча-қанча нарсалардан воз кечишини кераклигини ўйлади.

— Ўз уйингни ҳам яхши кўрасанми?

— Уйимни яхши кўраман...

Лекин хотини унинг ҳозирданоқ уйдан узоқда турганлигини билади. Эрининг кенг елкалари аллақачон осмон гумбазини йириб кетаётган эди.

— Қара, қанақа ҳаво! Йўлингга юлдузлар тўшалган.

У кулди.

— Ҳа.

Хотини унинг елкасига қўлини қўйиб, терисининг салқинлигини ҳаяжон билан ҳис қилди. Ана шундай танага хавф-хатар таҳдид қиляпти!..

— Биламан, кучлисан. Лекин, бари бир, эҳтиёт бўл.

— Албатта, мен эҳтиёт бўламан.

Ва у яна кулди.

У кийина бошлади. Ўз байрамига отланаётиб, энг дағал кийимларини, энг оғир чармларини кийди; у худди деҳқонларга ўхшаб кийинди. У вазминлашгани сайин хотини унга баттар тўймай тикиларди. Хотини унинг камарини ўтказишга, этикларини кийишига кўмаклашди.

— Бу этик қисар экан.

— Мана, бошқаси.

— Запас чироқни боғлайдиган чилвирни топ-чи.

Хотини эрига қараб, кийимларини сўнгги бор кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида, ёпишиб турибди.

— Қандай чиройлисан!

У сочларини ҳафсала билан таради.

— Бу юлдузлар учунми?

— Буми, ўзимни қари ҳис қилмаслик учун.

— Рашк қиламан...

У кулиб, хотинини қучди-да, қўпол кийимларига босди. Кейин уни худди ёш қизчадек қўлида кўтарди-да, яна кулиб, каравотга ётқизди.

— Ухла.

У эшикни ёпиб кўчага чиқди, зулматда қиёфаси ўзгарган оломонни оралаб, тунни маҳв этишга томон биринчи қадамини ташлади.

Хотини ёлғиз қолди. Гулларга, китобларга — майин, ёқимли, лекин эри учун фақат денгиз тубида ётган нарсаларгина бўлган ашёларга ғамгин тижилди.

## XI

Учувчини Ривьер қабул қилди.

— Охирги рейсда қилиқ чиқардингиз. Айланиб ўгдингиз. Об-ҳаво маълумотлари эса яхши эди, тўғри учаверсагиз бўларди. Қўрқдингизми?

Қўққисдан қўлга тушган учувчи индамай, кафтларини бир-бирига ишқалайди. Кейин бошини кўтариб, Ривьерга тик қарайди:

— Ҳа.

Ривьер бу мард, лекин тўсатдан қўрқиб қолган йигитга юракдан ачиниб кетди.

Учувчи ўзини оқлайди:

— Бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Тўғри, радиодан хабар қилишди... Балки, кейин... Лекин борт чироқлари қарийб ўчиб, ҳатто ўз қўлларимни ҳам кўролмайдим. Тумшукдаги чироқларни ёқиб, ҳеч бўлмаसा қанотларни кўрай десам,— бари бир, яна зулмат. Худди жуда катта чуқурга тушиб қолиб, ундан чиқиб ололмайдигандек. Бу ҳам етмагандек, шу вақт мотор ҳам ишқал чиқариб...

— Бўлмаган гап.

— Бўлмаган гап?

— Бўлмаган гап. Биз кейин моторни кўрдик. Моторга жин ҳам урмаган. Лекин одам кўрқдимиз — мотор ишқал чиқараётгандек кўринаверади.

— Қўрқмай бўладими, ахир! Тоғлар қисиб турган эди. Баландроққа кўтарилишга уриниб, қуюнга тушиб қолдим. Ўзингиз ҳам яхши биласиз, ҳеч нарса кўринмасан-да, яна қуюнга тушсам... Кўтарилиш ўрнига юз метрга пастлаб кетдим. Ва яна гироскопни ҳам, манометрларни ҳам кўролмасам... Шунда мотор мароми ҳам тушиб бораётгандек, қизиб кетгандек, мой босими ҳам... Буларнинг ҳаммаси — зим-зиё зулматда. Худди касалликдек... Шу вақти шаҳар чироқларини кўриб қолиб, қувониб кетдим!

— Кўзингизга кўп нарсалар кўринар экан. Боринг. Учувчи чиқиб кетади.

Ривьер курсига қулайроқ жойлашиб, оқарган сочларини силади.

«Бу — одамларим ичида энг юракдиларидан бири. Уша оқшом у ўзини яхши тутган. Лекин мен уни кўрқувдан бутунлай қутқазаман...»

Унинг кўнглида яна, худди бир дақиқа ҳолсизланишдек, йўлдан озиш истаги уйғонди:

«Сени яхши кўришлари учун раҳмдил эканингни билдириш кифоя. Мен ҳеч кимга раҳм қилмайман ёки раҳм қилсам ҳам, яшириб юраман. Мен ҳам ўзимни дўстлик меҳри, ҳароратига ўрашни шунчалар истайман-

ки! Врачнинг касби унга ана шундай яшашга ҳуқуқ беради. Мен одамларни тоблашим керак, токи улар ҳам воқеалар равишини ўзгартира билишсин. Кечқурун, кабинетингда ёлғиз, бир даста қоғозларга термилиб ўтирсанг, ҳеч жойда ёзилмаган бу қонидани айниқса чуқур англайсан. Салгина диққатни бўшаштириб, тартибга тушган воқеалар равишини ўз оқимига ташлаб қўйсам, ўша заҳоти, худди афсун қилингандек, авария пайдо бўлади. Нақ менинг иродам — фақат унинг ўзигина самолётнинг қулаб тушишига изн бермайди, уни бўронга тутилишдан сақлайди. Баъзан ихтиёр-иродангдан ўзинг ҳайратда қоласан».

У ҳамон ўйлайди:

«Ва, бунинг ҳайрон бўладиган жойи ҳам йўқ шекилли. Боғбон доим ўз кўкаламзоридида шундай кураш олиб боради... Азалдан буён ер ибтидоий, ёввойи ўрмонни ўстиришга уринади; лекин инсон қўлининг оддийгина оғирлиги билан босиб, ўрмонни қайта ерга киргизаверади».

У учувчи тўғрисида ўйлайди:

«Мен уни қўрқувдан қутқаздим. Мен унга эмас, балки номаълумликка тўқнаш келган одамларни шол этадиган, енгилиши шарт бўлган қора кучга қарши ҳужум қилдим. Агар унинг гапларига қулоқ солсам, унга ачинсам, қўрқувини тўғри деб топсам, у ўзини ростдан ҳам қанақадир сирли мамлакатда бўлганига ишониб қолади; ахир, у айни шу сирлардан — фақат улардан қўрқади, шунинг учун ҳам ҳеч қандай сир қолмасин. Шундай қилиш керакки, одамлар бу мудҳиш қудуқларига тушиб кўринсин; чиққандан сўнг у ерда ҳеч қандай сирли нарсани учратмаганликларини айтишсин. Шундай қилиш керакки, айнан шу одам, ихтиёрида атиги қўллари ёки қанотни ёритадиган кичкинагина шахтёр чироғи ҳам бўлмаган ҳолда, туннинг қоқ юрагига, унинг қалин мағзига, энг сирли чуқурига кирсин ва ўзининг кенг елкалари билан Номаълумликни суриб чиқариб ташласин».

Бари бир, бу курашда Ривьер билан унинг учувчиларини унсиз биродарлик боғлаб туради. Улар бир ўтда тобланган, бир тоифа ғалабага ташна одамлар. Аммо Ривьер ўзининг тунни буйсундириш учун олиб борган бошқа курашларини ҳам эслайди.

Расмий доираларда туннинг мудҳиш салтанатига эҳ-

тиёткорлик билан, худди ҳали синалмаган ўрмон хилватгоҳларига қарагандек, шубҳа билан муносабатда бўлар эдилар. Улар учун экипажни тун бағрига биқинган бўрон, туман ва яна бошқа талай-талай ғовларга қарши соатига икки юз километр тезликда боришга мажбур қилиш фақат ҳарбий авиацияда мумкин бўлган таваккалчиликнинг ўзгинаси эди, ҳаво очиқ тунда осмонга кўтариласан-да, бомбардимонни ўтказиб, яна тунда ўз аэродромингга қайтасан. Лекин мунтазам тунги қатновлар муваффақиятсизликка маҳкум.

«Тунги учишлар — биз учун ҳаёт ва мамот масаласи,— деб жавоб берган эди Ривьер.— Биз вақт борасида кундузи билан қўлга кирган, темир йўл ва кемачиликдан устунлигимизни таъминлайдиган ютуғимизни ҳар кун тунда қайта бой бериб келяпмиз».

Ривьер хавфсизлик масаласи, ишнинг моддий жиҳатлари, жамоат фикри сингари ҳар хил гапларни эшитганда зерикар, хуноби ошар эди. «Жамоат фикрими,— деб эътироз билдиради у,— аввало жамоат фикрини яратиш керак». У шундай деб ўйларди: «Қанча вақт бефойда йўқотилляпти! Лекин одамнинг ҳаётида нимадир, доим ютиб чиқадиган нарса бор! Тирик мавжудот яшаши керак, бунинг учун эса йўлида учраган ҳамма тўсиқларни янчиб ўтиши лозим. Тириклик яшаш учун ўзининг янги қоидаларини яратади. Тирикликни маҳв қилиб бўлмайди». Ривьер гражданд авиациясининг қачон тунги қатновга ўтиши, бунга қайси йўллар билан эришишини ҳозирча аниқ билмайди, лекин бир кун эмас-бир кун шундай қарорга келинишини, бу қарорни эса бугундан ҳозирлаш кераклигини яхши билади.

У столларнинг яшил мовути ёнида, қўлини иягига тираб, сон-саноқсиз эътирозларни тинглаганча, ўзидаги ғалати бир кучга ажабланиб ўтирган пайтларини эслайди. Бунақа эътирозлар унга маънисиз, ҳаётнинг ўзиёқ уларни ўлимга маҳкум қилаётгандек туюларди. Ва вужудидаги кучнинг вазмин тортиб, авжга минаётганини ҳис қилиб турарди. «Мен келтирган далилларни рад қилиб бўлмайди,— деб ўйлайди Ривьер.— Воқеаларнинг табиий оқими шунга олиб келади».

Ундан аллақандай ишонч гаровлари, таваккалчиликка йўл қўймайдиган қанақадир қарорларни талаб қилишганда:

— Қонунлар тажрибага асосланиб чиқарилади,—

деб жавоб берган эди.— қонунлар ҳеч қачон тажрибадан олдин туғилмайди.

Қўп йиллик курашлардан сўнг Ривьер айтганига эришди. «Ўзига ишонгани учун эришди», деб айтишди баъзилар. «Йўлида учраган ҳамма нарсани пайҳон қиладиган айиқдек ўжарлиги билан эришди», деб айтишди бошқалар. Ривьернинг ўзи эса: «Тўғри йўл танлаганим учун ютиб чиқдим», деб ўйлайди.

Лекин олдинига қанчадан-қанча эҳтиёткорлик чораларини кўришга тўғри келди! Самолётлар аэродромдан тонгдан бир соат олдин учирлиб, кун ботишидан бир соат кечикмай қўндирилди. Ривьер фақат анча тажриба тўплагандан кейингина почта самолётларини тун қўйнига юборадиган бўлди. Қарийб ҳеч ким эргашмаган, қарийб ҳамма қоралаган Ривьер курашни ёлғиз давом эттираверди.

Ривьер самолётлардан келган охириги хабарларни сўраб, телефон қилди.

## XII

Бу пайтда Патагония почтачиси бўронга жуда яқин келган ва учувчи Фабьен бўронни айланиб ўтиш фикридан воз кечган эди. У момақалди роқларнинг ҳаддан ташқари катта майдонга ёйилганини, булут истеҳкомларини ёритиб турган яшин чизиқларининг жуда узоқларга чўзилиб кетаётганини яхши биларди. У момақалди роқнинг тагидан шўнғиб ўтишга, агар, борди-ю, бундай қилолмаса, кейин олдинги йўлига қайтишга қарор қилди.

У альтиметрга қаради: бир минг етти юз метр. У пастлаш учун штурвални босди. Мотор зириллаб, самолётнинг бутун танаси қалтираб кетди. Фабьен пасайиш бурчагини кўз билан чамалаб, харитадан тепаликларнинг баландлигини текширди: беш юз метр экан. Тепаликлар билан ўзи орасидаги масофани сақлаш учун етти юз метр баландликда учишни мўлжал олди.

Фабьен худди қартага бор бойлигини қўйган қиморбоздек, баландликни қурбон берди.

Самолёт қуюнга учраб, пастга тушиб кетди ва қаттиқроқ қалтиради. Фабьен жўринмас жарга қулаб тушиш хавфини англади. Худди тушдагидек, самолётнинг орқага бурилиб, юз минг юлдуз дунёсига қайтаётганини тасаввур қилди. Лекин Фабьен йўлидан бир қарич ҳам оғишмайди.

Учувчи чамалаб кўряпти.. Балки момақалди роқ фақат шу атрофга ёйилгандир. Чунки Трилью — энг яқин аэропорт — осмоннинг фақат тўртдан уч қисмини булут қоплаганини хабар қилган эди-ку. Демак, у туннинг қора бетондай зич вужудига, бор-йўғи, йигирма минутга кириб ўтади. Шунга қарамай ҳам учувчи таҳликада. У ўнгга, шамолнинг оқимига қараб, энг сим-сиёҳ зулматларда ҳам кўздан йўқолмайдиган хира милтирашни топишга уринди. Лекин ҳозир шу милтираш ҳам йўқ; фақат зичликнинг билинар-билимас ўзгаришлари сезилади. Балки кўзлари чарчагани учун шундай туюлаётгандир.

У радист узатган қогозчани ўқийди.

«Қаердамиз?»

Фабьен буни билиш учун жони-жаҳонини беришга тайёр эди. У жавоб беради: «Билмайман, момақалди роқ ичидан, компас бўйича кетяпмиз».

У яна энгашди. Уни моторга илашган, худди олов гулдаста каби, бир тарам аланга хавфлантиради; аланга шунча хира эдики, агар ҳозир ой чиқса, ўша заҳоти унинг ёруғида эриб кетарди; лекин бу йўқлик зулматида бутун дунёдан кўзга ташланадиган яккаю ягона нарса эди. Учувчи бу машъаланинг тилларини шамол қандай пишиқ эшиб-тугаётганини кўриб турарди.

Фабьен ҳар ўттиз дақиқада гироскоп билан альтиметрга қарашга энгашади. Қизил чироқларни ёқишга журъат қилолмайди: кўзини олиши мумкин; лекин асбобларнинг ёруғ циферблатларидан шундоқ ҳам хира юлдуз шуъласи таралади. Учувчи бу ерда, асбоблар, миллари ва рақамлар қуршовида ўзини алдамчи бир хавфсизликда деб билади; ҳаммаёғи берк каютада ўтирган одам ҳам тўлқинлар кеманинг устидан ошиб ўтаётган пайтда ўзини шундай бежавотир жойда деб ўйлайди. Тун ҳам, унинг бағридаги нарсалар — чўққилар, кема синиқлари, тепаликлар ҳам самолётга ана шундай муқаррар, қайтариб бўлмайдиган куч билан ёпирилади...

«Қаердамиз?», деб такрор сўрайди радист.

Фабьен яна ўнгга ўнгашиб, қовоғини уйганча кузатишда давом этади. У энди бу мудҳиш кишанлардан қутулиш учун қанча вақт ва қанча ҳаракат кераклигини билолмайди. У ҳатто умуман бу кишанлардан қутулиб кетишига ишонмай қолади; у минг марта очиб ўқиган мана шу қартага — «Трилью» осмоннинг тўртдан уч

қисмини булут қоплаган, ғарбдан кучсиз шамол эсяпти», деб ёзилган кир ва мижиғ қоғозчага ҳаётини тиккан. Агар Трилью осмонининг тўртдан уч қисми ёпиқ бўлса, ҳозир булутларнинг тирқишидан чироқлари кўринарди. Фақат агар... Бу заиф умид Фабьенни олға етаклайди, лекин шубҳадан қутқазмайди; у бир амаллаб радистга жавоб қайтарди: «Ўтиб кетамизми, йўқми, билмайман. Сўранг-чи, ортимизда ҳали ҳам ҳаво очиқмикан?»

Ёмон жавоб келди:

«Коммодоро хабар қилди: қайтиш мумкин эмас экан. Бўрон».

Фабьен энди тушуна бошлади: Анд Кордильералари устида қутурган даҳшатли, мисли кўрилмаган бўрон йўналишини ўзгартириб, денгизга қараб йўл олган. Фабьен шаҳарларга етиб улгурмай, уларга ҳам циклон ёпирилади.

«Сан-Антониодан ҳавони сўранг».

«Сан-Антонио жавоб қилди: ғарбдан шамол туряпти; ғарбда — бўрон. Осмонни бутунича булут қоплаган. Сан-Антониода эшитиш ёмон экан, яшин. Мен ҳам ёмон эшитяпман. Антеннани йиғиштирсамми, деб турибман: зарядлар халал беряпти. Бурилмоқчи эмасмисиз? Режаларингиз қандай?»

«Мени ўз ҳолимга қўйинг. Ундан кўра Байя-Бланкадан ҳавони сўранг».

«Байя-Бланка жавоб қилди: йигирма минутга ҳам бормаи Байя-Бланкани кучли момақалдироқ босади».

«Трильюдан ҳавони сўранг».

«Трилью жавоб қилди: ғарбдан секундига ўттиз метр тезликда бўрон бостириб келяпти. Кучли жала».

«Буэнос-Айресга хабар қилинг: ҳамма томондан тўсилганмиз; бўрон минг чақиримга ёйилган; кўриниш буткул йўқолган. Нима қилайлик?»

Бу тун учувчи учун ниҳоясиз эди. У портга ҳам (ҳаммаси ёпиқ), тонгга ҳам олиб чиқмайди,— қирқ минутдан сўнг бензин тугаши керак. Эртарақми, кечроқми, бари бир, ҳеч нарсани кўролмай, тубсиз жарга ҳулайдилар.

Қани эди, тонггача етиб олишса...

Тонгги шафақ Фабьеннинг хаёлида даҳшатли тун машаққатидан сўнг етиб олиш мумкин бўлган тилла қумли соҳил бўлиб гавдаланди. Самолёт қанотлари остида ялангликларнинг нажоткор қирғоқлари пайдо бўларди. Тинч ер мудроқ ҳовлиларини, подаларини, тепаликларини эргаштириб, уларга пешвоз чиқарди. Ҳозир зулматда айқаш-уйқаш бўлиб, кўринмай ётган нарсалар бир лаҳзада беозор тус оларди. О, агар шунинг иложи бўлса — Фабьен кундузни қаршилаш учун шундай интилардики!..

«Ҳалқа ўралди», деб ўйлади у. Нима бўлса ҳам, тонггача бу зулматнинг эич танасида бўлади.

Фақат шундай... Лекин тонгнинг илк соатлари нажот олиб келган пайтлари ҳам бўлган...

Лекин энди шарққа, қуёш яшаётган томонга термиш бефойда: самолёт билан қуёшнинг орасида туннинг тубсиз ўпқонлари ётибди, улардан қутулиб бўлмайди.

### ХIII

— Асунсьондан чиққан почтачи яхши келяпти. Икки соатдан сўнг шу ерда бўлади. Лекин Патагония почтачиси кўпга кечикиши мумкин, жуда оғир аҳволга тушиб қолганга ўхшайди.

— Шундай, жаноб Ривьер.

— Эҳтимол, Патагония почтачисини кутиб ўтирмай, Европа самолётини учуриб юборармиз. Асунсьондан самолёт етиб желиши билан бу ҳақда кўрсатма оласиз. Тайёр турунг.

Энди Ривьер шимолий аэродромлардан келган телеграммаларни қайта ўқишга тутинди. Телеграммалар Европа почтачисининг йўлига ой нуридан гилам тўшаган эди: «Осмон тоза, тўлин ой, шамол йўқ». Нурли осмон қўйнида кўзга яққол ташланаётган Бразилия тоғлари қора ўрмон қоплаган чўққиларини денгизнинг кумуш сувларига чайётган эди. Бу ўрмонга ҳам, тусини ўзгартирмаган ҳолда, ой нурлари тинимсиз ёмғирдек ёғиларди. Ҳалокатга учраган кема бўлакларига ўхшаган оролар ҳам қоп-қора тусда эди. Бутун йўл бўйи битмас-тунганмас ой — нур сепаётган фаввора...

Агар Ривьер жўнашга рухсат берса, Европа почтачисининг экипажи майин товланаётган нурлар оламига, туннинг танаси билан ёруғлик ўртасидаги мувозанатга ҳеч нарса таҳдид сололмайдиган дунёга киради. Ҳатто

енгил, салгина кучайса, бир неча соатда бутун осмонни чирик булутларга ўраб оладиган шабадаларнинг ёқимли сийпалаши ҳам киролмайдиган мустаҳкам дунёга кўтарилади.

Шунга қарамай, Ривьер бу ёғдуларга тикилганча, кириш тақиқланган майдон ёнида тўхтаб қолган олтин қидирувчидек, иккиланди. Ҳозир жанубда содир бўлаётган ҳодисалар тунги учишларнинг яккаю ягона тарафдорига қўйилган айбнома бўлиб янграмоқда эди. Патагониядаги ҳалокат Ривьернинг муҳолифлари маънавий мавқеини шу қадар мустаҳкамлаши мумкин эдики, у биргина ишончи билан уларга қарши ҳеч нарса қилолмай қоларди. Лекин бу ҳам Ривьернинг ишончи дарз кетганини билдирмайди; фожиа бирон бир хато оқибатида пайдо бўлади, фақат шу хатога гувоҳлик беради, холос; шундан бошқа ҳеч нарса эмас. «Балки ғарбда кузатув пунктлари ташкил қилишга тўғри келар... Уйлаб кўриш керак... Нима бўлмасин, бари бир, фикримда қатъий туриб олиш учун асосли далиллар бор; энди бахтсиз ҳодисаларни камайтириш имкони туғилди; чунки, мана, улардан бирининг сабаби аниқланди...» Бахтсизлик кучли одамларни тоблайди. Одамлар билан, афсуски, нарсаларнинг асл мазмуни у қадар ҳисобга олинмайдиган ўйин қилиш керак. Бой бериш ёки ютиб чиқиш қанақадир ташқи сабабларга боғлиқ бўлади. Мағлубиятнинг риёкор башараси оёқ-қўлингни боғлаб туради.

— Байя-Бланкадан ҳали ҳам радиограмма йўқми?

— Йўқ.

— Телефондан чақиринг.

У беш минутдан кейин Байя-Бланкадан сўради:

— Нега сиздан ҳеч қандай хабар йўқ?

— Биз самолётни эшитмаяпмиз.

— Нима, индамаяптими?

— Номаълум. Ҳаммаёқда момақалди роқ. Агар самолёт бирон нарса хабар қилаётган бўлса ҳам, биз эшитмаяпмиз.

— Трилью эшитяптими уни?

— Трильюни ўзимиз ҳам эшитмаяпмиз.

— Уёққа телефон қилинг.

— Уриниб кўрдик. Линия бузуқ.

— Сизларда ҳаво қандай?

— Ҳавфли. Ғарбда ҳам, жанубда ҳам яшин чақнапти. Жуда дим.

— Шамол қандай?

— Ҳозирча кучсиз. Лекин бу ҳам ўн минутга бормайди. Яшинлар жуда тез яқинлашяпти.

Жимлик.

— Байя-Бланка! Мени эшитяпсизми? Яхши. Ўн минутдан кейин менга телефон қилинг.

Ривьер энди жанубий аэропортлардан келган телеграммаларни кўздан кечира бошлади. Ҳаммасида бир хил хабар: самолёт индамаяпти. Баъзи аэродромлар Буэнос-Айресга бошқа жавоб бермадилар, харитада эса кичик шаҳарлари устида циклон хуруж қилган, барча эшиклар тақа-тақ ёпилган, қоронғи кўчалардаги ҳар бир уйи, худди кема сингари, дунёдан узилиб, тунга қотилган гунг вилоятлар белгиси тобора кўпайиб борарди. Фақат тонггина уларга нажот олиб келади.

Лекин харитага мукка тушган Ривьер бирон бир жойдан тоза осмон парчасини топиб олишдан умид узганича йўқ, у телеграф орқали ўттиздан ортиқ шаҳарнинг полиция маҳкамаларидан об-ҳавони сўради ва жавоблар кела бошлади. Икки минг чақиримга чўзилган линиядаги барча радиостанцияларга самолёт тўлқинини тутгани заҳоти, зудлик билан, ўттиз секунд ичида Буэнос-Айресга хабар қилиш, бу ердан эса Фабьеннинг қаерда паноҳ топиши мумкинлиги тўғрисида кўрсатма олиб, унга етказиш ҳақида буйруқ берилди.

Соат бирда уйларидан идорага чақириб келтирилган хизматчилар яна хоналарни тўлдиришди. Улар қанақадир сирли йўллар билан бундан сўнг тунги рейсларнинг тақиқланишини, бугун Европага учадиган почта самолётининг ҳам тонгда жўнатилишини эшитибдилар. Улар паст овозда Фабьен ҳақида, циклон ҳақида, айниқса Ривьер ҳақида гаплашишарди, Ривьернинг шу ерда, ёнларида эканлигини, унинг бўрондан — табиатнинг ганим хуружидан эзилиб ўтирганлигини сезиб туришарди.

Бирданига ҳамма товушлар босилди: эшикда эгнида пальто, бошида доимгидек кўзигача бостирилган шляпа — мангу сайёҳ. Ривьер кўринди. У бюро мудирининг ёнига хотиржам яқинлашди:

— Ҳозир бирдан ўн минут ўтди. Европа почтачисининг ҳужжатлари тайёрми?

— Мен... мен ўйлабманки...

— Ўйлаш эмас, бажаришингиз керак.

У бурилиб, қўлини орқасига қилганча, аста очиқ дераза ёнига келди.

Бир хизматчи унга қараб шошилди:

— Жаноб директор, жуда кам жавоб олдик. Хабар қилишди, ичкари районларда аллақачон кўп телеграф линиялари вайрон бўлибди.

— Яхши.

Ривьер тек қотганча, тунга тикилди.

Демак, ҳар бир янги хабар самолётга таҳдид олиб келяпти. Линияси ҳозирча бузилмаган, Буэнос-Айресга улана оладиган ҳар бир шаҳар худди ёғий лашкаридек бостириб келаётган циклонни маълум қияпти. «Бўрон материкнинг ичидан, Кордильердан чиқиб, йўлидаги ҳамма нарсани топтаганча, денгизга қараб кетяпти...»

Ривьерга юлдузлар ўта ёрқин, осмон ҳаддан ташқари намли туюлди. Ғалати тун! У, кўринишидан жуда кўркам бир мева сингари, бирданига магзидан қатлам-қатлам чирий бошлади. Буэнос-Айрес устида юлдузлар чамани ҳали ҳам ҳукмрон; лекин бу бир воҳа, холос, кўпга бормайди. Енгиш жуда қийин бўлган тун.

Бу туннинг қай бир чуқурида самолёт саргардон ва унинг бортида ёрдамга муҳтож, чорасиз қолган одамлар.

#### XIV

Фабьеннинг хотини телефон қилди.

Эри қайтиб келадиган кунлари у Патагония почта-чисининг учиш вақтини ҳисоблаб чиқар эди. «Мана, ҳозир Трильюдан учади...»— у яна уйқуга кетади. Салдан кейин: «Сан-Антониога яқинлашган бўлса керак; чироқларини кўраётгандир...» Шунда у уйқудан туриб, дераза пардаларини очади-да, осмонга қарайди. «Шу булутларнинг ҳаммаси унга халал беради...» Гоҳо булутлар орасида, худди чўпон каби ой кезиб юради. Аёл Ойга, юлдузларга — эрини қуршаган минглаб нарсаларга қараб, кўнгли таскин топади-да, яна тўшагига қайтади. У одатда тунги соат бирларга бориб, эрининг яқинлашиб қолганини сезарди. «Етай-етай деб қолди... Буэнос-Айрес чироқларини кўраётгандир...» У яна ўрнидан туриб эри учун овқат тайёрлайди, қайноқ қаҳва дамлайди: «У ёқда, тепада жуда совуқ...» Аёл ҳар гал Фабьенни, худди у қорли чўққилардан тушиб келгандек, бир хил сўзлар билан қарши оларди: «Совқотмадингми?»—

«Йўқ, совқотмадим»—«Шунда ҳам озгина исиниб ол...»  
Биру чоракда аёл ҳамма нарсани ҳозирлаб қўяди.  
Сўнгра телефон қилади.

Бу тунда ҳам у одатдаги саволини берди:

— Фабьен қўндими?

Трубкани кўтарган котиб чайналди:

— Ким сўраяпти?

— Симона Фабьен.

— О, бир минутга...

Котиб ўзи бирор гап айтишга журъат қилолмай,  
трубкани бюро мудирига берди.

— Ким сўраяпти?

— Симона Фабьен.

— А!.. Эшитаман, хоним.

— Менинг эрим қўндими?

Аёлга тушунарсиз туюлган бир жимлик юзага келди,  
кейин қисқа жавоб эшитилди:

— Йўқ.

— Кечикяптими?

— Ҳа...

Яна жимлик.

— Ҳа... кечикяпти.

— О!..

Бу — яраланган вужуднинг оҳ тортиши эди. Кечи-  
киш — арзимаган нарса... арзимаган нарса... Лекин у  
чўзилиб кетса...

— О!.. Соат нечада етиб келиши керак эди?

— Соат нечада етиб келиши керак эди?.. Биз... биз  
билмаймиз.

Энди унинг қаршисида девор пайдо бўлди. У берган  
саволларининг акс-садо бўлиб қайтаётганини эшитди.

— Утинаман, жавоб беринг! Ҳозир қаерда у?..

— Ҳозир қаерда у? Кутиб туринг...

Бу одамларнинг тепса тебранмаслиги аёлга оғриқ  
бўлиб ботди. У ёқда, девор ортида нимадир бўлаётган  
эди.

Ниҳоят, улар бир қарорга келишди.

— У Коммодородан ўн тўққизу ўттизда учган.

— Шундан бери?..

— Шундан бери... жуда кечикяпти... ҳаво ёмонлиги-  
дан жуда кечикяпти...

— О! Ҳаво ёмонлигидан...

Қандай адолатсизлик! Қандай хиёнаткорлик — Буэ-  
нос-Айрес устида талтайиб юрган ой — хиёнатчи!.. У

бирдан самолётнинг Коммодородан Трильюгача бор-йў-  
ғи икки соатча учишини эслаб қолди.

— Олти соатдан бери Трильюга учяптими? Ахир, у  
сизга радиограммалар юбораётгандир... Ўзи нима деяп-  
ти?

— Ўзи нима деяпти? Албатта, бунақа ҳавода... Ўзи-  
нигиз ҳам тушунасиз... унинг радиограммалари бизга  
етиб келмаяпти.

— Бунақа ҳавода!..

— Бундай, хоним, келишдик: бирон нарсани аниқ-  
лаганимиз заҳоти сизга қўнғироқ қиламиз.

— О, сиз ҳеч нарсани аниқлай олмайсиз...

— Хайр, хоним.

— Йўқ! Йўқ! Мен директор билан гаплашаман!

— Хоним, жаноб директор жуда банд, ҳозир кенгаш-  
да.

— Буниси билан ишим йўқ! Ишим йўқ! Мен у билан  
гаплашмоқчиман!

Бюро мудирни пешанасига кўпчиган тер доналарни  
артади:

— Бир минутга...

У Ривьернинг эшигини очди.

— Сиз билан Фабьен хоним гаплашмоқчи.

«Мана,— деб ўйлади Ривьер,— мен қўрққан нарса-  
лар бошланди». Фожида асосий ўринга туйғулар чиқа-  
ди. Ривьер аввалига бу туйғуларни рад қилишга урин-  
ди: ахир, операция хонасига касалнинг онаси, хотини  
киритилмайди-ку. Кема ҳалокатга учраган дақиқалар-  
да ҳам туйғулар жим туриши керак. Туйғулар одамлар-  
ни қутқазилганга ёрдам беролмайди... Аммо Ривьер бир  
қарорга келди:

— Кабинетимга уланг.

Ривьер олисдан келаётган заиф ва титроқ товушни  
эшитгани ҳамано нега ҳақиқатни айтолмаслигини ту-  
шунди. Ҳозир олишув бошланса, бундан на у томонга,  
на бу томонга заррача наф тегади.

— Хоним, илтимос, тинчланинг! Бизнинг ишда ха-  
барларни узоқ кутишга ҳам тўғри келади.

Ривьер бир одамнинг фожиаси эмас, балки умуман  
фаолият фожиаси бошланадиган сарҳадга яқин келди.  
Унга Фабьеннинг хотини эмас, балки ҳаётни мутлақо  
бошқача тушуниш қарши чиқаётган эди. Ривьер бу  
оғир овозни, шундай қайғули ва шундай ёв бўлган қў-  
шиқни фақатгина эшитиши, фақат унга раҳм қилиши

мумкин эди, холос. Чунки энди фаолият ҳам, туйғулар ҳам бир-бирига ён беролмасди — улар тўқнаш келди. Бу аёл ҳам мутлақ бир қимматга, бурч ва ҳуқуқ ҳақида ўз тушунчасига эга бўлган, қаердаки тана танани қўм-сайдиган, хонадон чироғи ёруғида умид, суйиш, хотиралар яшаётган дунё номидан курашга чиқаётган, ўзига тегиши керак бўлган нарсани талаб қилаётган эди. Аёл бунга тўла ҳақли эди. Ривьер ҳам шундай ҳақли, аммо у аёлнинг ҳақиқатига қарши ҳеч нарсани қўя билмасди. Хонадон чироғининг ожизгина шуъласида Ривьернинг шахсий ҳақиқати ифодалаб бўлмайдиган, қандайдир ғайринсоний томони билан кўринаётган эди...

— Хоним...

Аёл бошқа ҳеч нарсани эшитмади. Ривьернинг назарида аёл ожиз муштлири билан деворни ура-ура ҳолдан тойиб, шундоқ унинг оёқлари остига йиқилиб тушгандек бўлди.

Ҳали битмаган кўприк ёнида ётган ярадорнинг устига Ривьер билан бирга энгашган инженер шундай деган эди: «Кўприк қуриш одамнинг юзини шундай дабдала бўлишига арзирмикан?» Кўприк ўзлари учун қурилаётган, ундан манфаатдор бўлган деҳқонларнинг бирортаси ҳам йўлни калта қилиш учун инсон юзининг шу ҳолга тушишига рози бўлолмас эди. Лекин, шунга қарамай, кўприклар қурилаверади... Ушанда инженер: «Жамоат манфаати алоҳида-алоҳида одамларнинг манфаатлари йиғиндисидан ташкил топади, бошқача бўлуви мумкин ҳам эмас», деб қўшимча қилган эди. «Инсон ҳаёти ҳамма нарсадан қимматли бўлса-да, бари бир, дунёда худди ундан ҳам қимматлироқ нарса бордек ҳаракат қилаверамиз... Уша нарса нима?...» деган эди унга Ривьер кейинроқ.

Ҳозир ҳам, Фабьеининг экипажини ўйлаб Ривьернинг кўнгли торикди. Ҳар қандай фаолият, ҳатто кўприкларнинг қурилиши ҳам кимнингдир бахтини барбод қилади ва Ривьер: «Нимани деб шундай қиялпмиз», деган саволни ўзидан қайта-қайта сўрайверади.

«Бугун ҳалок бўлиши мумкин одамлар, — деб ўйлади Ривьер, — ҳали яшашлари, бахтли яшашлари мумкин эди». У хонадон чироқлари меҳробига энгашган юзларни кўз ўнгига келтирди. «Нимани деб уларни оила фароғатидан айирдим?». Нимани деб Ривьер бу одамларни оилавий бахт дунёсидан жудо қилди? Ахир,

энг катта бурч ҳам одамларнинг бахтини асраб қолиш эмасми? Мана, Ривьер, бунинг ўрнига, уни барбод қил-япти. Лекин, бари бир, эртами, кечми, шундай вақт келадими, чироқларнинг олтин меҳроблари саҳродаги саробдек йўқолиб кетади, қарилик ва ўлим уларни Ривьердан ҳам шафқатсизроқ тарзда йўқ қилади. Балки дунёда улардан ҳам мустаҳкамроқ нарса бордир, фақат ўша нарсанигина қутқазиб керакдир? Балки Ривьер инсон ҳаётидаги шу нарсани деб заҳмат чекаётгандир? Акс ҳолда, унинг фаолияти беҳуда.

«Севги, битта севгининг фақат ўзи — боши берк кўча!»

Ривьер севги бурчидан ҳам юсакроқ қанақадир бурч борлигини ўйлади. Тўғрироғи, бу ҳам меҳр, лекин мутлақо бошқача маънодаги меҳр. «Масала уларга мангулик бахш этиш ҳақида...» деган бир гап Ривьернинг ёдига тушди. Бу гапни қаердан ўқиган эди? «Ўз ичингдан мангулик тополмайсан». Ривьернинг кўз ўнгиди Перудаги инклар қабиласи тиклаган Қуёш маъбуди эҳромини гавдаланди. Тоғ тепасида тўғри бурчакли тошлар... Агар улар бўлмаса, шу тошлари залвори билан ҳозирги одамларни худди виждон қийноғи каби эзиб турадиган қудратли маданиятдан нима ҳам қолар эди? «Қадимги халқларнинг йўлбошчиси қайси оғир зарурат ё гаройиб муҳаббатни деб ўз фуқароларини чўққиди ана шундай эҳром тиклашга ва шу билан ўзларига мангу ҳайкал қўйишга мажбур қилди экан?» Ривьер яна кичик шаҳарчаларнинг куй янграётган шийпончалари атрофида ўралашган одамлар оломонини кўз олдига келтирди. «Бунақа бахт отнинг эгар-жабдуғидек бир гап», деб ўйлади. Қадимги халқларнинг доҳийси инсоний машаққатни ўйлаб, афтидан унга ҳеч қандай ачиниш ҳис қилмаган, лекин у инсоннинг ўлиmidан чексиз ачинишга тушган. Алоҳида-алоҳида одамларнинг ўлиmidан эмас, башар авлодининг, қум денгизи тагига чўкиб кетиши қисмат бўлган инсониятнинг ўлиmidан изтиробга тушган. Шунинг учун ҳам у халқини қум саҳроси ҳамла қилолмайдиган тошлардан эҳром тиклашга ундаган.

## XV

Фабьен тишини тишига босиб тўрт буклоғлик қоғозчани очади... Балки бу қоғозчада нажот бордир?

«Буэнос-Айрес билан боғланиб бўлмаяпти. Ҳатто калитни ҳам ишлатолмаяпман — қўлимга учқун урил-  
япти».

Ғазабланган Фабьен жавоб ёзмоқчи бўлади-ю; лекин штурвалдан қўлларини олса, шу ондаёқ қудратли оқим танасиши ямлаб ўтиб, ҳаво гирдибодлари уни ҳам беш тонна темирга қўшиб итқитиб юборади. У жавоб ёзишдан воз кечади.

Унинг қўллари яна тўлқинларнинг ёлини тутамлайди — яна уларни бўйсундиришга тутинади.

Фабьен оғир-оғир нафас олади. Агар бортрадист, момақалдироқдан қўрқиб, антеннани йиғиштирган бўлса, тумшуғига туширади — фақат қўниб олсин!.. Бирон нима қилиб бўлса ҳам, Буэнос-Айрес билан боғланиш керак! Худди Буэнос-Айресдан, бир ярим минг чақирим узоқдаги шаҳардан бу ерга, бу ўпқонга нажоғкор арқон узатишлари мумкиндек... Ҳеч бўлмаса, бир шуъла, бирон ҳовли чироғи кўринса эди!.. Аслида бефойда шу шуъла ҳам ердан билги берадиган маёққа айланарди. Бирон-бир ёғду, йилт этган нур топмаган Фабьен гўё ҳаёт тўхтаган дунёдан, жилла қурмаса, биронтагина овоз, ожиз бир товуш эшитишни орзу қилади. Кабинанинг хира ёруғида қолган учувчи муштумини юқори кўтариб, шу билан ортидаги одамга аҳволнинг фожиаали эканини билдирмоқчи бўлади. Лекин зимистон бўшлиққа, зулматга чўмган шаҳарларга, ўлик чироқларга қараб энгашган радист уни тушунмайди.

Ҳозир Фабьен ҳар қандай маслаҳатга ҳам қулоқ солишга тайёр эди — ишқилиб, унга бирон ҳамдard нидо етиб келса, бас. У ўйлайди: «Агар ҳозир менга доира бўйлаб уч, десалар — доира бўйлаб учардим; агар тўғри жанубга юр, десалар ҳам...» Қаердадир, ой ёруғидаги баҳайбат соялари тўшалган, ширин сукунат оғушига чўмган ерлар бор. Шундай ерлар устидан унинг дўстлари, қанотлари остида нималар борлигини кўриб-билиб, ишонч билан учиб юришибди, мисоли олимлардек харитага тикилиб учиб юришибди, гулларга менга-зайдиган гўзал чироқлар ҳимоясида соҳибқиронлардек учиб юришибди... Ҳозир Фабьен қуюнлардан бошқа, қора тўлқинларини тоғлардаги тош кўчишидек шиддат билан самолётга қарши ташлаган тундан бошқа нимани ҳам кўряпти?.. Икки кишини бу ерда — олов тиллари ва гирдибодлар ичида ёлғиз ташлаб қўйишмас, ахир. Бундай қилишлари мумкин эмас. Фабьен албатта буй-

руқ олади. «Курс икки юзу қирқ...» Фабьен икки юзу қирқинчи курсга ўтади... Аммо, у — ёлғиз.

Энди унга моддиятнинг ўзи исён қилаётгандек туюлди. Ҳар гал, машина пастга шўнғиганида, мотор шундай кучли зириллар эдики, самолёт танасини қазабли бир қалтироқ босарди. Фабьен кучининг борица машинани тинчлантиришга уринади; у энди тунга қарамайди; у энди фақат гироскопга кўз тиккан; бари бир, осмоннинг қора вужуди қаерда тугаб, ернинг қора вужуди қаерда бошланганини кўриб бўлмайди. Ибтидий зулматда ҳамма нарса айқошиб-уйқошиб, йўқолиб бормоқда. Асбобларнинг миллари борган сари қаттиқроқ титрамоқда, уларни кузатиб бориш тобора қийинлашмоқда. Асбобларнинг кўрсаткичларидан алданган учувчи йўлни энди қийинчилик билан белгилайди: борган сари у баландликни йўқотиб, хатарли зулматга баттар кўпроқ ботиб кетади.

Асбоб беш юз метр баландликни кўрсатяпти. Бу — тепаликларнинг баландлиги. Тепаликлар самолётга томон тўлқин-тўлқин бўлиб бостириб келяпти. Энг кичкинаси ҳам самолётни дабдала қиладиган бу тепаликлар турган жойидан бўшалиб кетиб, энди қанақадир ақлга сиғмайдиган, маст-аласт ўйинга тушганча, унинг атрофидаги сиртмоқни сиқиб келаётганга ўхшар эди.

Шунда учувчи бир қарорга келади. У самолётни тумшуғи билан ерга санчилишидан қўрқмай, тўғри келган жойга қўндиришни мўлжаллайди. Тепаликларга урилиб кетмаслик учун тун қўйнига қарата яккаю ягона ёритқич ракетасини отади. Ракета порлаб пастдаги текисликни ёритганча айланиб-айланиб тушиб ўчади. Самолётнинг таги — денгиз.

Бир фикр чақмоқдек чақнайди: «Улдим. Курсни қирқ градусга ўзгартирсам ҳам, бари бир, мени тортиб кетди. Бу — циклон. Ер қаерда, ер?».

Фабьен тўғри ғарбга бурилади. «Энди, ракетасиз, ерга урилишим турган гап», деб ўйлайди. Эртароқми, кечроқми, шундай бўлиши муқаррар эди. Орқада — уёқда ўтирган дўсти эса... «Антеннани йиғиштирган бўлса керак». Лекин бу учун Фабьен энди ундан аччиғланмайди. Учувчи тутамланган қўлларини ёзиб юборса бас — шу заҳоти иккаловининг ҳам ҳаёти бефойда гарддек тўзиб кетади. Фабьен ўз қўлларида тирик уриб турган икки юракни — ўзининг ва дўстининг юрагини тугатиб турибди... У бирдан ўз қўлларидан қўрқиб қолади.

Ҳаво гирдоблари самолётга девордек урилади. Учувчи бошқарув симларини узиб юборгудек силкинаётган штурвалга жон-жаҳди билан ёпишади, уни тинчлаштиришга уринади, бир дақиқага ҳам бўшатмайди. Энди эса бирданига қўлларини сезмай қоляпти, қўллари худди даҳшатли олишувдан чарчаб, қаттиқ уйқуга кетгандек туюлади. У бармоқларини қимирлатиб кўриб, улардан ҳали ҳам ўзига бўйсунмаётганини билдирувчи бирон илинж топмоқчи бўлади. Лекин қўлларининг учи бармоқлар билан эмас, қандайдир бегона аъзо билан тугагандек. Қанақадир ҳиссиз, бежон мўлоқлар. «Бор кучим билан, қўлларим ишляпти, бармоқларимни сиқяпман, деб ўйлашим керак». Лекин Фабьен ана шу фикрнинг қўлларигача етиб бориш-бормаслигини билолмайди. Штурвалнинг силкинишини фақат елкаларидаги оғриқ билан сезади. «Штурвал чиқиб кетади ҳозир. Қўлларим очилиб кетади». Аммо Фабьен хаёлига келган бу фикрдан қўрқади; қўллари бу гал ростдан ҳам тасаввурнинг сирли амрига бўйсуниб, штурвални қўйиб юборадигандек, эгасига хиёнаг қиладигандек туюлади.

Фабьен ҳали курашаверса бўларди, бахтини яна ва яна синаб кўраверса бўларди; чунки қисмат ташқаридан келмайди. Лекин ички бир қисмат ҳам бор: шундай вақт келадик, одам ўзини ожиз ҳис қилади ва шунда, худди боши айлангандек, хатолар домига илинади.

Айни шу пайтда яшин булутлари ёрилиб, бирданига Фабьеннинг тепасида, худди чуқурликка қўйилган тузоқ емишидек, бир ҳовуч юлдуз чақнаб кетади.

Фабьен бунинг тузоқ эканлигини тушунади: ёриқдан учта юлдуз кўринади, уларга қараб кўтариласан, кейин эса тушолмайсан — фақат юлдузларни кемириб қолаверасан.

Лекин учувчи юлдузларга шу қадар ташна эдики, уларга қараб тип-тикка йўл солишдан ўзини тийиб туролмади.

## XVI

У баландлаб борарди. Энди, юлдузлар йўл кўрсатаётгандан сўнг самолётнинг қалтироғини босиш анча енгиллашди. Юлдузларнинг нурли оҳанрабои учувчини ўзига тортарди. Учувчи нур қидира-қидира ҳолдан тойган эди. У энди тилла берсалар ҳам, бу хира ёғдудан воз кечмайди. Агар ҳозир бирон ҳовлининг чироғи ли-

пиллаб қолса, унинг шуъласи учувчига шундай бойлик бўлиб туюлар эдики, бу орзуманд пайғом атрофида ўлгунича айланиб учаверишга тайёр эди.

Мана, у нурафшон далаларга қараб баландлаб кет-япти.

Айлана ясаб кўтарилгани сари, туби бекилиб бораётган шахта қудуғидан чиқаётгандек ҳис қиларди ўзини. Баландлагани сайин булутларнинг кир туси тозаланиб, тўлқин-тўлқин бўлиб пешвоз чиқар, тобора покланиб, нурланиб борар эди. Ниҳоят Фабьен булутлардан қутулиб чиқади.

Фабьен туйқусдан ёпирилган нурлардан кўзи қамашиб, ҳайратда тонг қотади. Кўзларини бир неча дақиқага очмай туриши керак экан. Учувчи тунги булутларнинг бундай кўзни олгудек чарақлашини илгарилари хаёлига ҳам келтирмаган эди — тўлин ой, юлдузот жилваси уларни нурафшон тўлқинларга айлантириб юборган эди.

Бир ҳамла билан булутлардан қутулган самолёт лоп этиб ақл бовар қилмайдиган осойишталик салтанатига чиқади. Бу жойга қилт этган шабада ҳам етиб келолмас эди. Тўлқинтўсардан ўтган қайиқ сингари, самолёт ҳам атрофи ўралган тинч сувларга киради. Самолёт дунёнинг хилват бурчагига, мафтункор ороллар қуршаган сокин қўлтиққа лангар ташлайди. Пастда, самолётнинг тагида бўрон қутурыпти; қуйида — уч минг метр қалинликда шамоллари хуруж қилган, гирдибодлари чарх урган, яшинлари чақнаган бошқа бир дунё; лекин бўронлар дунёсининг юлдузларга ўгирилган юзи биллурий ва қордек оппоқ эди.

Фабьен баайни жаннат бўсағасига етиб келгандек бўлади — қўллари, кийимлари, самолёт қанотлари бирданига нурланиб кетади. Нур осмондан эмас, булутларнинг оппоқ вужудидан, пастдан, ҳаммаёқни тўлдириб-тошиб чиқаётган эди.

Самолёт тагида ястанган булутлар ойдан таралаётган қор оқлигини акслантирарди. Унга ҳам, чапда ҳам миноралардек баланд булутлар порлар, чақнар, товлар эди. Экипаж сутдек нур тўлқинларида чўмила бошлади. Фабьен орқага қараб, радистнинг жулаётганини кўради.

— Ишлар жўнашиб кетди, — деб қичқиради радист.

Лекин унинг қичқириги мотор шовқинида босилиб кетади-да, иккови бир-бирига фақат табассум билан

боғланиб қолади. «Тамом ақлдан оздим,— деб ўйлайди Фабьен.— Ўлиб кетяпмиз-у, мен куляпман...»

Лекин улар ўзларини тутиб турган минглаб қоп-қора қўллардан қутулиб чиқишди. Фабьен, худди гуллар орасида озгина сайр қилишга рухсат теккан асирдек, кишанлардан озод бўлди.

«Ҳаддан ортиқ гўзал», деб ўйлайди у. У тилла тангалардек зич тўшалган юлдузлар орасида, ўзи билан дўстидан бошқа тирик жон кўринмайдиган дунёда кезиб юрибди. Қадимий афсонадаги ўғрилар каби энди ҳеч қачон эшиги очилмайдиган хазинага қамалиб қолишган. Улар совуқ ақиқ тошлар сочмаси орасида мислсиз бойликни қўлга киритиб, аммо ўлимга маҳкум бўлиб улоқиб юришибди.

## XVII

Патагониянинг Коммодоро Ривадавия аэродроми радисти қўлини кескин силтади, уни шу заҳоти радиостанцияда тунги навбатчиликда кутишдан тоқати тоқ бўлган хизматчилар ўраб олишди.

Улар нур тушиб турган оқ қоғозга энгашишди; радистнинг қўли бир қарорга келолмай иккиланиб турарди, бу қўл орзуманд ҳарфларни асир туширган, аммо бармоқлар қалтирар, қалам титрар эди.

— Момақалди роқми?

Радист бош иргаб тасдиқлади. Унга разрядларнинг чирсиллаши халал бераётган эди.

Мана, радист тушуниш қийин бўлган бир неча белгиларни қоғозга туширди. Кейин — сўзлар пайдо бўлди. Энди нима дейилганини аниқлаш мумкин.

«Уч минг саккиз юз метр баландликда, булутлар қамалидамиз. Тўғри материкнинг ичига қараб кетяпмиз, бунгача бизни бўрон денгизга суриб кетган эди. Тагимизда зич-зич булутлар. Ҳозир, айти шу пайтда, денгиз устидамизми, йўқми — номаълум. Бўроннинг қанча жойга ёйилганини хабар қилинг».

Момақалди роқ туфайли бу радиограмmani худди қўриқчи минораларда кетма-кет ёқилган гулхандек, станциядан станцияга, бирма-бир узатишга тўғри келди.

Буэнос-Айресдан шундай жавоб қилишга кўрсатма берилди:

— Бўрон бутун материкни қоплаган. Бензин қанча қолди?

— Ярим соатга етади.

Бу гап ҳам навбатчидан навбатчига узатилиб, Буэнос-Айресга етиб келди.

Экипаж ҳалокатга маҳкум: ўттиз минут ҳам ўтмай у циклон қўйнига жиради, циклон уни ерга тортиб кетади.

## XVIII

Ривьер эса ўйга чўмган. Энди заррача ҳам умид қолмади — экипаж туннинг қаеридадир ҳалок бўлади.

Ривьер болалигида ўзини ларзага солган бир манзарани эслади. Чўкиб ўлган одамнинг жасадини топиш учун анҳорнинг сувини қочиришган эди... Экипаж ҳам зулмат уммони оқиб кетмагунча, қумликлар, текисликлар, ғаллазорлар кундуз ёруғида кўринмагунча топилмайди. Эҳтимол эртага деҳқонлар, юзини бекитганча, тинч куннинг олтин нурларига кўмилиб, гўё ухлагандек ётган икки гўдакни топиб олишар. Лекин улар ўлик жасад — тун уларни чўктириб юборган бўлади.

Ривьер афсонавий денгизга ўхшаган туннинг қаърига кўмилган бойликлар тўғрисида ўйлади... Тунги олмалар ҳали очилмаган гуллари билан тонгни интиқ кутади. Тун бадавлат — ҳидларга, ухлаётган қўзичоқларга, ҳали ранг олмаган гулларга тўла.

Бўлиқ ғаллазорлар, намхуш ўрмонлар, салқин ўтлоқлар тонгга қараб секин бош кўтаради. Лекин ўшанда бехатар тепаликлар орасида, ўтлоқ ва қўзичоқлар орасида, ернинг шундай мўминлиги оғушида мисоли уйқуга чўмган иккита гўдак ётади. Кўриниб турган бу дунёнинг қанақадир бир қисми секин жилдираб, у дунёга оқиб кетаётган бўлади.

Ривьер Фабьеннинг хотинини биларди: серташвиш ва меҳрибон, унга фақат бир мартагина муҳаббатга қўл тегизишга рухсат теккан эди — шўрлик болакайга ўйинчоқ ўйнашга ана шунча камгина имкон берилади.

Ривьер Фабьеннинг ҳали бир неча минут штурвални, ўз тақдирини тутиб турадиган қўлларини ўйлади. Эркалашга, суйишга яратилган қўллар. Худди худонинг қўли каби, аёлнинг кўкрагига текканда унга ҳаяжон ато қиладиган қўллар. Юзга текканда, уни ўзгартиб юборадиган қўллар. Мўъжизакор қўллар...

Фабьен ҳозир улуғвор тунги булутлар салтанати устида учиб боряпти, лекин у бу салтанатнинг туби —

ўпқон. У — юлдузларнинг яккаш ҳамюрти. У ҳозирча дунёни қўлларида сақлаб турибди. Уни кўкрагига босиб тебратяпти. Штурвални, инсоний ганжина юкланган штурвални тутамлаб, кераксиз, ҳадемай қўлдан чиқадиган бойликни юлдузлардан юлдузларга жон-жаҳди билан ортмоқлаб кетяпти.

Ривьер радиостанциялар ҳали ҳам Фабьенни эшитаётганлигини ўйлади. Фақат бир мусиқий тўлқин, нидо тўлқини ҳали ҳам Фабьенни бу дунёга боғлаб турибди. Шикоят эмас. Нидо эмас. Лекин чорасизликдан туғилган товушларнинг ичида — энг тозаси.

## XIX

Робино кириб директорнинг ўйларига халал берди. !

— Жаноб директор, менда бир фикр бор эди... яна бир уриниб кўрсакми...

Робинонинг ҳеч қандай таклифи йўқ: у фақат ўзининг яхши ниятини изҳор қилмоқчи эди. Агар у бирон йўл топса, жуда бахтиёр бўларди, бу йўлни худди бошқотирма ечгандек ахтараётган эди. Лекин доим шундай бўлардики, инспектор топган чораларни Ривьернинг эшитгиси ҳам келмасди. «Биласизми, Робино — деб айтарди Ривьер,— ҳаётда чоралар тайёр турмайди. Ҳаётда ҳаракат қилаётган кучлар бор. Уларни яратиш керак. Шунда чоралар ҳам топилади». Демак, Робино фақат механиклар табақаси ичида ҳаракатланувчи кучларнинг — винтларнинг втулкаларини занглашдан асрайдиган ачинарли кучларнинг яратувчиси бўлиш билан чекланиб қолаверади.

Лекин бугун оқшом бўлаётган воқеаларнинг қарши-сида Робино ожизланди. Унинг инспекторлик шаън-обрўйи момақалдироқлар устидан, тўғриси айтганда, ҳозир аниқлик учун бериладиган мукофотни хаёлига ҳам келтирмай, жон олиб, жон бераётган экипаж шарпаси устидан ҳеч қандай кучга эга бўлмай қолди. Экипаж ҳозир Робино қўллаши мумкин бўлган ҳамма жазолардан бирданига озод қиладиган яккаю ягона жазо — ўлимга чап беришга ҳаракат қилаётган эди.

Ҳаммага нокерак бўлиб қолган Робино хонама хона бемақсад дайдиб юрарди.

Фабьеннинг хотини келганини айтишни сўради. У котибларнинг хонасида хавотирланиб ўтирар, Ривьер-

нинг қабул қилишини кутар эди. Котиблар тез-тез унга ўғринча қараб қўйишарди. Бундан у ўнғайсизланар, атрофга хавфсираб алангларди. Бу ердаги ҳамма нарса — ўликнинг устидан ҳатлаб ўтиб, яна ишини бемалол қилаётган одамлар ҳам, инсон ҳаётидан, унинг заҳматларидан бир неча тошбағир рақам қолган бу папкалар ҳам унга ғаним бўлиб кўринар эди. У Фабьен ҳақида белги берадиган нарсаларни ахтарди. Уйдаги ҳамма нарса Фабьеннинг йўқлиги ҳақида нидо қиларди: ҳовирланган тўшак ҳам, стол устидаги қаҳва ҳам, гулдаста ҳам... Бу ерда эса ҳеч нарса Фабьенни билдирмас, ҳаммаси раҳм-шафқатга, дўстликка, ҳамдардликка, хотираларга ёт эди. У фақат бир хизматчининг: «...Жин урсин, Сантисга жўнатилган динамомашиналар рўйхати!», деганини (унинг олдида шивирлаб гапиришга ҳаракат қилишарди) эшитиб қолди, холос. Симона бу одамга чексиз ҳайронлик билан тикилди. Кейин деворга осилган харитага қаради, лабларида титроқ турди.

У ўзини ножой ҳис қилар, ўзининг бу ердаги дунёга ёт бўлган ҳақиқатга мансуб эканлигини сезиб турарди. Симона келганига қарийб пушаймон бўлиб, иложи топилса, бекиниб олишга тайёр; йўталмасликка, йиғлаб юбормасликка уринарди. Худди қип-яланғоч ечингандек уялар, бетоқат бўлар эди.

Лекин унинг ҳақиқати кучли эди; котиблар унинг юзига ҳар гал ўғринча нигоҳ ташлашганда бу ҳақиқатни ўқиб кўришарди. У гўзал эди. Бу ердаги одамларга бахтли дунё ҳам борлигини эслатиб турарди. Ўзини фаолиятга бахш этган одамларга улар раҳна солмоқчи бўлган дунёнинг нақадар юксак эканлигини эслатиб турарди. Симона ўзига қадалган нигоҳлардан тортиниб, кўзларини юмиб олди. У одамларга ўзи ҳам билмаган ҳолда қандай улуғ осойишталикни бузиб қўйишлари мумкинлигини эслатиб турарди.

Ривъер уни қабул қилди.

У тортинчоқлик билан гулларини, столга қўйган қаҳвасини, навжавон танини ҳимоя қилишга келган эди. Бошқа хоналардан ҳам совуқроқ бўлган бу хонада унинг лаблари баттар титраб кетди. Симона ўзига бегона бу дунёда ўз ҳақиқатини айтиб беролмаслигини англади. Ундаги ҳамма нарса: худди ёввойи аёлларникидек қайноқ севгиси, садоқати бу ердагиларга қанақадир жонга тегадиган худбинликдек кўриниши мумкин эди, Симона бу ердан қочиб кетишни истаб қолди.

— Сизга халал беряпман шекилли...

— Хоним,— деди Ривьер,— сиз менга халал берма-  
япсиз. Лекин афсуски, хоним, ҳозир иккаламизнинг ку-  
тишдан бўлак чорамиз йўқ.

Аёл кифтларини билинар-билинемас қисди, Ривьер ҳам бу ҳаракатнинг мазмунини англади: «Унда, уйда мени кутаётган ёқигли чироқ, гуллар, тузалган дастур-хоннинг нима кераги бор...» Бир гал ёшгина она Ривьерга дардини шундай деб ёрган эди: «Болам ўлганини ҳалигача ақлимга сиғдиролмайман... Майда-чуйда нар-салар буни шафқатсиз эсимга солиб туради: боламнинг кийимларидан бирини кўриб қоламан, ё... Ярим тунда уйғониб кетаман-да, кўнглимга бир меҳр — энди ҳеч кимга кераги йўқ сутимдек илиқ бир меҳр қуйилаётганини сезаман...» Манави аёл ҳам эртадан бошлаб Фабьеннинг ўлимини ўзининг энди бефойда бўлган ҳар бир ҳаракатида, кўзи тушган ҳар бир нарсада кўра бошлайди, бунга қийинчилик билан кўника бошлайди. Фабьен уйни аста-аста ташлаб кета бошлайди.

Ривьер юракдан ачинаётганини ундан яширди:

— Хоним...

Ёш жувон ўзининг нақадар катта кучга эга эканини англамаган ҳолда, чиқиб кетди, қарийб хўрланган та-бассум билан чиқиб кетди.

Ривьер креслога оғир чўкди.

«Бу аёл мен ахтараётган нарсани топишга кўмакла-шади...»

У шимолий аэродромлар устидаги об-ҳаводан хабар берган телеграммалар тўпи устига қўлини қўйиб, ўйга толди.

«Биз мангуликка талабгор эмасмиз, лекин хатти-ҳа-ракат ва нарсаларнинг бирдан ўз маъносини йўқоти-шини ҳам кўргимиз келмайди. Унда бизни қуршаб ол-ган нарсаларнинг бўм-бўшлиги билиниб қолади...»

У телеграммаларни ўқий бошлади.

«Мана, ўлим энди маъносини йўқотган ана шундай маълумотлар орқали қай тарзда орамизга суқилиб ки-ради...»

У Робинога қаради. Бу калта ўй, нокерак йигит ҳам ўз маъносини йўқотди. Ривьер унга хийла кўрслик би-лан гап қотди:

— Нима, ўзингизга менинг иш топиб беришимни ҳутяпсизми?

Ривьер котиблар хонасининг эшигини очди ва эри-

нинг ўлганлиги тўғрисида Фабьен хоним тополмаган аломатларни, Фабьеннинг ўлими ҳақиқат эканлигини кўрди: ҳисобдан ўчириладиган ускуналар белгиланадиган деворий диаграммага Фабьеннинг самолёти — РБ — 903 деган карточка белгиланган эди.

Европа почтачиси учун ҳужжат тайёрлайдиган хизматчилар учиш кечикишини билиб, шошилмай ишлар эдилар. Қўниш майдончасидан қўнғироқ қилиб, навбатда туриши бемақсад бўлиб қолган экипаж учун кўрсатма беришни сўрашди.

Барча ҳаётий ҳаракатлар музлатилгандек эди. «Мана, ўлим қанақа!» деб ўйлади Ривьер. Унинг бир умрлик иши бирданига шамол тўхтаган очиқ денгиздаги елканли кемадек турғун туриб қолган эди.

У Робинонинг овозини эшитди:

— Жаноб директор... уларнинг турмуш қурганига бор-йўғи бир ярим ой бўлган эди...

— Ишингиздан қолманг.

Ривьер котибларга қаради, уларнинг ортидан ёрдамчи ишчилар, механиклар, учувчилар — ўзининг ишига яратувчилик садоқати билан кўмаклашаётган одамларни кўз ўнгига келтирди. Утмишдаги кичик шаҳарчаларни ўйлади. Оролларнинг дарагини эшитгани заҳоти одамлар ўз орзуларини юклаш учун, орзуларининг денгиз устида елкан ёйишини бошқаларга кўрсатиш учун дарҳол кемалар қуришган. Улар тор дунёдан қутулиш давомида ўсиб-улғайишди — кема уларга озодлик келтирди. «Қуруқ мақсад ўз-ўзича ҳеч нарсани оқламайди, лекин фаолият бизни ўлимдан қутқазади. Шу кема туфайли одамлар мангуликка етишди».

Ривьер агар телеграммаларга йўқолган ҳақиқий мазмунини қайтарса, агар навбатчи командаларга хавотир билан кутишларини қайтарса, агар учувчиларга фожиага тўлиқ мақсадларини қайтарса, унинг ўлимга қарши кураши шу бўлади. Унинг фаолияти очиқ денгиздаги кеманинг елканлари яна шамолда қабаргандек, ҳаёт билан тўлади.

## XX

Коммодоро Ривадавия бошқа ҳеч нарсани эшитмади, лекин йигирма минутдан кейин ундан минг чақирим узоқда жойлашган Байя-Бланка иккинчи хабарни тутди:

«Пастлаяпмиз. Булутлар ичига кирдик...»

Кейин Трильяда тутилган тушунарсиз хабардан фақат шу сўзлар аниқланди:

«...ҳеч нима кўринмаяпти...»

Қисқа тўлқинлар шунақа. Уёқда тутилади, бу ерда эса эшитилмайди. Кейин эса ҳамма нарса ҳеч бир сабабсиз ўзгариб кетади. Қаерда учиб юрганлиги номаълум экипаж тирикларнинг кўз ўнгида замон ва макондан ташқарида гавдаланади. Уларнинг радиостанциялар аппарати олдидаги қоғозга ёзилган сўзлари эса худди арвоқ қўли билан битилганга ўхшаб қолади.

Бензин тугадими? Ёки учувчи муқаррар ўлимга чап бериш учун, ерга урилиб кетишдан қўрқмай, самолётни қўндиришга таваккал қилдими?

Буэнос-Айрес Трильяга буюрди:

«Ундан шу ҳақда сўранг».

Радиостанциянинг аппаратлар хонаси лабораторияга ўхшайди: никель, мис, манометрлар, сим тармоқлар. Оқ халатли навбатчи радистлар, худди тажриба ўтказётгандек, столлар устига энгашиб олишган. Радистлар сезгир бармоқлари билан асбобларни пайпаслаб, оҳанраболи осмонни текширадилар, гўё сеҳрли таёқча билан олтин томирни қидирадилар.

— Жавоб бермаяптими?

— Жавоб бермаяпти.

Балки тирикликдан дарак берадиган бирон товушни тутиб қолишар. Агар самолёт, унинг борт чироқлари яна юлдузларга томон кўтарилаётган бўлса,— бу юлдузнинг ўзи қандай қўшиқ айтаётганини эшитишар...

Дақиқалар оқиб кетяпти. Мисоли қон каби. Учиш давом этяптими? Ҳар бир дақиқа ўзи билан умиднинг бир қисмини оқизиб кетяпти. Ва шунда кетаётган вақт тўғонни ўпирадиган кучга айланади. Вақт харсангтошлардан ўзига йўл очишга, эҳромларни гардек тўзишга йигирма аср сарфлайди; ҳозир эса экипажга худди пружинадек сиқилиб, ҳар бир дақиқада отилиб кетиши мумкин бўлган вайронгарлик таҳдид қиляпти.

Ҳар бир дақиқа ўзи билан ниманидир олиб кетяпти. Фабьеннинг овозини, кулгисини, табассумини олиб кетяпти. Жимлик салтанати тобора кенгайиб, денгиз суви каби тобора оғирлашиб, экипажни босиб тушяпти.

Кимдир гапиради:

— Бирү қирқ. Бензин тугади. Шу пайтгача учиб юришлари мумкин эмас.

Жимлик чўқади.

Одамларнинг огзида худди машаққатли сафар охиридагидек қанақадир ёқимсиз бир тахир там. Одамнинг нафратини қўзғайдиган нимадир содир бўлди. Никелланган деталларда, мис артерияларда қайғу-ҳасрат — вайрон бўлган заводлар устида кезинадиган қайғу-ҳасрат сезилади. Барча ускуналар, дарахтларнинг айқашган ўлик шохларидек, кераксиз кўринади.

Энди кун санаб кутиш қолди.

Бир неча соатдан кейин Аргентина бор бўйича чуқурликдан кундузга пешвоз кўтарилади, бу одамлар ҳам худди қумлоқ соҳилдан сув тагидан чиқиб келаётган ерни кузатаётгандек ўз жойларида ётадилар. Сув тагидан чиқаётган ерда нималар бор — номаълум...

Ривьер, кўнгли ҳувиллаб, кабинетида ёлғиз ўтирарди, фақат тақдиргина бирон-бир чора қўллашдан маҳрум қиладиган катта фалокат пайтларида киши шундай аҳволда ўтириши мумкин эди. У бутун полицияни оёққа турғизди. Кўлидан бошқа ҳеч нарса келмайди. Кутишдан ўзга чораси қолмади.

Лекин марҳумнинг уйида ҳам тартиб сақланиши керак. Ривьер Робинони имлайди.

— Шимолий аэродромларга Патагония почтачисининг кўпга кечикиши тўғрисида телеграмма беринг. Европа почтасини тутиб турмаймиз, Патагония почтасини кейинги рейсда жўнатамиз.

Ривьер столга энгашади, ўзини мажбурлаб, нимадир муҳим бир нарсани эслашга уринади... Э, ҳа! Ва яна эсидан чиқармаслик учун чақиради:

— Робино!

— Лаббай, жаноб Ривьер.

— Буйруқ лойиҳасини тайёрланг. Учувчиларга мотор оборотини бир минг тўққиз юздан ошириш тақиқланади. Моторларни майиб қилишяпти.

— Хўп бўлади, жаноб Ривьер.

Ривьер яна эгилиб олади. Айниқса ҳозир ёлғизликка муҳтожлик сезади.

— Боринг, Робино. Боринг, оғайни.

Инспектор Робино уларни бу тарзда тенглаштирган ўлим фожиасини ўйлаб даҳшатга тушади.

Робино идорада хафақон тентираб юрарди. Компанияда ҳаёт тўхтаган: тунги соат иккида учадиган почта самолёти қолдирилса керак, у, афтидан, тонгда жўнатилади. Қовоғини солиб юрган хизматчилар ҳали ҳам навбатчиликни давом эттиришади, аммо бу навбатчиликда маъни қолмаган эди. Шимолий аэродромлардан об-ҳаво ҳақидаги хабарлар одатдагидек мунтазам кел-япти, лекин улардаги «осмон тоза», «тўлин ой», «мутлақо шамол йўқ» деган сўзлар қанақадир ўлик салтанат ҳақида тасаввур уйғотар эди.

Робино бюро мудирининг ишларига тааллуқли қоғозлар папкасини бемақсад варақлаб ўтириб, бирдан мудирнинг сурбетларча ҳурмат билан, қоғозларни қайтариб беришини кутганча, тепасида қаққайиб турганини кўриб қолди. Бюро мудирини худди: «Албатта, ихтиёр сизда, лекин бу қоғозлар менга тегишли», деяётгандек эди. Робино қўл остидаги одамнинг ўзини бундай тутишидан ғалати аҳволга тушди, аммо тилига бирон гап келмай, кўнгли ғашланганча, индамай папкани узатди. Бюро мудирини худди катта олижаноблик қилгандек жойига қайтди. «Боплаб таъзирини бериш керак эди», деб ўйлади Робино. У шаън-обрўини сақлашга уриниб, хона бўйлаб салобат билан одимлай бошлади, аммо хаёли фожиа билан банд эди. Бу фожиа Ривьерга, унинг иш сиёсатига жуда катта зарба бўлиб тушарди. Робино Фабьенни ҳам, Ривьерни ҳам ўйлаб изтиробда қолди.

Робино хонасида ёлғиз ўтирган, унга «Оғайни...» деб гапирган Ривьерни кўз олдига келтирди. Одам боласи ҳеч қачон бунчалар ночор, ёрдамга муҳтож қолмагандир. Робино чин дилдан Ривьерга ачиниб кетди. У Ривьерга ҳамдардлик билдирувчи, таскин берувчи сўзларни ўйлади. Кўнглини ажойиб бир туйғу чулғади ва бу туйғу ўзига жуда гўзал туюлиб кетди. Робино эшикни секин тақиллатди. Ичкаридан сас эшитилмади. Қаттиқроқ тақиллатиб жимликни бузишга журъат қилолмай, аста эшикни очди. Ривьер кабинетда эди. Робино биринчи марта Ривьернинг ҳузурига оёқ учида эмас, қарийб дўст каби бемалол одимлаб кирди: у — ўқ ёмғири остида қолган генерални кўкраги билан ҳимоя қилаётган, мағлубият пайтида ундан бир қадам узоқлашмай, у билан бирга қувғинликка кетадиган сержант

эди. Робино Ривьерга қарата: «Ҳар қандай оғир кунда ҳам ёнингизда бўламан», демоқчидек эди.

Ривьер бошини ҳам қилиб, қўлларига тикилганча индамай ўтирар эди ва Робино унинг қаршисида тик қотиб, гапиришга журъат қилолмай турарди. Ривьер шер, енгилган бўлса ҳам, бари бир, шер ва Робино унинг қаршисида ожиз эди. Инспектор ўзининг қурбон бўлишга тайёр эканлигини билдирадиган энг ҳаяжонли сўзларни айтишга чоғланар, аммо ҳар гал бошини кўтарганда Ривьернинг эгилган боши, оқарган сочлари ва аччиқ — о, қандай аччиқ! — қимтилган лабларига кўзи тушиб, тили айланмай қолар эди. Ниҳоят у бир қарорга келди.

— Жаноб директор...

Бошини кўтариб Робинога қараган Ривьер, олис хаёллар оламидан қайтиб келиб, шу ерда турган Робинони кўрмаётгандек эди. Шу дақиқаларда Ривьернинг кўз олдидан қанақа манзаралар ўтганини, унинг нималардан бунча эзилиб, кўнглини нечоғли чуқур ғусса қоплаганини ҳеч ким билолмас эди... Ривьер Робинога, қанақадир ҳодисаларнинг тирик гувоҳини кўраётгандек, узоқ тикилди. Ривьер Робинога тикилган сайин лабларига унинг ақли етмайдиган заҳарли бир илжайиш тобора аниқроқ тус оларди. Тикилгани сайин Робино баттар қизарарди. Борган сари Ривьернинг назарида яхши, аммо калтабин истаклар билан кирган Робино одамларга хос нодонликнинг жонли намояндаси бўлиб туюлар эди.

Робино жуда ўнғайсиз аҳволда қолди. Сержант, ўқ ёмғири остидаги генерал деган тасавурларнинг ҳаммаси бемаъни бўлиб чиқди. Нималар бўлаётганига унинг ақли етмай қолди. Беихтиёр қўлини чўнтагидан чиқариб, туришини ўзгартирди. Ўзи ҳам билмай, ҳаддан ортиқ довдираганча:

— Топшириқ берасизми, деб кирдим, — дея каловланди.

Ривьер соатини чиқарди-да, лўнда қилиб:

— Соат икки бўлди, — деди. — Асунсьондан келаётган почтачи иккию ўнда қўнади. Европа почтачисини иккию ўн бешда жўнатишга буйруқ беринг.

Шундан кейин Робино бутун идорага ҳайратомуз янгилик тарқатди: тунги учишлар тўхтатилмайди. У бюро мудирига топшириқ берди:

— Бояги папкани келтиринг. Бир текшириб кўрмоқчиман.

Бюро мудирини папкани келтиргач унга:

— Кутиб туринг,— деди.

Бюро мудирини кутиб турди.

## XXII

Асунсьондан келаётган почтачи сигнал юборди: «Кўнишга пастлаяпман». Ривьер бугунги туннинг аччиқ дамларида ҳам Асунсьон самолётининг эсон-омон участканидан хабар бериб турган телеграммаларни мунтазам кузатиб келаётган эди. Бу телеграммалар Ривьер учун мағлубиятдан қасос олиш, ўзининг ҳақ эканлигини кўрсатувчи далиллар эди. Бахтли учиш тўғрисидаги телеграммалар — яна шундай минглаб бахтли учишларнинг пайғомчиси эди. «Ҳамма тунда ҳам циклон қутурмайди-ку». Ривьер яна ўйга толди: «Йўл очилди — энди ундан чекиниш мумкин эмас».

Парагвайдан бошланган аэродромлар зинапояларидан тушиб келаётган самолёт худди гуллари яшнаган, пастак уйчалари, камҳаракат сувлари бор ажойиб боғдан чиққандек, циклон сарҳадлари бўйлаб сузиб ўтди ва булуғлар ундан битта ҳам юлдузни тўсиб қўя олмади. Елкаларига жун ёпинчиқ ташлаб олган тўққиз йўловчи худди қимматбаҳо тошлар терилган дўкон пештахтасига термилгандек, пешаналарини самолёт ойналарига тирашган: Аргентинанинг кичик шаҳарлари тилла тасбеҳларини ўгира бошлаган, уларнинг тепасида эса юлдузот шаҳрининг олтинлари майини живирлар эди. Самолётнинг тумшугида ўтирган учувчи эса инсон ҳаёти ганжинасини маҳкам тутган; катта очилган чўпон кўзларида ойнанинг акси ўйнади. Афсонавий хазиналари каби ақиқ тошларини кўз-кўз қилишга ҳозирланган Буэнос-Айрес уфқини напармон алангага ўраб келарди. Осмонда радистнинг бармоқлари Ривьерга жуда яхши тушунарли бўлган катта куйнинг якуний пардаларини шодон ўйнади — охири радиограммати жўнатди; кейин радист антеннани йиғиштирди, эснади, бир оз керишиб жилмайди — етиб келдик!

Ерга қўнгандан сўнг учувчи Европа почтачисининг учувчисини кўрди, униси қўлларини чўнтагига солганча, самолётга суяниб турарди.

— А! Буёғига почтани сен олиб кетасанми?

— Ҳа.

— Патагониялик аллақачон келгандир?

— Уни кутишаётгани ҳам йўқ. Бедарак йўқолди. Ҳаво яхшими?

— Ажойиб. Демак, Фабьен бедарак йўқолди, дегин.

Улар бу мавзуда кўп ҳам гаплашишмади. Улуғ биродарлик туйғуси уларни баландпарвоз гапириш мажбуриятидан халос қилди.

Асунсьон транзит почтасининг қопчиқлари Европа почтачисига олиб юкланди, учувчи боягидек, гарданини кабинага қўйиб, бошини орқага ташлаганча, юлдузларга тикилди. Вужудда улкан бир қудрат уйғонаётганини, кўнглини катта қувонч туйғуси чулғаб келаётганини ҳис қилди.

— Юклаб бўлдингларми?— деб сўради кимдир.— Унда контакт!

Учувчи шунда ҳам қўзғалмади. Мотор ўт олди. Учувчи самолётга тиралган елкалари билан самолётга жоп кирганлигини туйди. Ниҳоят, учамиз... учмаймиз... учамиз...— деган шунча нотайин гап-сўздан сўнг учадиган бўлишди,— энди учувчи енгил тин олиши мумкин. Унинг лаблари ёйилиб, оё ёругида тишлари — ёш йиртқичнинг тишлари ялтиради.

— Эҳтиёт бўл... тунда... эй!

У дўстининг маслаҳатларини эшитмади. Қўлларини чўнтагига солиб, бошини орқага ташлаганча, юзини булутларга, тоғларга, дарёлар ва денгизларга ўгириб сассиз кулди. Кулги эшитилмади, аммо унинг танасига сингиб, худди баргларни ўйнаган шабададек югургилаб кетди. Кулги мутлақо эшитилмас эди — лекин у булутлардан, тоғлардан, дарёлардан, денгизлардан кўп марта кучли эди.

— Намунча тиржаясан?

— Галварс Ривьер мени... мени... қўрқди деган хаёлга борибди.

### XXIII

Бир минутдан сўнг у Буэнос-Айрес устига кўтарилади ва курашни бошқатдан бошлаган Ривьер унинг товушини эшитишни истайди. Унинг осмонга чиқиб гулдурос солишини, юлдузлар орасига даҳшат билан бостириб кириб, ёғий лашкаридек сурон кўтаришини эшитади ҳам.

Ривьер қўлларини кўксига чалиштириб, котиб ёнидан ўтади-да, очиқ дсраза ёнида тўхтаб қулоқ солади ва ўйга чўмади.


Агар у биттагина учишни қолдирса, тунги учишларга тааллуқли ҳамма иш бой берилади. Лекин у, эртага ундан юз ўгирадиган ожиз одамларни доғда қолдириб, тунга қарши яна битта экипажни жўнатиб юборди...

Ғалаба... мағлубият... Бу баландпарвоз сўзларда ҳеч қандай маъно йўқ. Ҳаёт бунақа баландда парвоз қилмайди; у ҳозирданоқ янги намуналарни яратяпти. Ғалаба халқни ожизлантиради, мағлубият эса унда янги-янги кучларни уйғотади. Ривьер мағлубиятга учради, лекин бу мағлубият ҳақиқий ғалабага олиб борадиган сабоқ бўлиши мумкин. Фақат бир нарсани — воқеалар ҳаракатини кўздан қочирмаслик керак.

Беш минутдан сўнг радистлар барча аэродромларни оёққа турғизади. Ун беш минг чақиримлик масофа ҳаёт нафасига тўладн — ҳамма муаммоларнинг ечими шунда.

Самовий кўшиқ — самолёт осмоига баландлаб бораётир.

Ривьер ўзининг қаҳрли боқишидан букчайиб олган котибларнинг ёнидан секин юриб ўтиб, яна ишга тутинади. Машаққатли ғалабасиннинг оғир юкини ортмоқлаган Улуғ Ривьер... Ғолиб Ривьер...



**КИЧКИНА  
ШАХЗОДА**

Бу китобчани катта ёшдаги одамга бағишлаганим учун болалардан кечирим сўрайман. Узимни оқлаш учун шуни айтишим мумкинки, бу катта ёшдаги одам менинг энг яхши дўстим бўлади. Бунинг устига, у дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто болаларга атаб чиқарилган китобчаларни ҳам тушунади. Ва, ниҳоят, у Францияда яшайди, у ерда ҳозир ҳаммаёқ совуқ, очарчилик, дўстим эса таскин-тасаллига бениҳоя муҳтож. Агар буларнинг барчаси ҳам мени оқлаёлмаса, у ҳолда китобчамни бир пайтлар мана шу катта ёшдаги дўстимнинг ўрнида бўлган кичкина болакайга бағишлайман. Ахир катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал-бошда ёш бола бўлганлар, фақат буни уларнинг озгинасигина билади, холос. Шундай қилиб, мана, мен бағишловга тузатиш киритаман:

Леон ВЕРТ га — бир пайтлар ёш бола бўлган дўстимга бағишланади.

Расмларни муаллиф чизган

## I

Олти яшар пайтимда, осуда ўрмонлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Бўлган воқеалар» деган китобда ғалати бир суратга кўзим тушиб қолди. Суратда баҳайбат бўғма илоннинг бир йиртқич ҳайвонни тириклай ютаётгани акс эттирилган эди. Мана ўша сурат:



Сурат тагига шундай деб ёзилган эди: «Илон ўлжасини чайнаб ўтирмай бут-бутунисича ютиб юборади. Шундан кейин у жойидан қимирлаёлмай қолади ва то ўлжасини ҳазм қилиб бўлгунича сурункасига ярим йил донг қотиб ухлайди».

Мен жуңглидаги саргузаштларга тўла ҳаёт ҳақида узоқ хаёл сурдим, сўнг рангли қалам билан умримда биричи марта расм чиздим. Бу менинг 1-рақамли расмим эди. Мана, мен чизган нарса:



Ижодим намунасини катталарга кўрсатиб, қўрқинчли эмасми, деб сўрадим.

— Шляпанинг нимаси қўрқинчли экан?— деб эътироз билдиришди менга.

Аммо расмдаги нарса сираям шляпа эмас эди. Бу — филни тириклай ютиб юборган бўғма илон эди. Ушанда, катталарга тушунарли бўлсин, деб, илоннинг ички кўрнини ҳам чиздим. Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бориш керак-да. Бу менинг 2-рақамли расмим эди.



Катталар менга илонларнинг ичкию ташқи кўрипишини чизиш ўрнига жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни кўпроқ ўрганишни маслаҳат беришди. Ана шундан кейин, олти яшар пайгимда рассомликнинг порлоқ истиқболдан воз кечишга мажбур бўлдим. 1-ва 2-рақамли расмларим муваффақиятсизликка учрагач, ўзимга нисбатан ишончимни йўқотдим. Катталар ҳеч қачон ўзларича бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжалаб тушунтириб бераверини эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади.

Шундай қилиб, бошқа касб танлашимга тўғри келдию, учувчиликни ўрганиб олдим. Осмони фалак бўйлаб қарийб бутун дунёни кезиб чиқдим. Очигини айтиш керак, жуғрофия менга жуда қўл келди. Бир қарашдаёқ Хитойни Аризона вилоятидан ажрата оладиган бўлдим. Кечаси самода адашиб кетсанг, бу бениҳоя асқотади-да.

Умрим давомида турли-туман жиддий одамларни учратдим. Катталар орасида узоқ вақт яшадим. Уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳақидаги фикрим яхши томонга ўзгармади.

Катталар орасида бошқалардан кўра ақлли ва фаросатлироқ бирор кишини учратганимда унга 1-рақамли расмимни кўрсатардим — мен уни асраб қўйган эдим, доим ёнимда олиб юрардим. Бу одам чиндан ҳам бирор нимани тушунадими-йўқми, синаб кўрмоқчи бўлардим. Уларнинг барчаси расмга қараб туриб: «Шляпа-ку, бу», дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, на юлдузлар ҳақида оғиз очардим. Уларнинг тушунчаларига мослашардим-да, бриж ва гольф ўйинлари ҳақида, сиёсат ва бўйинбоғлар ҳақида гап бошлардим. Шунда катталар мендай бамаъни одам билан танишганларидан беҳад мамнун бўлар эдилар.

## II

Мен шу тариқа ёлғизликда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим йўқ эди... Олти йил муқаддам самолётимнинг мотори бузилиб, Саҳрои Кабирга қўнишга мажбур бўлдим. Ёнимда на механик, на биронта ҳамроҳ бор эди. Қанчалик қийин бўлмасин, самолётни амаллаб бир ўзим тузатишга аҳд қилдим. Ё моторни тузатаман ё ҳалок бўламан. Бир ҳафтага базўр етадиган сув қолган.


Шундай қилиб, биринчи кечани ҳувиллаб ётган саҳрода, қум устига узала тушиб ўтказдим. Минглаб чақирим нарида ҳам тирик жон асари сезилмасди. Кемаси ҳалокатга учраб, бепоён океанда сол узра сузиб бораётган одам ҳам менчалик ёлғиз бўлмагандир. Шу боис тонг-саҳарда мени кимнингдир ингичка овози уйғотиб юборганда нақадар ҳайратга тушганимни тасаввур ҳам қилолмасангиз керак.

— Илтимос... менга қўзичоқ чизиб бер!— деган қўн-  
гироқдек товуш янгради ёнгинамда.

— А?..

— Менга қўзичоқ чизиб бер...

Тепамдан гўё яшин ургандек, сапчиб ўрнимдан тур-  
дим. Апил-тапил кўзларимни ишқалаб, атрофга аланг-  
ладим. Қарасам — рўпарамда аллақандай ғаройиб бир  
болакай менга жиддий тикилиб турибди. Мана, унинг  
энг яхши сурати, мен уни кейин чизишга муваффақ бўл-  
дим:



Албатта, бу расмда у аслидагидек яхши чиқмаган.  
Начора, бунга мен айбдор эмасман. Олти яшар пайтим-  
да катталар, сендан рассом чиқмайди, деб роса миямга  
қуйишгани учун мен бўғма илопларнинг ички ва ташқи  
кўринишдан бошқа нарсани чизишни ўргана олмадим.

Шундай қилиб десангиз, кўзларимни катта-катта  
очганча бу ғаройиб болакайга қараб турардим. Одам-  
зот маконидан мниглаб чақирим олисдаги яйдоқ биё-  
бонда экашим ёдингиздан чиқмагандир. Шуниси ғалати-

ки, бу боланинг афт-ангорига қараб, адашиб қолган ёки ниҳоятда ҳориб-чарчаган, қўрқувдан юраги ёрилиб, очлик ва ташналикдан ўлар ҳолга етган, деб бўлмасди. Қимсасиз саҳрода, инсон қадами тегмаган чўлу биёбонда даъфатан пайдо бўлиб қолган бу боланинг кўринишидан бундай фикрларни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди. Ниҳоят, менга яна тил ато бўлиб, аста сўрадим:

— Лекин... сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

У тагин оҳисталик билан ва ғоят жиддий оҳангда:

— Илтимос... қўзичоқ чизиб бер...— деди.

Буларнинг барчаси шу қадар сирли, англаб бўлмас бир тарзда рўй бераётган эдики, рад қилишга журъатим етмади. Жазирама саҳро қўйнида, ҳаётим қил устида турган бир паллада қанчалик бемаъни кўринмасин, чўнтагимдан қоғоз-қалам олдим-у, лекин шу заҳоти ўзимнинг асосан жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни ўрганганим лоп этиб эсимга тушди-да, болакайга қараб (ҳатто бир оз аччиқланиб) раем чизишни билмаслигимни айтдим. Бу гапимга у:

— Бари бир қўзичоқ чизиб бер,— деб жавоб қилди.

Мен умримда қўзичоқ расмини чизиб кўрмаганим учун, ўзим билган ўша эски иккита суратдан бирини — бўлма илоннинг ташқи кўринишини чизиб кўрсатдим.

Аmmo болакай расмини кўриб:

— Йўқ, йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан ташқари катта. Менинг уйимдаги нарсаларнинг ҳаммаси кичкина. Менга қўзичоқ керак, қўзичоқ чизиб бер,— деб жавоб қилганида ниҳоятда ҳайрон қолдим-да, шу расмини чизиб бердим.



У расмини синчиклаб кўздан кечиргач:

— Йўқ, бу қўзичоқ жудаям ориқ-ку,— деди.— Бошқасини чизиб бер.

Мен бошқа қўзичоқ расмини чиздим.



Янги дўстим хушфеъллик билан мулойим жилмайиб қўйди.


— Бу қўзичоқ эмас-ку, — деди у. — Ўзинг ҳам кўриб турибсан-а, қўчқор-ку бу. Ана, шохиям бор...

Мен қўзичоқни тагин бошқатдан чиздим. Бироқ бу расм ҳам унга маъқул бўлмади:



— Э, бу ўлгудай қари-ку. Менга узоқ яшайдиган қўзичоқ керак.

Энди сабр-тоқатим тугади. Ахир, тезроқ моторни тугатиш керак эди-да! Шунинг учун апил-тапил мана шу нарсани чизиб ташладим.



Кейин болага қараб:

— Мана сенга қутича. Қўзичоғинг шунинг ичида ётибди, — дедим.

Шунда мени буткул лол қолдириб, бу талабчан ҳакам гул-гул яшнаб кетди:

— Менга худди шунақаси керак эди-да! У кўп ўт ермикан, нима дейсан-а?

— Нима эди?

— Ахир менинг уйимда унчалик серобгарчилик эмас-да.

— Унга кўп нарса керак эмас. Мен сенга жудаям кичкина бир қўзичоқ бераман.

— У жудаям кичкина эмас...— деди у бошини эгиб, расмга термиларкан.— Қара! У ухлаб қолди...

Мен Кичкина шаҳзода билан шу тариқа танишдим.

### III

Унинг қаердан пайдо бўлганини ҳадеганда билиб ололмадим. Кичкина шаҳзода мени саволларга кўмиб ташлар, аммо ўзидан бирор нимани сўрасам, эшитмаганга олар эди. Фақат, анчадан кейин, гап орасида тасодифан айтиб қолган баъзи сўзларидан унинг сирли ташрифи бирмунча ойдинлашди. Масалан, самолётимни биринчи марта кўрганида (самолёт расмини чизиб ўтирмайман, негаки, буни бари бир эплаёлмайман), у шундай деб сўради:

— Бу қанақа нарса?




— Бу нарса эмас, самолёт. Менинг самолётим у  
учади.

Кейин унга, осмонни фалакда учиш қўлимдан кели-  
шини фахрланиб айтдим. Шунда у:

— Э, шошма! Сен ҳали осмондан қулаб тушдинг-  
ми?— дея хитоб қилиб қолди.

— Ҳа,— дедим камтарлик билан.

— Ана холос! Қизиқ-ку!..



Кичкина шаҳзода шундай деб қўнғироқдек товуш билан кулиб юборди. Буни кўриб пича аччиғим чиқди: ахир мен, бошимга кулфат тушганда, одамлар бунга жиддий муносабатда бўлишларини ёқтираман-да. Бир оздан кейин у:

— Демак, сен ҳам осмондан тушиб келибсан-да,— деди.— Хўш, қайси сайёрадан келдинг?

«Э, бу кимсасиз саҳрода тўсатдан қаердан пайдо бўлиб қолди, десам, гап буёқда экан-да!», деб ўйладим, ўзимча ва дабдурустан:

— Бундан чиқдики, сен бу ерга бошқа сайёрадан тушиб келибсан-да?— деб сўрадим.

Бироқ у саволимга жавоб бермади. Самолётимни кўздан кечираркан, аста бош чайқади:

— Ҳе, бунинг билан узоқдан учиб келолмайсан, кўриниб турибди...

Сўнг нима ҳақдадир хийла ўйланиб қолди. Кейин чўнтагидан мен чизиб берган бояги қўзичоқни олиб, уни гўё қимматбаҳо хазнадек томоша қилишга киришди.

«Бошқа сайёралар» хусусидаги бу чала-ярим эътирофдан сўнг қўнғилмидаги қизиқинш ҳисси нақадар аланга олиб кетганини тасаввур қила олсангиз керак. Иложи борича кўпроқ нарса билиб олиш ниятида устма-уст савол ёғдира кетдим:

— Сен қаёқдан учиб келдинг, болакай? Уйинг қаерда ўзи? Қўзичоғимни қаёққа олиб кетмоқчсан?

У ўйга чўмганча жимиб қолди-да, кейин:

— Менга қутича берганинг жуда соз бўлди-да, қўзичоқ кечаси унинг ичидида ухлайди,— деди.

— Албатта. Агар ақлли бола бўлсанг, сенга арқон ҳам ҳадя қиламан — қўзичоқни кундузлари боғлаб қўясан. Қозик ҳам бераман.

Кичкина шаҳзоданинг қошлари чимирилди:

— Боғлаб қўясан? Нима кераги бор бунинг?

— Чунки, боғлаб қўймасанг, у бирон ёққа кетиб адашиб қолади.

Буни эшитиб дўстим хандон отиб кулиб юборди:

— Э, қаёққаям кетарди у?

— Билиб бўлмайди-да. Боши оққан томонга кетаверади, кетаверади.

Шунда Кичкина шаҳзода жиддий тортиб:

— Майли, ҳечқиси йўқ,— деди.— Ахир, мен яшайди-

ган жой ниҳоятда кичкина...— Бир оздан сўнг айдў билан қўшиб қўйди:— Бошинг оққан томонга кетаверганинг билан узоққа кетолмайсан...

#### IV

Шу тариқа мен яна бир муҳим янгилкни кашф этдим: унинг она сайёраси бор-йўғи бир уйдек желар экан!


Очиғини айтганда, бу нарса мени унчалик ҳайратлантирмади. Чунки мен Ер, Юпитер, Марс, Зухра сингарри улкан сайёралардан ташқари, яна юзлаб бошқа сайёралар мавжудлигини, аксариятига ҳатто ном ҳам берилмаганини, улар орасида телескопда ҳам кўриш мушкул бўлган миттивойлари ҳам борлигини билар эдим. Астроном олим ана шундай жимит сайёрани кашф этаркан, унга ном қўйиб ўтирмайди, балки рақам билан атаб қўяқолади. Масалан: 3251-астероид, дегандек.

Менда, Кичкина шахзода Б—612 деб аталмиш мўъжаз сайёрадан тушиб келган, деб ҳисоблашга имкон берувчи жиддий асослар бор. Бу астероид телескопда фақат бир марта—1909 йили, бир турк астрономи томонидан кузатилган эди.

Ушанда астроном ажойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгресснда маърўза қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишонмаган, чунки у туркча кийинган эди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар!

Буни қаранги, Б—612 деб аталмиш астероиднинг бахтига, турк султони ўз фуқароларига, ўлим жазоси таҳдиди билан, европача кийинишни жорий этди. Уша астроном 1920 йили кашфиёти ҳақида тагин маърўза қилди. Бу сафар у энг сўнги модада кийинган эди—ҳамма унинг гапини маъқуллади.

Б—612 деб аталмиш астероид ҳақида сизга бундай батафсил сўзлаб ўтирганимга, ҳатто унинг тартиб рақамини келтирганимга катталар сабаб. Чунки катталар рақамларни жуда яхши кўришади. Агар уларга янги дўст орттирганингиз хусусида айтиб қолсангиз улар ҳеч қачон энг асосий нарса ҳақида сўрамайдилар. Улар ҳеч қачон: «Унинг овози қанақа? Қанақа ўйинларни яхши кўради? У капалак тутадими-йўқми?», деб суриштирмайдилар. Улар: «Ёши нечада? Нечта оғанилиси бор? Оғирлиги қанча экан? Отаси қанча мойна олади?», дея сўрай кетадилар. Сўнг шу тариқа ўзларича одамни



билиб олган бўладилар. Мабодо катталарга: «Мен қизғиш ғиштли чиройли бир уйни кўрдим, деразасида ёронгул очилиб турибди, томида каптари бор», деб айтсангиз, улар бу иморатни сира ҳам кўз ўнгиларига келтира олмайдилар. Уларга: «Мен юз минг франкли уйни кўрдим», деб айтиш лозим — шундагина улар: «Ана гўзаллигу мана гўзаллик!», дея хитоб қилдилар.

Худди шунингдек, агар уларга: «Кичкина шаҳзода чиндан ҳам мавжуд эди, у ниҳоятда ажойиб болакай эди, яйраб куларди, бир қўзичоғим бўлса, дерди. Қўзичоғим бўлсин, деган одам, ростдан мавжуд бўлади-да», десангиз, ҳайрон елка қисиб қўядилар-да, сизга худди эсипаст гўдакка қарагандек қарайдилар. Аммо бордию: «У Б — 612 деган сайёрадан учиб келган эди», деб тунтирсангиз, бу гапга узил-кесил ишонишади ва ортиқ турли-туман саволлари билан сизни безор қилишмайди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар. Улар хафа бўлиб ўтиришга арзймайди. Болалар катталарга нисбатан кенгфезл ва кечиримли бўлишлари лозим.


Аммо бизлар, яъниким ҳаётнинг нима эканини англайдиган кишилар, номерлар ва рақамлар устидан қаҳқаҳ уриб куламиз! Мен, масалан, ўзимга қолса, ушбу қиссани худди сеҳрли эртақдек бошлаган бўлурдим:

«Бор эканда, йўқ экан, бир Кичкина шаҳзода бўлган экан. У ниҳоятда кичкина — ўзининг танасидан салгина катта бир сайёрада яшар, бирорта ҳам дўсти йўқлигидан қаттиқ изтироб чекар экан...» Ҳаётнинг нималиги-




ни англайдиган кишилар бунинг эртактдан кўра кўпроқ ҳақиқатга ўхшашини дарҳол пайқаган бўлур эдилар.

Зеро мен китобимнинг шунчаки эрмак учунгина ўқи-лишини асло истамайман. Бўлиб ўтган у воқеаларни қайта эслаш мен учун гоят оғир, уларни ҳикоя қилиш ҳам осон эмас. Дўстим қўзичоғи билан бирга мени тарк этганидан буён орадан олти йил ўтди. Уни унутиб юбормаслик учун ҳам у ҳақда сўйламоқчиман. Чунки дунёда дўстларни унутиб юборишдан ҳам қайғулироқ нарса йўқ, ахир дўст бўлиш ҳар кимга ҳам nasib эта-вермайди-да. Қолаверса, мен, ёруғ оламда рақамдан бошқа нарсага қизиқмайдиган катталарга ўхшаб



қолишни сира-сира истамайман. Мана шу боисдан ҳам мен рангли қаламлар билан бирга бўёқлар солинган қутича сотиб олган эдим. Менинг ёшимда қайта бошдан расм чизишга киришиш — айтишга осон, холос, чунки мен бутун умрим давомида бўғма пловнинг ташқию ички кўринишидан бошқа нарса (уни ҳам олти яшар пайтимда чизганман) чизмаган эдим-да! Албатта, ҳозир пложи борича аслига ўхшатишга ҳаракат қиламан, бироқ бу ишни қойилмақом қилиб бажараман, деб кафиллик беролмайман. Шунинг учун портретларнинг бири бинойидек чиқса, иккинчиси мутлақо ўхшамаслиги ҳам мумкин. Кичкина шаҳзода-нинг бўйи тўғрисида ҳам шу гапни айтиш лозим: расмларнинг бирида у ҳаддан ташқари улкан, бошқасида эса — ҳаддан ташқари кичкина бўлиб кўринади. Шунингдек, кийимининг ранги ҳам ёдимда йўқ. Шу боис эсимда қолганича, тусмоллаб, хаёлан чизавераман. Ниҳоят, мен баъзи бир муҳим тафсилотлар тасвирида хатога йўл қўйишим ҳам мумкин. Аммо сизлар мени маъзур тутарсизлар, деб умид қиламан. Дўстим менга ҳеч қачон бирор нарсани тушунтириб берган эмас эди. Эҳтимол, у мени ҳам худди ўзи қатори деб ҳисоблагандир. Бироқ, афсуски, мен қутича деворлари аро қўзичоқни кўришга қодир эмасман. Балки мен катталарга озроқ ўхшаб кетарман. Чамаси, қариётган бўлсам керак.





## V

Кун сайин мен Кичкина шаҳзоданинг сайёраси ҳақида, дўстим уни қандай қилиб тарк этганию сафар чоғи қандай саргузаштларни бошидан кечиргани ҳақида янги-янги маълумотларни билиб ола бошладим. Хонаси келиб қолганида у шу ҳақда озми-кўпми гапириб қоларди. Шу тариқа, учинчи кун Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида рўй берган баобаб балосидан воқиф бўлдим.

Бунга ҳам аслида ўша қўзичоқ расми сабаб бўлди. Кичкина шаҳзода, чамаси, нимадандир қаттиқ шубҳага тушгандек эди, тўсатдан менга қараб:

— Айт-чи, қўзичоқлар ростдан ўт ейдими?— деб сўради.

— Ҳа, ростдан.

— Э, зўр экан унда!

Қўзичоқнинг ўт ейиши нега бунчалик муҳим эканини, табиийки, тушунмадим. Лекин Кичкина шаҳзода шундай деб қўшимча қилди:

— Бундан чикдики, улар баобабларни ҳам ер эканда?

Мен бу гапга эътироз билдириб айтдимки, баобаб дегани ўт-ўлан ёки бута эмас — мишора бўйи келадиган баҳайбат дарахт; агар у сайёрасига бутун бошли фил

подасини ҳайдаб борганида ҳам, улар бирорта баобабни ея олмайди.

Кичкина шаҳзода бу гапни эшитиб, мийғида жилмайди:

— Унда, филларни бир-бирига мингаштириб қўйиш керак...— Сўнг пича ўйлашиб, мулоҳазакор оҳангда давом этди:— Баобаблар энди униб чиққан пайтида жудаям кичкина бўлади.

— Тўғри, лекин нега энди қўзичоғинг баобабни ейиши керак?

— Э, емаса бўлмайди-да!— дея хитоб қилди у, гўё бениҳоя оддий, ибтидоний бир ҳақиқат хусусида сўзлаётгандек.

Гап нимадалигини англаб етгунча роса бошим қотди.

Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида ҳам бошқа сайёралардаги каби фойдали ва зарарли ўт-ўланлар ўсар экан. Демакки, у ерда доривор, шифобахш ўтларнинг уруғи билан бирга, зараркуианда ва бегона ўсимликларнинг уруғлари ҳам мавжуд. Аммо уруғ ҳали тупроқ тагида мудраб ётаркан, кўзга кўринмайди, шу боис унинг зарарлими, фойдали эканини билиш ҳам мушкул. Фақат ер уйғонгачгина уруғ ҳам аста-секин ниш уриб ёруғ олам сари талпинади, куртак очиб барг ёзади-да, қуёшга бўй чўзади. Қаттиқ ердан қалтираб чиққан чоғида у нимжонгина, беозор бир гиёҳ бўлади. Агар у бўлғуси гулкўчат ёки маймунжон бўлса, майли, бемалол ўсиб-унаверсин; бордию қандайдир зараркуианда ўсимлик бўлса, таг-томири билан юлиб ташлаш керак. Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида ана шундай зарарли мудҳиш уруғлар бор экан — баобабларнинг уруғи. Сайёранинг тупроғида шу ёвуз уруғ тўлиб-тошиб кетган экан. Агар баобабни ўз вақтида пайқаб юлиб ташланмаса, кейин ундан қутулишнинг иложи бўлмайди. У бутун сайёрани эгаллаб олади, баҳайбат, қутурган томирлари билан уни ҳар томондан чирмаб эза бошлайди. Мабодо сайёра мўъжазгина бўлсаю, баобаблар сон-саноксиз бўлса, у ҳолда улар уни тилка-пора қилиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас.

— Бизда шундай бир қоида бор,— деди Кичкина шаҳзода кейинчалик менга.— Эрталаб уйқудан туриб, юз-қўлингни ювгач, уёқ-буёқни йиғиштиргандан сўнг дарҳол сайёрангни тозалашга киришмоғинг лозим. Баобабларни ҳар қуни, қанда қилмай йўқ қилиб туриш ке-

рак. Аммо уларни гулкўчатидан ажрата билиш керак: иккаласининг ниҳоли бир-бирига жудаям ўхшайди. Бу ҳаддан ташқари зерикарли иш, лекин сираям қийин эмас.

Бир гал у менга, мана шу гапларни бизнинг болалар



ҳам тушунсин, десанг, бир расмини чизиб кўрмайсанми, деб маслаҳат берди.

— Агар улар қачондир сафарга чиқмоқчи бўлсалар, бу нарса гоят қўл келади,— деди у.— Бошқа ишлар бир оз кечикса ҳам зиён қилмайди, аммо баобабларни ўз ҳолига қўйиб берилса, охири вой бўлади. Мен бир сайёрани биламан, у ерда бир дангаса яшарди. У уч туп ниҳолни вақтида қўпориб, гашламади, оқи-батда...

Кичкина шаҳзода бу ҳақда батафсил сўзлаб берди, мен эса ўша сайёранинг расмини чиздим. Бировга ақл ўргатишни ёмон кўраман, аммо баобабларнинг нақадар хавfli эканини жуда оз одамгина билади, ваҳоланки, астероидга қадам қўядиган ҳар бир киши муқаррар равишда бу даҳшатли хатарга дучор бўлади. Шу сабабдан мен ҳозир одатимга хилоф тарзда: «Болалар, баобаблардан эҳтиёт бўлинглар!», деб ҳайқиргим келади. Барча дўстларимни кўпдан буён таҳдид солиб турган шу бало-қазодан огоҳ қилиб қўймоқчиман, чунки улар шундай хатар борлигини бир пайтлар мен ҳам мутлақо билмаганимдек ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун ҳам мен овора бўлиб шу расми чиздим, шунинг учун ҳам қилган меҳнатимга заррача ачинмайман. Эҳтимол, сиз, нима учун бу китобда манави баобабларнинг тасвирдан бошқа бирорта ҳам таъсирли расм йўқ, деб сўрарсиз. Бунга мен оддийгина қилиб шундай жавоб қайтараман: бошқа расмлар ҳам таъсирчанроқ чиқсин, деб мен роса уриндим, бироқ, афсуоки, қўлимдан келмади. Баобабларни чизаётган пайтимда эса, бу чиндан ҳам мудҳиш хатар, уни даф этишни асло кечиктириб бўлмайди, деган фикр менга илҳом бағишлаган эди...

## VI

Эҳ, Кичкина шаҳзода! Аста-секин мен сенинг нақадар ғамгин ва якранг ҳаёт кечирганингни англаб етдим. Узоқ йиллар мобайнида ягона дилхуш эрмагинг қуёш ботар найт — ғурубни томоша қилишдан иборат бўлган экан. Мен буни тўртинчи кун эрталаб, ўзинг сўз орасида:

— Ғурубни жудаям яхши кўраман. Юр, қуёшнинг ботишини томоша қиламиз,— деб қолганинга сездим,

— Э, унда бир оз кутиш керак.

— Нимани?

— Қуёш ботишини-да.

Бу гапни эшитиб, аввал беҳад ҳайрон бўлиб қолдинг, кейин эса ўзингнинг устингдан ўзинг кулиб:

— Назаримда, ҳалиям уйимда юргандекман!— деддинг.

Ҳақиқатан ҳам, Америкада кун чошгоҳ бўлганда Францияда кун ботишини ҳамма билади. Агар у ердан бир лаҳзанинг ичида Францияга етиб борилса, қуёш ботишини ҳам томоша қилиш мумкин. Бахтга қарши, Франция бу ердан узоқ, бешпоя узоқ. Сенинг сайёранг-да эса тагингдаги курсичани бир неча қадам нари сурсанг бас — гурубга истаганча узлуксиз мафтун бўлиб термлавериш мумкин эди...

— Бир сафар мен бир кунда қирқ уч марта қуёш ботишини томоша қилганман!

Орадан сал ўтгач, хиёл андуҳ билан яна шундай деддинг:

— Биласанми... баъзан юрагинг нимадандир гуссага тўлиб кетганда, ботаётган қуёшга бирпас термилиб ўтирсанг борми...

— Демак, ғурубни қирқ уч марта томоша қилган кунинг жудаям хафа бўлган экансан-да?

Аммо Қичкина шаҳзода бунга жавобан индамади.



Бешинчи куни эрталаб, тағни ўша қўзичоқ сабаб бўлиб, Кичкина шаҳзоданинг сиру асрорини билиб олдим. У, гўё узоқ вақт сукут ичра ўйлаб шу хулосага келгандек, дабдурустан:

— Қўзичоқ ўт ер экан, бундан чиқди, гулни ҳам ейши мумкин экан-да?— деб сўради.



— Ҳа, тўғри келган нарсани еяверади.

— Ҳатто тиканли гулниям ейдимми?

— Ҳа, тиканли гулниям.

— Ундай бўлса, гулга тиканнинг нима кераги бор?


Буни мен ҳам билмасдим. Ҳозир жудаям банд эдим: моторнинг бир гайкаси ейлиб кетган, шуни бураб чиқаролмай, қонимга ташна бўлиб турардим. Авзойим бузуқ эди — аҳвол тобора оғирлашиб бормоқда, сув деярли тамом бўлди, бу мажбурий қўнишнинг охири расво бўлмаса эди, деган ғулғула юрагимга ўрмалай бошлаган эди.

— Хўш, тиканнинг нима кераги бор?

Кичкина шаҳзода бирон бир савол бераркан, жавоб олмагунича қўймас эди. Тош қотиб кетган гайка ҳадеганда буралавермагач, фиғоним фалакка чиқиб, оғзимга келган гапни ғўлдирадим:

— Гулга тиканнинг сираям кераги йўқ, азбаройи ёмонликка чиқаради.

— Шунақами?!



Жимлик чўкди. Анчадан кейин у ранжиган оҳангда:

— Гапингга ишонмайман,— деди.— Ахир, гуллар жудаям заиф, оққўнгил-ку. Ўзларини ботир кўрсатиш учун ҳам тикан чиқаришади, гўё шунда улардан ҳамма қўрқадигандек...

Индамадим. Ҳозир ўзимча жаҳл билан гўлдираб қасам ичмоқда эдим: бу лаънати гайка шу сафар ҳам чиқмаса, болға билан шундай айлантириб соламанки, майда-майда бўлиб кетади!.. Бироқ Кичкина шаҳзода тагин хаёлимни бузди:

— Уйлайсанки, гуллар...

— Э, ҳеч нарсани ўйламайман-э, мен! Қалламга келган гапни айтдим-қўйдим-да. Кўриб турибсан-ку, жиддий иш билан бандман.

У менга ҳайратдан донг қотиб тикилди:

— Қанақа жиддий иш?!

У ҳамон мендан нигоҳини узмасди: мен эса, афт-башарам қоп-қора мой, қўлимда болға, унинг кўзига ниҳоятда нотавон бўлиб кўрипаётган манави шалдиروق арава — самолёт узра энгашганча асабий тутақиб турардим.

— Худди катталарга ўхшаб гапирасан-а!— деди у.

Уялиб кетдим. У эса аяб-петиб ўтирмай, гапида давом этди:

— Ҳаммасини чалкаштириб юбординг... ҳеч нарсани тушунмас экансан!

Чиндан ҳам унинг қаттиқ жаҳли чиққан эди. Аччиқланиб бошини чайқаркан, тилларанг сочлари шамолда тўзғиб кетди.

— Мен бир сайёрани биламан, у ерда юзи бўзарган бир жаноб яшайди. У умрида бирор марта гул ҳидлаб кўрмаган, бирор марта юлдузларга тикилмаган. У ҳеч қачон бировни севган ҳам эмас, умрида бирон-бир юмушни ҳам бажарган эмас. У фақат бир иш билан — рақамларни бир-бирига уриштириш билан овора. Эртаю кеч худди сенга ўхшаб яккаш: «Мен жиддий одамман! Мен жиддий одамман!», деб такрорлагани-такрорлаган. Тагин гердайиб-кеккайиб юришини айтмайсанми! Аслида у одам эмас, кўзиқорин.

— Нима деддинг?

— Қўзқорин, деяпман!— Кичкина шаҳзода азбаройи аччиқланганидан, ранги бўздек оқариб кетди.— Миллион йиллардан буён гулларнинг тапасида тикан

ўсади. Ва миллион йиллардан буён қўзичоқлар гулларни бари бир еб қўяди. Шундай экан, ҳеч қандай наф кўрмаса ҳамки, гулларнинг тиканига бунчалик зўр беришининг боиси нимада? Наҳот мана шу жумбоқни англаш зарур иш бўлмаса? Наҳотки гуллар билан қўзичоқлар ўртасидаги асрий адоват сири муҳим нарса бўлмаса? Ахир бу ўша юзи бўзарган жанобнинг ҳисобкитобидан кўра жиддийроқ ва зарурроқ эмасми? Айтилик, мен дунёда на тенги, на ўхшаши бўлган бир гулни биламан, у фақат менинг сайёрамдагина ўсади. Энди бир кун жимитгина қўзичоқ шартта борсаю уни паққос еб битирса! Нима иш қилиб қўйганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаса... Балки бу ҳам сенингча муҳим нарса эмасдир?

У қип-қизариб кетди, бир зумдан кейин тағин давом этди:

— Агар бошқа миллионлаб юлдузларда учрамайдиган бир гулни яхши кўрсанг, шунинг ўзи ҳам кифоя: оёмонга боққанинг замон ўзингни бахтиёр ҳис этасан. «Олисларда, қайдадир менинг ҳам гулим бор», деб шивирласанг бас — кўксинг тоғдек юксалиб кетади. Бордию қўзичоқ тўсатдан уни еб қўйса борми, оламдаги жамики юлдуз бирданига сўнгандек бўлади-қолади! Сенга қолса, бу сираям муҳим нарса эмас!

У ортиқ гапиролмади, нафаси тиқилиб, хўнграб юборди. Атрофни қоронғилик чулғади. Қилаётган ишимни шартта ташладим, бадбахт гайкаю болға ҳам, ташналигу ўлим ваҳми ҳам дафъатан унут бўлди. Менинг юлдузимда, Ер аталмиш менинг сайёрамда Қичкина шаҳзода ўксиб-ўксиб йиглар — уни юпатмоқ даркор эди. Мен уни бағримга босганча қўлимда аллалай бошладим: «Сен кўнгил қўйган гулга ҳеч ким тегмайди... қўзичоғинингнинг тумшугига ўзим нўхта чизиб бераман... мен...» Бундан бўлак нима деяримни билмасдим, ақлу ҳушим тамоман бошимдан учган, ўзимни беҳад беўхшов ва ўнғайсиз сезардим. Нима қилсам у дилимни англарикин? Тутқич бермай мендан лаҳза сайин узоқлашиб бораётган бу беғубор кўнгил садосини қандай қувиб етсам экан? Ахир, аслида кўзёш дегани — англаб бўлмас, сирли бир салтанат эмасми?

Ҳадемай бу гулни яхшилаб билиб олдим. Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида ҳаммавақт оддийгина, беҳашам гуллар ўсарди. Улар камбарг, беозоргина бўлиб, ниҳоятда кам жойни эгаллар, эрталаб очилиб, оқшом чоги сўлиб қолар эди. Бу гул эса, кунларнинг бирида шамолда қайдандир учиб келиб сайёра тупроғига тушиб қолган уруғдан униб чиққан эди. Кичкина шаҳзода бошқа ўт-ўлан, гулчечакларга асло ўхшамаган бу мўъжаз ниҳолдан кўзини узолмасди. Бордию у баобабнинг бирор янги хили бўлса-чи? Аммо ниҳол тез орада юқорига қараб бўй чўзишдан тўхтади-да, ғунча тугди. Кичкина шаҳзода умри бино бўлиб бундай катта ғунчаларни кўрмаган эди, ғаройиб мўъжиза рўй беражагини кўнгли сезиб, бетоқат кута бошлади. Нотаниш, номаълум ғунча эса ҳамон юз очишни хаёлига келтирмас, яшил гумбаз ичра пинҳон ўтирганча ҳануз ўзига оро берар эди. У қунт билан ранг тапплар, гулбарг либосларни нозик баданига бир-бир ўлчаб кўрарди — ёруғ оламга аллақандай лолақизғалдоққа ўхшаб, ҳурпайган-тўзғиган ҳолда дийдор кўрсатишни сира-сира истамасди-да. У ҳусни жамолини бор латофатию бутун жозибаси билан намоён этмоқни орзу қиларди. Ҳа, ана шундай ўзига бино қўйган гўзал эди у!

Сирли тайёргарлик шу йўсин узоқ давом этди. Ва, ниҳоят, бир саҳар чоғи, қуёшнинг илк нурлари кўрйиши биланоқ гулбарглар оҳпета очилди, бу лаҳзага шу қадар узоқ тараддуд қилган гўзал эса ширин эсиаб:





— Эҳ, эспзгина, барвақт уйғониб кетибман-ку...  
Авф этиг мени...— деди.— Ҳаммаёғим тўзғиб ётувди-я...

Кичкина шаҳзода ҳайрат ва завқини яширолмади:

— Нақадар чиройлисиз-а!

— Йўғ-э, ростданми?— деди гулгунча бунга жавобаш астагина.— Ҳа, балки сезгандирсиз, мен қуёш билан бирга туғилганман-да.

Кичкина шаҳзода бу гунчаннинг камтарлик бобида намуна бўлмаслигини пайқади, бироқ у шунчалар дилбар ва латиф эдики, одамни беихтиёр довдиратиб қўярди!

— Нонушта вақтиям бўлиб қолдими дейман,— деди у салдаш кейин.— Барака топкур, менга ёрдам қиларсиз-а?





Кичкина шаҳзода беҳад хижолат бўлди, кўзада муздек булоқ сувидан келтириб уни суғорди.

Кўп ўтмай гўзал гулгунчанинг хийла мағрур ва аразчилиги ҳам маълум бўлиб қолдию Кичкина шаҳзода у билан тил топишаман деб роса қийналди. Бир кунни гул, поясидаги тўртта тиканни кўрсатиб:

— Қани, йўлбарс зўр бўлса, буёққа келсин, мен унинг ўзидан ҳам, ўткир тирноғидан ҳам қўрқмайман!— деди.

— Менинг сайёрамда йўлбарс яшамайди,— деб эътироз билдирди Кичкина шаҳзода. — Кейин, йўлбарслар ўт емайди.

— Мен ўт эмасман-ку,— деди гулгунча ранжиб.



— Кечиринг мени...

— Йўқ, мен йўлбарсдан сираям қўрқмайман, аммо елвизак деган нарсадан юрагим чиқиб кетади. Сизда парда йўқми, мени шамолдан тўсиб қўйсангиз?

«Галати-я, ўсимлик бўлатуриб елвизакдан қўрқадил...— деб ўйлади Кичкина шаҳзода.— Жудаям кўнглини топиш қийин экан бу гулнинг...»

— Бу ер роса совуқ экан. Кечқурун мени шиша қалпоқ билан ўраб қўйинг, хўпми? Сайёрангиз ҳаддан ташқари бефайз экан. Мен келган жойда-чи...

Гулгунча гапини тугатмай жимиб қолди. Чунки бўёққа у ҳали уруғ чоғида учиб келган эди-да. Узга оламлар ҳақида шу боис ҳеч нарса билмаслиги табиий эди. Осонгина фош бўлишининг муқаррар вазиятда эса ёлгон гапирмоқ — бориб турган аҳмоқликдир! Гулгунча хижолат тортди, сўнг гўё Кичкина шаҳзода, ўзини унинг олдида қанчалар гуноҳкор эканини сезсин, деган маънода устма-уст йўталди:

— Қани парда, борми?

— Мен боя бориб олиб келмоқчи эдим, лекин гапингизни бўлишга...

Шунда гулгунча яна қаттиқроқ йўтала бошлади: майли, унинг виждоин баттар қийналсин!

Кичкина шаҳзода, гарчи бу феруза гулни яхши кўриб қолган, унга хизмаг қилишдан бахтиёр бўлса-да, кўп ўтмай кўнглида шубҳа уйғонди. У шунчаки айтилган ҳавойи гапларни юрагига яқин олар, шу сабаб ўзини бениҳоя бахтсиз сезар эди.

— Бекор унинг гапига қулоқ солган эканман,— деб қолди у бир куни менга.— Ҳеч қачон гулларнинг айтганига қулоқ солмаслик керак экан, уларга термилиб, ҳидларидан баҳраманд бўлиш лозим экан, холос. Менинг гулим бутун сайёрани хуш бўйларга буркаган эди, мен эса бундан фақат қувонини зарурлигини билмасдим. Йўлбарс ҳақидаги, тирпоқ ҳақидаги анави гапларга келсак... улардан одамнинг кўнгли завқ-шавққа тўлиши керак эди, мен бўлсам аччиқланиб ўтирибман-а...— Бир муддат сукут сақлаб, андуҳ билан эътироф этди:— Ушанда ҳеч нимани тушунмаган эканман! Оғиздаги сўзга эмас, амалдаги ишга қараб баҳо бериш керак эди. У менга ўзининг муаттар бўйларини армуғон этди, ҳаётимни нурга чулғадди. Мен ундан қочмаслигим керак эди! Уша қовушмаган ҳийла-найранглар замирида нозик бир латофат мужассам эканини пайқашим керак

эди. Ахир, гуллар шунчалик беқарорки!.. Аммо мен ни-  
хоятда ёш эдим, муҳаббат сир-асроридан беҳабар эдим.

۱۴

Англашимча, у жаҳонгашта қушлар билан бирга парвоз қилишга қарор берган. Охирги кун эрталаб у одатдагидан кўра бошқачароқ ғайрат билан сайёрасини тозалашга киришди. Қунт ва зўр ҳафсала билан уйғоқ вулқонларни тозалай бошлади. Сайёрада иккита уйғоқ вулқон бўлиб, улар нонушта тайёрлашга жудаям қулай эди. Бундан ташқари, яна битта сўнган вулқон ҳам бор эди. Бироқ, бу сўнган-ку, деб хотиржам юриб бўлмайди-да, деди у. Шу сабабдан уни ҳам эринмай тозалаб чиққан. Вулқонларни чиппи-чироқдек озода қилиб тозаласангиз, улар тутуну қурум чиқармай бир маромда биқирлаганча қайнаб ётади... Албатта, биз — Ердаги аҳли замин, ғоят кичкина одамлармиз, вулқонларимизни тозалашга кучимиз етмайди. Шунинг учун ҳам улар бизга шу қадар кўп зиён-заҳмат етказди.

Кичкина шаҳзода баобабларнинг сўнгги ниҳолларини юларкан, хиёл ғуссага ҳам ботди. Балки энди сираям бу ерларга қайтмасман, деб ўйлади. Аммо бу тонгнинг ҳар кунги одатий юмушлари унга ғайриоддий завқ бағишламоқда эди. Ажойиб феруза гулни охирги бор суғориб, устини шиша қалпоқ билан ёпиб қўйишга чоғланаркан, ўпкаси тўлиб, ҳатто йиғлагуси келиб кетди.

— Хайр, яхши қолинг, — деди у. Гул чурқ этмади.

— Хайр сизга, — деб такрорлади Кичкина шаҳзода.

Феруза гул йўталиб қўйди. Совуқ қотганидан эмас, албатта.

— Аҳмоқлик қилган эканман, — деди у ниҳоят. — Кечир мени. Бахтинг ёр бўлсин...

Товушида таъна-дашномдан асар ҳам сезилмасди. Кичкина шаҳзода қўлида шиша қалпоқ, лолу ҳайрон қотиб қолган эди. Бу латофат, бу меҳр қаёқдан пайдо бўлди экан?

— Ҳа, мен сени яхши кўраман, ҳа... — деган титроқ оҳанг янграрди қулоқлари остида. — Айбим шундаки, сен буни билмасдинг. Бу унчалик муҳим ҳам эмас аслида. Лекин сен ҳам худди мендек тентак эдинг. Майли, бахтингни топ, омаднингни берсин... Қалпоқни четроққа қўй, у энди менга керакмас.


— Аммо, шамол...

— Йўқ, унчалик шамолламаганман... Тунги шабнам менга наф келтиради. Ахир, мен — гулман-ку.

— Аммо, ҳайвонлар, ҳашаротлар...


— Агар мен капалаклар билан танишмоқчи бўлсам, бир-иккита ғумбакнинг зулмига дош беришим керак-ку, капалаклар чиройли бўлса керак. Бўлмаса, энди менинг олдимга ким ҳам келарди? Сен узоққа кетаётган бўл-





санг... Ҳайвонлардан эса қўрқмайман. Мениям ўткир тирноқларим бор.—У соддадиллик билан тўрттала тиканини кўрсатди-да, шундай деб қўшиб қўйди:— Бўлди, бас, ортиқ чўзаверма, бардош бериш қийин, ахир! Модомики кетар бўлсанг — хайр, яхши бор.

У ўзининг силкиниб-силкиниб йиғлаётганини Кичкина шаҳзода кўришини истамасди. Бу жудаям мағрур гул эди...



## Х

Кечкина шаҳзоданинг сайёрасига 325, 326, 327, 328, 329 ва 330-астероидлар энг яқин эди. Шу бонс у дастлаб уларга ташриф этишга аҳд қилди: ҳам эрмак, ҳам нимадир ўрганади.

Биринчи астероидда қирол яшарди. Ипак-шоҳи либосларга бурканганча, у ниҳоятда оддий ва айни пайтда улуғвор тахтда савлат тўкиб ўтирарди.

— Э, мана, фуқаро ҳам келиб қолди!— деб хитоб қилди қирол Кичкина шаҳзодани кўриши билан.

«У мени қаёқдан биларкни?— деб ўйлади Кичкина шаҳзода.— Ахир умрида биринчи марта кўриб турибди-ку!»

Билмасдики, қироллар дунёга жўнгина қарайдилар, улар учун жамики одам — фуқаро.

— Яқинроқ кел, қани, сени бир яхшилаб кўриб олай-чи,— деди қирол ниҳоят кимгадир қироллик қилишни мумкинлигидан ўлгудек талтайиб.

Кичкина шаҳзода ўтиришга жой излаб ён-верига аланглади, бироқ қиролнинг ҳашамдор жуббаси бутун сайёрани қоплаб олган эди. Тик тураверишга тўғри келди. Бениҳоя қаттиқ чарчаганидан бир пайт аста хомуза тортди.

— Хукмдорлар ҳузурида эснаш мумкин эмас,— деди қирол.— Мен сенга эснашни ман қиламан.

— Мен... тўсатдан, билмай қолиб...— деди Кичкина шаҳзода қаттиқ хижолат тортиб.— Мен узоқ йўл юриб келдим, ухлаганим йўқ эди...

— Ҳай, ундай бўлса, эснашингга рухсат бераман,— деди қирол.— Кўп йиллар бўлди ўзим ҳам бирорта эснаган одамни кўрмаганимга. Мана, ҳозир роса қизиқиб қолдим. Демак, қани, эсна! Буйруғим шундай.

— Аммо... уяляпман энди... бошқа қилолмайман,— дея гўлдиради Кичкина шаҳзода ва қип-қизариб кетди.

— Ҳимм... ҳимм... Унда, унда... сенга буйруқ шу: гоҳ эсна, гоҳ...

Қирол ганини чалкаштириб, ҳатто бирмунча ранжигандек ҳам бўлди. Чунки қирол учун энг муҳими — ўзига сўзсиз итоат қилиниши эди, у итоатсизлик ва шаккокликка тоқат этолмасди, чунки мутлақ ҳукмдор эди. Бироқ у ғоят оққўнгил эди ва шу вайдан фақат оқилона фармойишларгина берарди.

«Агар мен генералимга, денгиздаги оқ чорлоққа айлапасан, деб амр этсам-у, генерал буйруғимни бажармаса,— дерди у,— бу унинг эмас, менинг айбим бўлади».

— Утирсам майлими?— дея бўшашибгина сўради Кичкина шаҳзода.

— Амр этаман: ўтир!— деб жавоб берди қирол ва виқор билан ҳашамдор жуббасининг бир этагини пича йиғиштирди.

Лекин Кичкина шаҳзода ҳайрон эди: сайёра-ку шундай жимит экан, қирол кимнинг устидан ҳукмронлик қиларкин?

— Аъло ҳазратлари,— деб сўз бошлади у,— бир нарсани сўрасам майлими?

— Амр этаман: сўра!— деди қирол шоша-пиша.

— Аъло ҳазратлари... сиз кимнинг, ниманинг устидан ҳукмронлик қиласиз?

— Ҳаммасининг,— деб жавоб берди қирол оддийгина қилиб.

— Ҳаммасининг?

Қирол камтарона бир ҳаракат билан ўз сайёрасига, шунингдек, теваарадаги бошқа барча юлдуз ва сайёраларга ҳам ишора қилди.

— Сиз шуларнинг ҳаммасига ҳукмдорлик қиласизми?— деб қайта сўради Кичкина шаҳзода.

— Ҳа,— деб жавоб қайтарди қирол. Зеро у чиндан ҳам қонуний мутлақ ҳукмдор бўлиб, ҳеч қандай тўсиқ ва чекланишларни билмасди.

— Юлдузлар ҳам сизга бўйсунадими?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Бўлмасам-чи,— деди қирол.— Юлдузлар бир зумда бўйсунди. Мен итоатсизликка чидаб туролмайман.

Кичкина шаҳзода бениҳоя ҳайратга тушди. Эҳ, қанийди, унинг шундай қудрати бўлса эди, қуёш ботишини тўйиб-тўйиб томоша қиларди! Кунига қирқ икки марта эмас, балки етмиш икки, юз, ҳаттоки икки юз марта гурубга термиларкан, курсичасини нари-бери қўзғатишга ҳам ҳожат қолмасди! Бирданига у ўзи тарк этган сайёрасини эслаб гуссага чўмди, бир оздан кейин журъат тўплаб:

— Мен қуёш ботишини томоша қилмоқчи эдим. Бир марҳамат қилинг, қуёш ботсин, деб фармон беринг,— деди.

— Бордию мен бирорта генералимга капалак бўлиб гулдан-гулга учиб юришни ёки фожиавий асар яратишни, ё бўлмаса, оқ чорлоққа айланишни буюрсам-у, генерал буни бажармаса, ким айбдор бўлади — менми, уни?

— Сиз, аъло ҳазратлари,— дея бир лаҳза ҳам иккиланмай жавоб қилди Кичкина шаҳзода.

— Мутлақо тўғри,— деб тасдиқлади қирол.— Ҳар кимдан қурби етадиган нарсани талаб қилиш керак. Ҳокимият энг аввало оқилона бўлиши лозим. Агар ҳалқингга, денгизга ташлашни буюрсанг, у исён кўтариб инқилоб қилиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам мен сўзсиз итоатни талаб эта оламан, чунки амр-фармонларимнинг барчаси оқилонадир.

— Қуёш-чи, қуёш ботиши нима бўлади энди?— деб

сўради Кичкина шаҳзода. У то саволига жавоб олмагунча тинчимас эди.

— Қуёш ботади, шошмайтур. Мен бу ҳақда тегишли буйруқ бераман. Аммо олдин қулай вазият етилишини кутиб тураман, зеро ҳукмдорлик ҳикмати ҳам ана шунда.

— Хўш, қулай вазият қачон етилади?— деб суриштирди Кичкина шаҳзода.

— Ҳимм... ҳозир... ҳимм...— дея қалин календарни титкилай бошлади қирол.— Қулай вазият... ҳимм... мана бугун кечқурун соат еттидан қирқ минут ўтганда етилади. Амр-фармонимнинг қанчалик сўзсиз бажарилишини кўрасан ана шунда.

Кичкина шаҳзода тағин эснади. Афсус, бу ерда ғурубни истаган вақтингда томоша қилолмас экансан!.. Очиғини айтганда, у энди зерика бошлаган эди.

— Мен борай,— деди у қиролга.— Бошқа қиладиган ишим ҳам қолмади.

— Йўқ, кетма!— деди қирол. У ўзига фуқаро толиб олганидан ниҳоятда хурсанд эди ва ундан айрилишни сира-сира истамасди.— Қол, мен сени министр этиб тайинлайман.

— Қанақа министр?

— Ҳимм... бор ана, адлия министри бўлақол.

— Аммо бу ерда суд қиладиган бирорта ҳам одам йўқ-ку?

— Ким билади дейсан,— деб эътироз билдирди қирол.— Ахир мен ҳали бутун қироллигимни синчиклаб кўздан кечириб чиқмаганман-да. Кўриб турибсан, анча қариб қолганман, арава қўядиган жойим йўқ, яёв юришга эса чоғим келмайди.

Кичкина шаҳзода аста эгилиб, сайёранинг нариги чеккасига назар ташлади.

— Мен аллақачон синчиклаб қараб чиқдим!— деб хитоб қилди у.— Уёқда ҳам ҳеч зог йўқ.

— Ундай бўлса, ўзингни ўзинг суд қилақол,— деди қирол.— Бу дунёдаги энг оғир иш. Ўзингни тергаш, суд қилиб ҳукм чиқариш ўзгаларни суд қилишдан кўра минг карра қийинроқ. Агар ўзингни тўғри суд қила билсанг, демак, чиндан ҳам донишманд одам бўлиб чиқсан.

— Ўзимни истаган жойда суд қила оламан,— деди Кичкина шаҳзода.— Бунинг учун ҳузурингизда қолишимга асло ҳожат йўқ.

— Ҳимм... ҳимм...— деди қирол чайналиб.— Наза-  
римда, сайёрамнинг аллақайси ерида бир қари каламуш  
яшаса керак. Кечасилари бир балоларни қитирлатиб  
юрганини эшитаман. Мана шу каламушни суд қилсанг  
ҳам бўлаверади. Вақти-вақти билан уни ўлимга ҳукм  
қилиб турасан. Унинг ҳаёт-мамоти сенга боғлиқ бўлади.  
Аммо ҳар сафар кейин уни афв этиш лозим. Бу қари  
каламушни асраб-авайлаш керак, ахир ўзи бор-йўғи  
битта-я...

— Мен бировларни ўлимга ҳукм қилишни ёқтир-  
майман,— деди Кичкина шаҳзода.— Умуман, менинг  
кетар вақтим бўлди.

— Йўқ, бўлмади,— деб эътироз билдирди қирол.

Кичкина шаҳзода йўлга равона бўлмоқчи эди-ю, ле-  
кин кекса ҳукмдорни хафа қилишни истамасди.

— Агар аъло ҳазратлари амр-фармонларининг сўз-  
сиз бажарилишини хоҳласалар,— деди у,— у ҳолда,  
менга ҳозир оқилона фармойиш беришлари лозим. Ма-  
салан, сиз менга бир лаҳза ҳам ҳаялламай йўлга ту-  
шишни буюришингиз мумкин. Сезишимча, бунинг учун  
ниҳоятда қулай шарт-шароит мавжуд...

Қирол индамади. Кичкина шаҳзода хийла кутиб тур-  
ди-да, аста хўрсиниб, йўлга тушди.

— Сени элчи қилиб тайинлайман!— деб қичқирди  
қирол унинг ортидан шоша-пиша. Шу тобда у гўё ум-  
рида гапини биров икки қилмагандек мамнун ва хотир-  
жам кўринарди.

«Ғалати халқ-да, бу катталар», деб қўйди Кичкина  
шаҳзода ўзича, йўлида давом этаркан.

## XI

Иккинчи сайёрада шуҳратпараст яшарди.

— О, ана, мухлис ҳам келиб қолди!— деб хитоб  
қилди у Кичкина шаҳзодани узоқдан кўриши билан.

Ахир, иззатталаб одамларга ҳамма уларнинг мухли-  
си бўлиб кўринаверади-да.

— Салом,— деди Кичкина шаҳзода.— Шляпангиз  
жудаям антиқа экан-а?

— Бу — таъзим бажо келтиришга,— деб тушунтир-  
ди шуҳратпараст.— Мени олқишлаган пайтда таъ-  
зим бажо айлашим лозим. Бахтга қарши, буёққа бирор  
кимса қадамранжида қилмаяпти.

— Э, шундайми?— деб қўйди Кичкина шаҳзода, у  
ҳеч нарсани тушуимаган эди.

— Бир чапак чалгин,— деди шуҳратпараст унга.

Кичкина шаҳзода кафтларини бир-бирига уриб чапак чалди. Шуҳратпараст шляпасини бошдан олиб, тавозе билан таъзим қилди.

«Қари қиролнинг юртидан кўра бу ер қизиқроқ экан», деб ўйлади Кичкина шаҳзода ва тагин чапак чалди. Шуҳратпараст яна шляпасини бошдан олиб таъзим бажо келтирди.

Беш минутча шу тахлитдаги қарсақ-таъзимдан сўнг Кичкина шаҳзода бундан ҳам зерикди.

— Нима қилса, шляпангиз бошингиздан учиб тушадими?— деб сўради у.

Аммо шуҳратпараст бу гапни эшитмади. Иззатталаб одамлар мақтовдан бошқа ҳамма нарсага қар бўлишадими-да.

— Сен ростдан ҳам меннинг чин мухлисим бўласанми?— деб сўради у Кичкина шаҳзодадан.

— Мухлис бўлиш дегани нима?

— Мухлис бўлиш дегани — бу сайёрада мешинг энг гўзал, энг башанг, ҳаммадан бой ва ҳаммадан ҳам ақлли эканимни тан олиш демакдир.

— Лекин сайёрангда ўзингдан бошқа зот ҳам йўқку!

— Барини бир. Кел, менга бир яхшилик қил, яйраб қолай: мени бир мақтагин!

— Мақташга-ку, мақтайман-а,— деди Кичкина шаҳзода хиёл елка қисиб,— аммо бундан сенга нима наф?

Шундай деб шуҳратпарастни ҳам аста тарк этди.

«Ҳақиқатан ҳам, катталар жуда ғалати халқ-да», деб ўйлади йўлга тушаркан, соддалик билан.



Кейинги сайёрада пиёниста яшарди. Кичкина шаҳзода у ерда кўп бўлмади, бироқ шу қисқа вақт ичидаёқ юраги ғаш тортиб чиқди.

У сайёрага қадам қўйганида, пиёниста олдидаги бўш ва тўла шишалар сафига жимгина тикилиб ўтирарди.

— Нима қиляпсан?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Ичяпман,— деди пиёниста хўмрайиб.

— Нега?

— Унутмоқчиман.

— Нимани?— деб сўради Кичкина шаҳзода пиёнистага раҳми келиб.

— Шу ишимнинг уятлигини,— деди пиёниста тан олиб ва бошини қуйи солди.

— Қайси ишинг?— деб сўради Кичкина шаҳзода, бояқишга ёрдам беришни жон-дилидан истаб.

— Ичишим уят!— деди пиёниста ва қайтиб оғиз очмади.

Анчадан сўнг Кичкина шаҳзода лолу ҳайрон бўлиб, тагин йўлга тушди.

«Ҳа, шубҳасиз, катталар жуда-жуда ғалати халқ», деб хаёлидан кечирди йўлида давом этаркан.



Тўртинчи сайёра қорчалон одамга қарашли эди. У шу қадар банд эдики, Қичкина шаҳзода ҳузурига кириб келганида ҳатто бош кўтариб ҳам қарамади.

— Салом,— деди Қичкина шаҳзода.— Папиросингиз ўчиб қолибди.

— Иккига уч — беш. Бешга етти — ўн икки. Ўн иккига уч — ўн беш. Салом. Ўн бешга етти — йигирма икки. Йигирма иккига олти — йигирма саккиз. Гугурт чақишгаям вақт йўқ. Йигирма олтига беш — ўттиз бир. Уф! Жами, демакким, беш юз бир миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта.

— Нима у — беш юз бир миллион?..

— А? Э, ҳалиям шу ерда турибсанми?.. Нималигини билмай ҳам қолдим... Ишим шу қадар кўпки! Мен жиддий одамман, валақлаб ўтиришга вақтим йўқ! Иккига беш — етти...

— Нима у — беш юз миллион?..— деб такрорлади Қичкина шаҳзода. У бирор нарса ҳақида сўраркан, то жавоб олмагунича тинчимасди.

Қорчалон одам бошини кўтарди.

— Эллик тўрт йилдан буён шу сайёрада яшайман.



Шунча вақт мобайнида менга бор-йўги уч марта халақит беришди. Биринчи гал, йигирма икки йил муқаддам қаёқдандир бир тиллақўнғиз учиб келиб қолганида шундай бўлган эди. У шунақанги шовқин солиб визилладики, мен беихтиёр қўшувда тўртта хато қилиб қўйдим. Иккинчи гал эса ўн бир йил бурун бирданига мени бод тутиб қолди. Ҳадеб қадалиб ўтиравергандан кейин... Мени сайр-томоша қилиб юришга фурсатим йўқ. Мен жиддий одамман. Учинчи гал... мана энди! Демак, жами бўлиши керак эди беш юз миллиону...

— Беш юз миллион нима, ахир?

Корчалон одам жавоб бермаса қутулмаслигини пайқади.

— Беш юз миллион бу, ҳалиги... бор-ку ҳар замонда осмонда кўриниб қоладиган?

— Нима экан у, пашшами?

— Э, йўғ-э, бор-ку кичкина, ялтироқ...

— Арими?

— Йўғ-э! Митти-митти, тилладек чарақлайди, истаган тентак унга боқиши билан хаёли қочиб кетади. Мен жиддий одамман. Хаёл суришга асло вақтим йўқ.

— Ҳа, юлдузларми?

— Э, топдинг, юлдуз.

— Беш юз миллион юлдуз, дегин? Нима қиласан уларни?

— Беш юз миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта. Мен жиддий одамман, аниқликни ёқтираман.

— Хўш, шунча юлдузни нима қиласан?

— Нима қиласан, дейсанми?

— Ҳа.

— Ҳеч нарса қилмайман. Мен уларга эгалик қилман, холос.

— Юлдузларга эгалик қиласанми?

— Ҳа.

— Лекин мен йўлда бир қиролни кўрдим, у...

— Қироллар ҳеч кимга эгалик қилолмайди. Улар фақат ҳукмронлик қилади. Бу бутунлай бошқа нарса.

— Юлдузларга эгалик қилишнинг сенга нима кераги бор?

— Бой бўлиш учун-да, нимага бўларди.

— Бой бўлишнинг нима кераги бор?

— Бой бўлиш, кимдир янги юлдузларни кашф этса, уларга ҳам эгалик қилиш учун керак.

«Буям худди бояги пиёнистага ўхшаб фикрляпти»,  
дея кўнгилдан ўтказди Кичкина шаҳзода ва яна сўроқ-  
ни давом эттирди:

— Юлдузларга қандай эгалик қилиш мумкин?

— Юлдузлар кимники?— деб сўради корчалон эна-  
си қотиб.

— Билмадим. Ҳеч кимники.

— Демак, меники бўлади. Чунки мен буни биричи  
бўлиб ўйлаб топдим.

— Шунинг ўзи басми?

— Албатта-да. Айтайлик, кўзадан олмос топиб ол-  
сангу эгаси бўлмаса, у сеники бўлади. Агар миянгга  
тўсатдан бирон бир фикр келиб қолса, дарров унга  
патент оласан: у энди буткул сеники. Мен юлдузларга  
шунинг учун ҳам эгалик қиламанки, менгача ҳеч ким  
уларга эгалик қилишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Тўғри,— деди Кичкина шаҳзода.— Ҳар қалай,  
айт-чи, сен уларни нима қиласан?

— Улар устидан ҳукмимни юргизаман,— деди кор-  
чалон.— Тинимсиз санаб тураман. Бу жудаям қийин  
иш. Аммо мен жиддий одамман.

Бироқ Кичкина шаҳзодага бу изоҳ кифоя қилмади.

— Дейлик, менинг шоҳи рўполчам бўлса, уни бўй-  
нимга ўраб ўзим билан олиб кетишим мумкин,— деди  
у.— Мабодо менинг бир гулим бўлса, узиб олиб кет-  
шим мумкин. Лекин сен юлдузларни ўзинг билан бирга  
олиб кетолмайсан-ку!

— Тўғри, аммо мен уларни банкка қўйишим мум-  
кин.

— Қандай қилиб?

— Мана бундай қилиб: қоғозга қанча юлдузим бор-  
лигини ёзиб чиқаман-да, кейин шу қоғозни тортмага  
солиб қулфлаб қўяман.

— Бўлдими шу билан?

— Шунинг ўзи кифоя.

«Қизиг-а!— деб ўйлади Кичкина шаҳзода.— Ҳатто  
шоирона ҳам. Аммо унчалик жиддий иш эмас».

Нима жиддий, нима ножиддий — буни Кичкина шаҳ-  
зода катталар сингари эмас, ўзича тушунарди.

— Менинг феруза гулим бор, уни ҳар кун эрталаб  
суғораман,— деди у.— Учта вулқоним бор, ҳар ҳафтада  
уларни тозалаб тураман. Биттаси сўнган, уни ҳам то-  
залайман, ҳар эҳтимолга қарши. Гулимга ҳам, вулқон-  
ларимга ҳам менинг уларга эгалик қилишимдан наф


бор. Юлдузларга эса сенинг эгалигингдан зиғирдак ҳам наф йўқ...

Қорчалон нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ жавоб тополмади. Қичкина шаҳзода йўлига жўнади.

«Йўқ, катталар чиндан ҳам ниҳоятда антиқа халқ», дея соддалик билан кўнглидан кечирди у йўлида давом этаркан.

#### XIV

Бешинчи сайёра жудаям ғаройиб эди. У бошқа сайёраларнинг ҳаммасидан кичкина бўлиб, сатҳига бор-йўғи битта фонус чироқ билан чароғбон жойлашган эди. Қичкина шаҳзода, бепоён коинот қаърида гарддек бўлиб кетган, на бирорта уй, на бирорта тирик жон бўл-



ган бу митти сайёрада чироқ билан чароғбоннинг нима кераги борлигига мутлақо тушуна олмади.

«Эҳтимол, бу одам ҳам тентакдир. Аммо у қирол, шуҳратпараст, пиёниста ва корчалон сингари тентак эмас. Унинг ишида, ҳар қалай, маъно бор. У фонусини ёққан пайтда гўё яна бир юлдуз чақнагандек ёки яна бир гул очилгандек бўлади. Чироғини ўчирган пайтда эса, гўё юлдуз сўнгандек ёки гул сўлгандек бўлади. Жудаям ажойиб машғулот экан. Бу чинакамига фойдалли бўлса керак, чунки гўзал иш».

Сайёранинг рўпарасига етиб келгач, у эҳтиром билан чароғбонга таъзим қилди.

— Салом,— деди у.— Нега ҳозир чироғингни ўчирдинг?

— Шарт шундай,— деб жавоб берди чароғбон.— Салом.

— Қанақа шарт?

— Чироқни кечқурун ўчиришим керак. Оқшомнинг хайрли бўлсин!

У шундай деб чироқни яна ёқди.

— Ундай бўлса, нега тагин ёқдинг?

— Шарт шундай,— деб такрорлади чароғбон ҳорғин.

— Тушунмадим,— деди Кичкина шаҳзода тан олиб.

— Тушунадиган нарсанинг ўзи йўқ,— деди чароғбон.— Шарт бўлгандан кейин бажариш керак. Салом!

Шундай деб чироқни ўчирди-да, қизил катакли рўмолча билан пешонасини артиб:

— Жуда касбим оғир,— деди.— Бир пайтлар бунинг маъноси бор эди. Чироқни кечқурун ёқардим, эрталаб ўчирардим. Ихтиёримда дам олишга бир кун, ухлашга бир кеча қоларди...

— Хўш, кейин шарт ўзгариб қолдимми?

— Шарт ўзгармади,— деди чароғбон.— Ҳамма бало шунда-да! Менинг сайёрам кундан-кунга тезроқ айланмоқда, шарт эса ҳамон ўша эскилигича қоляпти.

— Энди нима қиласан?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Нимаям қилардим? Сайёра бир дақиқа ичида тўла айланиб чиқади, нафас ростлашга бир сония ҳам фурсатим қолмайди. Чироқни ҳар дақиқада ёқиб-ўчиришга мажбурман.

— Ана ҳолос! Роса қизиқ-ку! Демак, сенинг сайёрангда куннинг узунлиги бор-йўғи бир дақиқа экан-да!

— Нимаси қизиқ экан бунинг,— деди чароғбон эъти-

роз билдириб.— Мана, ҳозир иккаламиз бир ойдан буён гаплашиб турибмиз.

— Бир ойдан буён?!

— Ҳа-да. Уттиз дақиқа. Уттиз кун. Оқшоминг хайрли бўлсин!

У шундай деб яна чироқни ёқди.

Кичкина шаҳзода чароғбонга тикилиб қолди. Аҳдига содиқ бу одам унга ҳаммадан кўра кўпроқ ёққан эди. Бир пайтлар ўзининг қуёш ботишини яна бир марта томоша қилиш учун курсичани нари-бери суриб юрганлари ёдига тушиб кетдию бу янги дўстига ёрдам бергиси келди.

— Менга қара,— деди у чароғбонга,— бир йўли бор: сен хоҳлаган пайтингда дам олишинг мумкин, фақат...

— Менинг доим дам олгим келади,— деди чароғбон.

Аҳдга содиқ қолиб ҳам дангаса бўлиш мумкин-да, ахир!

— Сенинг сайёранг шунчалик кичкинаки,— деб давом этди Кичкина шаҳзода,— уч ҳатлаб уни айланиб чиқишинг мумкин. Биласанми, шундай тезлик билан юришинг керакки, қуёш ҳамиша сен тарафда бўлиши лозим. Қачон дам олгинг келса, кетаверасан, кетаверасан... Шунда куннинг узунлиги сен хоҳлаганча давом этади.

— Э, бунинг фойдаси кам,— деди чароғбон.— Мен дунёда ҳамма нарсадан ҳам уйқуни яхши кўраман.

— Унда, аҳволинг чатоқ,— деди Кичкина шаҳзода ачиниб.

— Аҳволим чатоқ,— деб тасдиқлади чароғбон.— Салом.

Шундай деб тагин чироқни ўчирди.

«Ана одам!— деди Кичкина шаҳзода ўзича, йўлида давом этаркан.— Ҳойнаҳой, қирол ҳам, шухратпарасту пиёниста ҳам, корчалон ҳам ундан нафратланган бўлурди. Аммо, менимча, уларнинг орасида энг расоси шу. Эҳтимол, фақат ўзи ҳақидагина ўйламаслиги учун ҳам у шунақадир».

Кичкина шаҳзода аста хўрсинди.

«Мана мен дўст тутинишим мумкин бўлган одам,— деб ўйлади яна.— Лекин унинг сайёраси шу қадар кичкинаки, икки киши сизмайди...»

Бу ажойиб сайёрага бошқа бир сабаб туфайли ҳам

ачинаётганини тан олмоққа у ботинолмади: бу ерда йигирма тўрт соат мобайнида қуёш ботишини бир минг тўрт юз қирқ марта томоша қилиш мумкин эди-да!

## XV

Олтинчи сайёра аввалгисидан ўн баробар катта эди. Унда ёстиқдек-ёстиқдек китоблар ёзадиган чол яшарди.

— Ана буни қаранг-а! Сайёҳ келди!— деб хитоб қилди у Кичкина шаҳзодани кўриб.

Кичкина шаҳзода нафас ростлаш учун стол ёнига ўтирди. Бениҳоя кўп йўл юриб обдан чарчаган эди у!

— Қаердансан?— деб сўради чол.

— Бу катта китобингиз нимаси?— деб сўради Кичкина шаҳзода.— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Мен географман,— деди чол.

— Географ дегани нима?

— Бу дегани — дарёю денгизларнинг, шаҳар ва тоғларнинг, чўлу биёбонларнинг қаерда жойлашганини биладиган одам.

— Э, зўр экан!— деди Кичкина шаҳзода.— Чиндан ҳам, мана буни ҳақиқий иш деса арзийди!

У шундай деб географнинг сайёрасига назар ташлади. У умрида ҳеч қачон бундай катта сайёрани кўрмаган эди.

— Сайёрангиз жудаям чиройли экан,— деди у.— Айтнинг-чи, океанлар борми бу ерда?



- Бунисини билмадим,— деди географ.
- Э-э,— деди Кичкина шаҳзода ҳафсаласи пир бўлиб.— Тоғ борми, тоғ?
- Билмайман,— деди географ.
- Шаҳарлар, дарёлар, саҳролар-чи?
- Буниям билмайман.
- Ахир сиз географсиз-ку!
- Бўлмаса-чи!— деди чол виқор билан.— Гап шунда-да: мен сайёҳ эмас, географман. Менга сайёҳлар жуда-жуда етишмайди. Чунки шаҳарлар, дарёю тоғлар, денгизу океанларни, чўлу биёбонларни географлар ҳисоблаб қайд этмайди. Географ — бу катта одам, унинг санғиб юришга вақти йўқ. У ўз кабинетидан чиқмайди, аммо сайёҳатчиларни қабул қилиб уларнинг ҳикояларини ёзиб олади. Агар уларнинг бирортаси қизиқроқ воқеани айтиб берса, географ ҳужжат тўплаб, шу сайёҳнинг бамаъни одамми ёки бетайинлигини текширади.
- Нима учун?
- Чунки сайёҳ алдаб уйдирмаларни сўзлаган бўлса, жуғрофия дарсликлари чалкашиб кетади-да. Агар у кўпроқ ичадигай бўлса, тагин ташвиш ортди, деявер.
- Нега?
- Негаки, пиёнисталарнинг кўзига ҳамма нарса иккита бўлиб кўринади. Унинг гапига ишониб, географ битта тоғни иккита деб ёзиб қўйиши мумкин.
- Мен бир одамни билардим... Ундан ёмон сайёҳ чиқарди,— деб қўйди Кичкина шаҳзода.
- Бўлса бордир. Хўш, шундай қилиб, агар сайёҳ бамаъни одам бўлиб чиқса, кейин унинг кашфиёти текширилади.
- Қандай текширилади? Бориб кўриб келинадими?
- Э, йўқ. Бу жудаям мураккаб иш. Шунчаки, сайёҳдан кашфиётини тасдиқлайдиган ашёвий далил талаб этилади, холос. Масалан, агар у улкан бир тоғни кашф этган бўлса, ундан катта-катта харсангтошларни олиб келиб кўрсатиши керак.— Географ бирданига ҳаяжонга тушди.— Э, айтмоқ-чи, ўзинг ҳам сайёҳсан-ку! Ҳойнаҳой, гоят узоқдан келгандирсан. Менга ўз сайёранг қақда гапириб бер!
- Географ олдидаги қалин дафтарини очди-да, қалам йўна бошлади. Сайёҳларнинг ҳикоялари аввал қаламда ёзиб олинади, кашфиётини тасдиқлайдиган ашёвий далил келтиргачгина, уларнинг хотираларини сиёҳ билан ёзиш мумкин.

— Кулогим сенда,— деди географ.

— Ҳе, менинг сайёрамда унчалик қизиқ нарса йўқ,— деди Кичкина шаҳзода.— У ерда ҳамма нарса ниҳоятда кичкина. Учта вулқон бор, иккитаси уйғоқ, биттаси аллақачон сўнган. Лекин билиб бўлмайди-да.

— Ҳа, билиб бўлмайди,— деб маъқуллади географ.

— Кейин, менинг бир гулим бор.

— Гулларни ҳисобга олмаймиз,— деди географ.

— Нимага?! Ахир, у жудаям чиройли-ку!

— Чунки, гуллар эфемер саналади.

— «Эфемер»ингиз нимаси?

— Жуғрофия китоблари — дунёдаги энг қимматбаҳо китоблардир,— деб тушунтирди чол.— Улар ҳеч қачон эскирмайди. Зеро, тоғнинг ўз ўрнидан қўзғалиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Еки океаннинг қуриб қолиши... Биз фақат мангу ва турғун нарсалар хусусидагина ёзамиз.

— Бироқ, сўнган вулқон қайтиб уйғониши мумкин-ку,— деб унинг гапини бўлди Кичкина шаҳзода.— «Эфемер» дегани нима ўзи?

— Вулқон уйғоқми, сўнганми, буни биз, географлар учун аҳамияти йўқ,— деди географ.— Муҳими шундаки, у тоғ. Тоғ эса ўзгармайди.

— «Эфемер» дегани нима?— деб тагин такрорлади Кичкина шаҳзода.

— Бу — ҳадемай йўқ бўладиган нарса, дегани.

— Менинг гулим ҳам ҳадемай йўқ бўладими?

— Албатта.

«Менинг феруза гулим, менинг ягона қувончим мангу эмас экан,— деб андуҳ билан шивирлади Кичкина шаҳзода.— У бало-қазолардан, офату тўфонлардан ўзини қандай асрайди? Бор-йўғи тўрттагина тикони бўлса. Мен уни ташлаб кетдим, ҳувиллаган сайёрамда ёлғиз ўзи қолган эди-я!»

Шундагина у тарк этилган гулига беҳад ачиниб кетди, дилини гусса чулғади. Аммо шу ондаёқ журъатини тўплаб:

— Энди мен қаёққа борсам экан, нима маслаҳат берасиз?— деб сўради.

— Ер деган бир сайёра бор, шунга бориб кўр,— деб жавоб берди географ.— Унинг нуфузи чакки эмас...

Кичкина шаҳзода йўлга тушди, аммо фикри ёди сайёрасида қолган ёлғизгина гулда эди.

Шундай қилиб, у қадамранжида қилган еттинчи сайёра Ер эди.

Ер — оддий сайёралардан эмас! Бунда бир юз йигирмата қирол (негр қироллари ҳам шунга киради, албатта), етти минг географ, тўққиз юз минг корчалон, етти ярим миллион пиёниста, уч юз ўн бир миллион шуҳратпараст, хуллас, жами икки миллиардга яқин катта одам мавжуд.

Ернинг нақадар катталиги ҳақида сизга бирмунча тасаввур бермоқ учун шунини айтиш билангина кифояланаман: электр кашф этилгунига қадар олти қитъада чароғбонларнинг тўрт юз олтмиш икки минг беш юз ўн бир кишидан иборат улкан лашкари тутиб туриларди.

Агар четдан разм солинса, бу қойилмақом бир томоша бўларди. Бу улкан лашкарнинг хатти-ҳаракатлари гўё балетдагидек аниқ бир қондага бўйсунарди. «Саҳна»га биринчи бўлиб Янги Зеландия ва Австралиядagi чароғбонлар чиқишарди. Улар чироқларини ёқиб, ухлагани кетишарди. Кейин хитой чароғбонларининг навбати келарди. Ўз «рақси»ни адо этиб, улар ҳам пар-



да ортига ғойиб бўлишарди. Улардан сўнг Россия ва Ҳиндистон чароғбонларига гал тегарди. Кейин эса — Африка ва Европа, ундан сўнг Жанубий Америка ва ниҳоят, Шимолий Америкадаги чароғбонларнинг навбати етарди. Шу тариқа ҳеч ким ҳеч қачон адашиб кетмас, ҳамма «саҳна»га ўз вақтида чиқарди. Ҳа, бу чиндан ҳам қойилмақом томоша эди!

Фақат, шимолий қутбдаги ягона фокусни ёқиши лозим бўлган чароғбон билан унинг жанубий қутбдаги ҳамкасбига ҳаммадан ҳам маза эди, иккаласи ҳам ортиқча ташвиш-тараддудсиз яшарди: улар ўз хунарини йилда икки мартагина кўрсатарди, холос.

## XVII

Баъзан ҳаддан ташқари суҳандонлик қилгинг келиб қолганда озми-кўпми муболага қиласан киши. Мана, мен ҳам чароғбонлар ҳақида сўзлайтуриб, ҳақиқатга бирмунча хилоф иш тутдим. Ишқилиб, сайёрамизни яхши билмайдиганларда у ҳақда нотўғри тушунча пайдо бўлмаса бас! Аслида одамлар Ер юзида унчалик кўп жойини эгалламайди. Агар унда истиқомат қиладиган икки миллиард одам тўпланиб, худди митингдагидек елкама-елка турса, улар ортиқча қийналиб-нетмай, узунасига кенглиги йигирма миль келадиган майдонга бемалол жойлашган бўлур эди. Бутун инсониятни Тинч океандаги тангадеккина оролчага ҳам сиғдириб юбориш мумкин.

Катталар, албатта, бу гапингизга ишонмайдилар. Улар ўзларини жуда кўп жойни эгаллайдиган чоғлайдилар, ўзларини худди баобаблардек баҳайбат ва улғувор ҳисоблайдилар. Сиз шунда уларга аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқишни таклиф этинг. Бу гап уларга маъқул бўлади, ахир улар рақам деса ўлиб қолишади-ку. Сиз эса бу бўлмағур арифметика билан бошингизни қотириб ётманг. Унинг сариқ чақалик ҳам фойдаси йўқ. Билман, сиз шундоқ ҳам менга ишонасиз.

Алқисса, Кичкина шаҳзода Ерга тушгач, атроф-жавонибда бирор тирик жонни кўрмай, беҳад ҳайрон бўлди. Ҳатто, адашиб бошқа сайёрага келиб қолдиммикан, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ шу пайт оёғи остида, қум узра кулча бўлиб ётган аллақандай кулранг нарса қўзғалиб қўйди.

— Салом,— деди Кичкина шаҳзода ҳар эҳтимолга қарши.

— Салом,— деб жавоб берди илон.

— Мен қандай сайёрага келиб қолдим?

— Ерга,— деди илон.— Африкада турибсан ҳозир.

— Шунақами? Нима, Ерда одам яшамайдими?

— Бу жой— саҳро. Саҳрода ҳеч ким яшамайди. Аммо Ер катта.

Кичкина шаҳзода тош устига ўтириб, осмонга тикилди.

— Қани энди, юлдузларнинг нега чарақлашини билсам,— деди у ўйчан оҳангда.— Чамаси, улар, эртами-кечми ҳар ким ўз юлдузини топиб олиши учун чарақлаб турса жерак. Кўряпсанми, ҳув ана менинг сайёрам— шундоққина тепамизда... Аммо у қанчалар узоқда, эҳ-ҳе!



— Чиройли сайёра экан,— деди илон.— Ерга нега келдинг, нима қиласан бу ерда?

— Мен феруза гулим билан уришиб қолдим,— дея иқрор бўлди Кичкина шаҳзода.

— Э, шундай дегин...

Иккови ҳам жимиб қолди.

— Одамлар қаёқда, одамлар?— деб тагин сўради ниҳоят Кичкина шаҳзода.— Саҳрода, ҳар қалай, ўзингни ёлғиз сезаркансан киши...

— Одамлар орасида ҳам ўзингни ёлғиз сезаверасан,— деб қўйди илон.

Кичкина шаҳзода унга синчиклаб тикилди.

— Ғалати жонивор экансан,— деди у.— Йўғонлигинг бармоқдек келмайди-ю...

— Аммо мен қиролнинг бармоғидан кўра кўпроқ қудратга эгаман,— деб эътироз билдирди илон.

Кичкина шаҳзода кулимсиради:

— Наҳотки сен шу қадар қудратли бўлсанг? Лоақал панжанг ҳам йўқ-ку. Сен ҳатто саёҳат қилишга ҳам ярамайсан...

— Мен сени бирорта кема элтолмайдиган олис манзилларга олиб кетишим мумкин,— деди илон, сўнг Кичкина шаҳзоданинг болдирига ҳалқа бўлиб чирмашди.— Кимгаки тегсам, уни аслига — тупроққа айлантира-



ман,— деди у.— Аммо сен юлдуздан тушиб келгансан, юлдуздек поксан...

Кичкина шаҳзода индамай тураверди.

— Сенга раҳмим келади,— дея давом этди илон.— Тош-метин бу заминда сен шу қадар заиф, ожизсанки... Едингда бўлсин, қачонки олида қолган сайёрангн эслаб юрагинг ғуссага тўлса, мен сенга ёрдам қилишим мумкин. Мен...

— Гапингни жуда яхши тушундим,— деди Кичкина шаҳзода.— Аммо нега доим жумбоқ билан сўзлайсан?

— Мен ҳамма жумбоқларни ҳал этаман,— деди илон.

Иккаласи тағин жинмиб қолди.

## XVIII

Кичкина шаҳзода саҳрони кесиб ўтди-ю, ҳеч кимни учратмади. Йўлда фақат нимжонгина, рангпар бир гулга дуч келди.

— Салом,— деди Кичкина шаҳзода.

— Салом,— деб жавоб қайтарди гул.

— Одамлар қаёқда?— деб мулойим оҳангда сўради Кичкина шаҳзода.

Кунларнинг бирида ёнгинасидан ўтиб кетаётган карвонга гулнинг кўзи тушиб қолган эди.

— Одамлар дейсанми? Ҳа-а... Улар, чамаси, бешта-ми-олтита эди. Мен уларни кўп йил бурун кўрган эдим. Аммо уларни қаердан излаш кераклигини билмайман. Шамолдек учиб юришади, илдизи йўқ уларнинг, шунинг учун ҳам топиш қийин.

— Хайр, яхши қол,— деди Кичкина шаҳзода.

— Хайр,— деди гул.

## XIX

Кичкина шаҳзода баланд тоққа чиқиб борарди. Шу пайтгача у ўзининг тиззасидан келадиган учта вулқонидан бошқа бирорта тоғни кўрмаган эди. Сўнган вулқон унга курси бўлиб хизмат қиларди. Шу сабабли, у ҳозир бу юксак тоғдан туриб сайёрани бошдан-оёқ кўздан кечирса бўлар, ундаги жамики одамларни ҳам кўрсам керак, деган фикрга келди. Бироқ тоғ тепасига чиқиб боргач, игнадек ўткир ва ингичка чўққиларгагина кўзи тушди, холос.

— Салом,— деди у ҳар эҳтимолга қарши.

— Салом... салом... лом...— дея акс садо янгради.


— Сиз кимсиз?— деб сўради Қичкина шаҳзода.

— Сиз кимсиз... кимсиз... кимсиз...— дея акс садо янгради яна.

— Келинлар, дўст бўлайлик, мен яккаю ёлғизман,— деди у.

— Яккаю ёлғиз... ёлғиз...— дея акс садо янгради.

«Шунчалик ҳам ғалати сайёра бўладими!— деб ўйлади Қичкина шаҳзода.— Яп-яланғоч, тап-тақир, ҳамма томони игна. Одамларида қувваи ҳофиза ҳам етишмас экан. Айтган гапингни такрорлашдан бошқа нарсани билмайди... Уйимда феруза гулим бор эди, у менниг кўрар кўзим, қувончим эди, у ҳаминша биринчи бўлиб сўйларди».



Кичкина шаҳзода қум барханлари аро, қоя ва музликлар аро узоқ кезиб юрди ва ниҳоят, йўлга тушиб олди. Ҳар қандай йўл эса одамзот ҳузурига элтади.

— Салом,— деди у.

Унинг қаршисида гул-чечакларга тўла бир чаманзор ястаниб ётарди.

— Салом,— деб жавоб қайтаришди гуллар.

Шунда Кичкина шаҳзода бу гулларнинг барчаси унинг феруза гулига ўхшаш эканини пайқади.


— Тўхтанг, сизлар кимсиз?— деб сўради у лол бўлиб.

— Бизлар — гулмиз,— деб жавоб беришди гуллар.

— Шунақами...— деди Кичкина шаҳзода бўшашиб.

Сўнг дафъатан ўзини бениҳоя бахтсиз сизди. Феруза гул унга, бутун оламда мен каби зебо санам йўқ, деб айтган эди. Мана, ҳозир пойидаги бу чаманзорда эрка гули янглиғ гулларнинг беш мингтаси ял-ял товланиб турибди!

«Агар бунни кўрса, у қанчалар хафа бўларди-я!— деб ўйлади Кичкина шаҳзода.— Чамаси, кулгили кўринмаслик учун у зўр бериб йўтала бошлаган, ўзини ҳатто жон таслим қилаётгандек кўрсатган бўлур эди. Мен эса унинг ортидан худди беморнинг ортидан юргандек эргашиб, таскин-тасалли беришга мажбур бўлардим, акс



ҳолда, мени ташвишу уятга қўйиш учун ҳам у жон таслим қиларди...»

Кейин хаёлига яна шундай фикр келди: «Мен, ўзимча дунёда танҳо гулга эгаман, деб юрардим, ҳеч қайда унинг тенгию ўхшаши йўқ, деб ўйлардим, ваҳоланки, у оддийгина бир гул экан. Менинг бор буд-шудим ўша оддийгина гулу бўйи тиззамдан келадиган учта вулқондан иборат эди, унинг ҳам биттаси сўнган, ким билсин, балки абадий уйғонмас... энди менинг подшолигим қолди-ми...»

У майса узра юзгубан тушганча, йиғлаб юборди.

## XXI

Худди шу пайт рўпарасида Тулки пайдо бўлди.

— Салом,— деди у.

— Салом,— дея алик олди Қичкина шаҳзода хушфеъллик билан, бироқ теварак-атрофига аланглаб, ҳеч кимни кўрмади.

— Мен бу ердан,— деган овоз эшитилди яна.— Дарахтнинг тагидаман...

— Сен кимсан?— деб сўради Қичкина шаҳзода.— Бунчаям чиройлисан!

— Мен — Тулкиман,— деди Тулки.

— Мен билан ўйнагин,— деб ўтинди Қичкина шаҳзода.— Билсанг, ҳозир шу қадар хафаманки...

— Сен билан ўйнаёлмайман,— деди Тулки.— Мен қўлга ўргатилмаганман.

— Э, кечирасан, бўлмаса,— деди Қичкина шаҳзода,



аммо бир оз ўйланиб:— «Қўлга ўргатилмаган» дегани нима?— деб сўради.

— Бу ерлик эмас экансан-да,— деди Тулки.— Нима излаб юрибсан бу жойларда?

— Одамларни излаяпман,— деди Кичкина шаҳзода.— «Қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Одамларни излаяпман, дегин? Уларнинг ёнида қуроли бўлади, шуни тақиб овга чиқишади. Жуда чатоқ-да, шуниси. Улар товуқ ҳам боқишади. Ягона маъқул иши шу уларнинг. Сен товуқ изламаяпсанми?

— Йўқ,— деди Кичкина шаҳзода.— Мен дўст излаб юрибман. Хўш, «қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Бу аллақачонлар унут бўлиб кетган тушунча,— деб тушунтирди Тулки.— Бу дегани — ришталар боғламоқ демакдир.

— Ришта боғламоқ?

— Худди шундай,— деди Тулки.— Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўхшаган юз минг боланинг бирисан, холос. Ҳозирча сен менга керак эмассан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо бордию сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб қоламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона одамга айланасан. Мен ҳам сен учун дунёда ягонага айланаман...

— Тушунгандек бўляпман,— деди Кичкина шаҳзода.— Бир гул бор эди... чамаси, у мени қўлга ўргатган экан...



— Бўлиши мумкин,— деб тасдиқлади Тулки.— Ер юзида нималар бўлмайди, дейсан.

— Бу воқеа Ерда бўлмаган,— деди Кичкина шахзода.

Тулки ҳайрон қолди:

— Қаерда бўлган? Бошқа сайёрадами?

— Ҳа.

— Уша сайёрада ҳам овчилар борми?

— Йўқ.

— Э, сиз экан-ку! Товуқ борми?

— Йўқ.


— Бир кам дунё дегани шу экан-да!— деб хўрсинди Тулки. Аммо зум ўтмай, тагин сўз бошлади:— Ҳаётим жудаям зерикарли. Мен товуқни пойлайман, одамлар эса мени пойлайди. Товуқниям ҳаммаси бир хил, одамниям. Шунинг учун ҳаётим мудом зерикаш билан ўтади. Агар сен мени қўлга ўргатсанг, қоронғи турмушимга нур кирарди. Шунда сенинг оёқ товушларингни мен минглаб одам ичидан ажрата оладиган бўламан. Ҳозир одам шарпасини сезсам бас, дарҳол бекиниш пайига тушаман. Аммо мени қўлга ўргатсанг, борми, қадам олишинг худди оҳанрабо мусиқа янглиғ мени ўзига чорлайдию яшириниб ётган жойимдан истиқболингга югуриб чиқаман. Ундан кейин, ҳув анави буғдойзорни кўряпсанми? Қара, буғдой фарқ ишиб ётибди. Мен дон-дун емайман, галла билан ишим йўқ. Буғдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалар қайғули эканини билсанг эди! Сенинг сочларинг ажойиб, тилларанг товланади. Агар мени қўлга ўргатсанг, шундай сиз бўладики! Олтин тусли буғдойзор энди менга сени эслата бошлайди. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қолам...

Тулки жимиб қолди, Кичкина шахзодага узоқ термилди, ниҳоят:

— Илтимос... мени қўлга ўргатгин,— деди.

— Жоним билан ўргатардим-у,— деди Кичкина шахзода,— лекин вақтим зикроқ-да. Мен ҳали дўстлар орттиришим, жуда кўп нарсаларни билиб олишим керак.

— Фақат қўлга ўргатилган нарсаларнигина билиб олиш мумкин,— деди Тулки.— Ҳозир одамларнинг бирор нарсани билишга вақти қолмаган. Ҳамма нарсани тайёрлигича магазиндан олишади. Лекин дўст сотадиган магазин йўқ-да, шунинг учун ҳам одамлар энди дўст



орттирмайди. Агар дўст орттирмоқчи бўлсанг, мени қўлга ўргатақол!

— Хўп, бунинг учун нима қилиш керак?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Сабр-тоқатни бир жойга йиғиш керак,— деб жавоб берди Тулки.— Дастлаб сал узоқроқда, ҳув анави ердаги майсанинг устига келиб ўтирасан. Мен сенга аввал бир оз ҳадиксираб қарайман, сен бунга индамайсан, майлими? Чунки сўз бир-биримизни англашимизга халақит беради, холос. Кейин эса кун сайин аста-секин яқинроқ келиб ўтираверасан...

Эртасига Кичкина шаҳзода яна шу жойга келди.

— Яхшиси, ҳар куни бир пайтда кела қолгин,— деб илтмос қилди Тулки.— Масалан, агар соат тўртда келадиган бўлсанг, мен соат учдан ўзимни бахтиёр ҳис қила бошлайман. Муддат яқинлашган сари бу қувонч орта боради. Соат тўртда эса юрагим ҳаяжонга тўлиб шодумонлик билан тепа бошлайди. Ана шундагина мен бахт-саодатнинг қадрини сезаман! Бордию сен ҳар куни ҳар хил вақтда келадиган бўлсанг, мени бу бахтиёр-



лик туйғусидан маҳрум қиласан... Расм-русмни тўғри бажо келтириш керак.

— Расм-русм нима?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Буям аллақачон унутилган нарса,— дея тушунирди. Тулки.— У шундай бир нарсаки, у туфайли қайсидир бир кун бошқа кунларга мутлақо ўхшамайди, у туфайли қайсидир давр бошқа даврларга мутлақо ўхшамайди. Масалан, менинг пайимда юрадиган овчиларда шундай расм-русм бор: улар пайшанба кунлари қишлоқи ойимқизлар билан кўнгилхушлик қилишади. Шунинг учун ҳам пайшанба дегани жуда ажойиб кунда! Шу кунлари мен аста сайр қилгани чиқаман, ҳатто узумзорнинг чеккасигача бемалол бораман. Агар овчилар маълум кунларда эмас, хоҳлаган пайтларида кўнгилхушлик қилаверсалар, ҳамма кунлар бир хил бўлиб қоларди, унда мен ҳордиқ нималигини билмай ўтиб кетардим.

Шу тариқа Кичкина шаҳзода Тулкини қўлга ўргатди. Мана, ниҳоят айрилик чоғи ҳам етди.

— Энди сени эслаб йиғлаб юраман,— дея хўрсинди Тулки.

— Айб ўзингда,— деди Кичкина шаҳзода.— Сени ранжитишни сира-сира истамасдим, ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, мени қўлга ўргат, деб...

— Ҳа, албатта,— деди Тулки.

— Лекин йиғлайман, деяпсан-ку!

— Албатта йиғлайман-да.

— Демак, сени қўлга ўргатиб нотўғри қилибман-да.

— Йўқ,— деб бош чайқади Тулки,— бундан хафа эмасман. Эсингдами, олтин бошоқ ҳақида сенга айтган гапларим?— У жимиб қолди, орадан сал ўтгач, тағна

қўшиб қўйди:— Уша гулзорга яна бир марта бориб қарагин, феруза гулингнинг оламда чиндан ҳам ягона эканига ишонч ҳосил қиласан. Қайтиб келганингдан сўнг, хайрлашар чоғи сени яна бир сирдан огоҳ этаман. Майли, бу сенга мендан ҳадя бўлсин.

Кичкина шаҳзода чаманзорга қараб кетди.

— Сизлар менинг феруза гулимга сираям ўхшамай-сизлар,— деди уларга.— Сизлар ҳали ҳеч нима эмас-сизлар, чунки сизларни бирор кимса қўлга ўргатган эмас, сизлар ҳам бирор кимсани қўлга ўргатган эмас-сизлар. Менинг Тулким ҳам аввал шундай эди, юз минглаб бошқа тулкилардан асло фарқи йўқ эди. Аммо мен у билан дўст тутиндим, энди у мен учун ёруғ оламдаги ягона тулкига айланди.

Гуллар хижолатдан қип-қизариб кетишди.

— Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўм-бўш,— дея давом этди Кичкина шаҳзода.— Сизларни деб одамнинг қурбон бўлгиси келмайди. Албатта, феруза гулимга тасодифан кўзи тушиб қолган ўткинчи уни сўзсиз сизларга ўхшайди, деб айтиши мумкин. Аммо унинг ёлғиз ўзи менга сизларнинг барчаиғиздан кўра қадрлироқ. Чунки мен ҳар куни сизларни эмас, уни суғорганман-да. Парда тортиб, шиша қалпоқ тутиб сизларни эмас, уни изғирину совуқлардан асраб-авайлаганман. Уни деб, капалаклар тезроқ очилиб чиқиб у билан ўйнасин, деб ғумбаклар олиб келганман. Мен унинг арзу додини ҳам, нозу фироғини ҳам эшитганман, ҳатто сукутга чўмган чоғларида ҳам кўнглини сезиб турганман. У — меники, у менинг ёлғизим, ягонам...

Шундан сўнг Кичкина шаҳзода Тулкининг ёнига қайтиб келди:

— Хайр, яхши қол...— деди у.

— Хайр, яхши бор,— деди Тулки.— Мана сенга айтмоқчи бўлган сирли гапим: фақат кўнгил кўзигина очиқ, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан.

— Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан,— деб такрорлади Кичкина шаҳзода, бу ҳикматни эслаб қолиш учун.

— Гулинг сенга шунинг учун ҳам қадрлики, унга кўнглингни бергансан.

— Чушки унга кўнглимни берганман...— деб такрорлади Кичкина шаҳзода яхшироқ эслаб қолиш учун.

— Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар,— деди Тулки,— аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники қўлга

ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳамиша жавобгарсан. Унутма, феруза гулинг учун ҳам жавобгарсан.

— Феруза гулим учун жавобгарман...— деб такрорлади кичкина шаҳзода яхшироқ эслаб қолиш учун...

## XXII

— Салом,— деди Кичкина шаҳзода.

— Салом,— деб жавоб қилди бекат назоратчиси.

— Нима қилиб турибсан бу ерда?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Йўловчиларни саралаяпман,— деди назоратчи.— Мингта-мингта қилиб поездга ўтқазаман-да, бирини ўннга, иккинчисини сўлга жўнатаман.

Шу пайт ёп-ёруғ деразаларининг ойналарини ярқиратганча тезюрар поезд гумбурлаб ўтиб қолди. Бекат назоратчисининг дўкончаси ҳам зириллаб кетди.

— Намунча шошади бу?— деб ҳайрон бўлди Кичкина шаҳзода.— Шунчалик ошиқиб нимани излайди?

— Буни ҳатто машинистнинг ўзиям билмайди,— деди назоратчи.

Иккинчи томонга ҳам қараб тезюрар бир поезд пишқирганча шовқин солиб ўтиб кетди.

— Бу боя ўтиб кетганга етиб олмоқчимиз?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Э, қаёқда,— деди назоратчи.— Вагоннинг ичида ҳозир ҳамма ё ухлаб ётибди, ё дераза олдида қўл қовуштирганча эснаб ўтирибди. Фақат болаларгина бурниларини ойнага тираб ташқарига тикилиб кетаётган бўлса керак.

— Фақат болаларгина нима излаб юрганини билди,— деди Кичкина шаҳзода ўзича.— Улар латта қўғирчоққа ҳам юрак-бағрини бериб меҳр қўяди, шу сабабли у уларга бениҳоя қадрли бўлиб қолади. Шу сабабли ҳам боладан қўғирчоғи тортиб олинса, ўксиб-ўксиб йиғлайди...

— Уларнинг бахти-да,— деди назоратчи.

## XXIII

— Салом,— деди Кичкина шаҳзода.

— Салом,— деди савдогар.

У ташналикни босувчи, такомиллаштирилган қандайдир бир ичимлик сотиб ўтирарди. Шу ичимликдан

беш-олти қултум ичилса бас, кейин бир ҳафта чанқов намалигини билмай юравериш мумкин.

— Буни сотишдан маъни нима?— деб сўради Қичкина шаҳзода.

— Бу нарса вақтни жуда қаттиқ тежашга ёрдам беради,— деди савдогар.— Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда, шу ичимлик туфайли ҳафтасига эллик уч дақиқа тежаш мумкин экан.

— Хўш, ўша эллик уч дақиқада нима қилинади кейин?

— Хоҳлаган ишингни қилаверасан.

«Агар менинг эллик уч дақиқа ортиқча вақтим бўлса эди,— деб кўнглидан ўтказди Қичкина шаҳзода,— тўппа-тўғри булоқ бошига борардим-у...»

#### XXIV

Фалокатга учраганимга роса бир ҳафта бўлган эди, ғаройиб ичимлик сотадиган савдогар ҳақида эшитгач, сўнги қултум сувимни ичиб тугатдим.

— Ҳа-а,— дедим Қичкина шаҳзодага қараб,— бу айтган гапларинг ҳаммаси қизиқ, аммо мен ҳали самолётимни тузатолганим йўқ, мана, кўрдинг, охирги томчи сувни ҳам қуритдим, агар тўппа-тўғри булоқ бошига бориб қолсам, мен ҳам ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим.

— Мен дўст бўлган Тулки айтардики...

— Азизим, ҳозир тулки-пулкинг қулоғимга кирмайди!

— Нега?

— Чунки ташналикдан ўлиб кетишимга кўзим етиб турибди...

У гап нимадалигини бари бир тушунмади-да, яна эътироз билдирди:

— Дўстинг бўлса яхши-да, қўрқмай ўлимга ҳам боераверсанг бўлади. Мана мен Тулки билан дўст бўлганимдан шундай хурсандманки...

«Қандай даҳшатли бало хавф солиб турганини у сезмайдиам, билмайдиам. Умрида ҳеч қачон на очликни, на ташналикни кўрган. Унга қуёш нурининг ўзи кифоя...»

Мен буни товуш чиқариб айтмадим, ўзимча ўйладим, холос. Бироқ, Қичкина шаҳзода менга қаради-да, тўсатдан:

— Мен ҳам чанқадим... юр, қудуқ қидириб кўрамиз,— деди.

Мен ҳорғин қўл силтадим: бу поёнсиз саҳрода тус-моллаб қудуқ излашдан нима маъно бор? Аммо бари бир йўлга тушдик.

Узоқ вақт бир-биримизга чурқ этмай бордик; ниҳоят, қоронғи тушиб, осмонда бирин-кетин юлдузлар чарақлай бошлади. Ташналикнинг зўридан мени бир оз безгак ҳам тутмоқда эди, шу бонс юлдузларни тушдагидек элас-элас кўрардим. Кичкина шаҳзоданинг гапи ёдимга тушиб, сўрадим:

— Демак, ташналик нималигини сен ҳам билар экансан-да?

Бироқ у индамади, фақат шунчаки сўзлагандек:

— Сув баъзан юракка ҳам керак бўлади...— деб қўйди.

Унинг нима демоқчилигини тушунмадим-у, сўраб ўтирмадим — уни сўроқ қилишнинг беҳуда эканини яхши билардим.

У ниҳоят ҳолдан тойиб, қумга мук чўкди. Мен ҳам ёнига оҳиста чўзилдим. Алламаҳалгача ҳеч биримиз чурқ этмадик. Бир пайт у секингина:


— Юлдузлар жудаям чиройли, чунки қаеридадир гули бор, фақат кўринмайди, холос,— деб қолди.

— Ҳа, албатта,— дедим мен, ой ёғдусида товланиб ётган қум тўлқинларига тикилганча.

— Саҳро ҳам чиройли...— деб қўшиб қўйди Кичкина шаҳзода.

Бу гап чиндан ҳам тўғри эди. Саҳро менга ҳамиша ёқади. Қум барханига чиқиб ўтирасан, ҳеч нарса кўринмайди, ҳеч нарса эшитилмайди, аммо бари бир саҳро қўйнида нимадир билинар-билиномас ялтирайди...

— Биласанми, саҳро нима учун яхши?— деди у.—



Чунки унинг бағрида, кўз илғамас аллақаерларда булоқлар яширинган бўлади...

Ҳайратдан қотиб қолдим. Бирданига қумлардан таралиб ётадиган сирли ёғдунинг нима эканини англадим. Бир пайтлар, ёш бола чоғимда кўҳна бир уйда яшардим. Нақл қилишларинча, бу уйга катта бир хазина кўмилган экан. Равшанки, уни бирор кимса ҳеч қачон топиб ололмади, ким билсин, балки, бирор кимса ҳеч қачон қидириб ҳам кўрмагандир. Аммо ўша миш-миш туйфайли уй гўё тилсим қилингандек сеҳрли кўринарди — унинг бағрида сир пинҳон эди...

— Ҳа-а,— дедим оҳиста.— Юлдузми, уйми, саҳроми, ниманки бўлмасин, ундаги энг гўзал нарса — кўзга кўринмайдиган нарсадир.

— Дўстим Тулки билан ҳамфикр экансан, жудаям хурсанд бўлдим,— деди Кичкина шаҳзода қувониб.

Салдан кейин у ухлаб қолди. Мен уни қўлимда кўтарганча йўлда лавом этдим. Ўз-ўзимдан ҳаяжонланиб кетган эдим. Назаримда, қўлимда нафис бир хазинани кўтариб бораётгандек эдим. Назаримда, Ер юзида бундан кўра нозик ва нафисроқ ҳеч нарса йўқдек туюларди. Ой ёғдусида унинг бўздек оқарган манглайига, юмуқ мишжаларига, шамолда тўзғиб ётган тилларанг кокилларига термилиб борарканман, ўзимга-ўзим, буларнинг барчаси — шунчаки қобиқ, дер эдим. Энг асосий нарсани кўз илғамайди, у сийратда, ботинда пинҳон...

Унинг хиёл очиқ лабларида табассум ўйнарди, уларга тикилиб туриб ўзимча яна шундай деб ўйладим: мана, Кичкина шаҳзода, беозоргина ухлаб ётибди, феруза гулига шунчалар садоқатлики, одамнинг беихтиёр кўнгли эриб кетади, гулининг ёди-хаёли, шам шуъласининг шарпасидек, уни бирон зум, ҳатто уйқусида ҳам тарк этмайди... Ва шунда мен унинг аслидагидан ҳам кўра нозикроқ эканини англадим. Ахир, шам шуъласини эҳтиёт қилиш керак — қутурган шамол уни ўчириб қўйиши мумкин...


Алқисса, шу тариқа йўл юрдиму мўл юрдим ва тонг чоғи бир қудуқ бошига етиб бордим.

## XXV

— Одамлар жон-жаҳди билан тезюрар поездларга ошиқиб нима излаётганини ўзлари ҳам билмайди,— деди Кичкина шаҳзода.— Шунинг учун ҳам ором нели-

гини билмай гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга зир югурадилар...— Хиёл ўтгач, шундай деб қўшиб қўйди:— Лекин бари беҳуда...

Биз топган бу қудуқ Саҳрои Кабирдаги бошқа қудуқларга ўхшамасди. Одатда, бу ердаги қудуқ қумни нари-бери ўйиб ясалган чуқурчадан иборат бўлади. Бу эса қишлоқларда учрайдиган ҳақиқий қудуқ эди. Аммо атроф-жавонибда қишлоқнинг асари ҳам йўқлиги учун мен буни тушга йўйиб қўяқолдим.



— Ғалати-я,— дедим Қичкина шаҳзодага,— ҳаммаси тайёр — чамбарак ҳам, челак ҳам, арқон ҳам...

У кулимсираб қўйди-да, арқонни тортиб, чамбаракни буради. Чамбарак худди шалоғи чиққан чархпалакдек ғичирлаб айлана бошлади.

— Эшитяпсанми?— деб сўради Қичкина шаҳзода.— Қудуқни уйғотиб юбордик, ана, энди хиргойи қилишга тушди...

Мен, у чарчаб қолади, деб хавотирда эдим.

— Сувни ўзим тортаман,— дедим шоша-пиша,— сенинг кучинг етмайди.

Сув тўла челакни секин тортиб чиқардим-да, қудуқнинг тош қирғоғига авайлаб қўйдим. Қулоғимда ҳамон чамбаракнинг ғичирлаб айланиши акс садо берар, челакдаги сув оҳиста чайқалар, мавжларида қуёш шуьласи ўйнар эди.

— Шу сувдан ичгим келяпти,— дея менга жавдираб боқди Қичкина шаҳзода.— Бир қултум бер...

Шунда мен унинг нима излаб юрганини туйқусдан англадим!

Челакни кўтариб, аста лабига тутдим. У кўзларини юмиб олган, ҳузур қилиб оби ҳаёт симирар эди. Бу чинакам бир шодиёна эди. Чунки бу оддий сув эмасди. У саҳрода, юлдузлар остидаги узоқ саргардонликдан сўнг, чамбаракнинг ғичирлаб айланишидан сўнг, қўлларимнинг ҳаракатидан сўнг бизга муяссар бўлган ноёб, илоҳий бир неъмат эди. Гўё юракка тенгсиз малҳам эди у...

— Сенинг сайёрангда,— деди Қичкина шаҳзода,— одамлар бир чаманзорда беш мингта гул ўстирар экану, излаганини тополмас экан...

— Тополмайди,— деб маъқулладим мен.

— Ҳолбуки, улар излаган нарсани бир дона гулдан, бир қултум сувдан ҳам топиш мумкин.

— Тўғри айтасан,— деб тасдиқладим яна.

Қичкина шаҳзода тағин ўйга чўмди:

— Афсуски, кўзлар басир. Кўнгил кўзи билан излаш лозим.

Сувдан мириқиб ичдим. Нафас олишим енгиллашди. Сахар чоғи қум худди асалдек тилларанг товланади, унга тикилган сари ўзимни бахтиёр сезардим. Чиндан ҳам, нега, недан қайғу чекай?..

— Сен ваъдангнинг устидан чиқишинг керак,— деди Қичкина шаҳзода мулойимлик билан, тағин ёнимга келиб ўтираркан.

— Қанақа ваъда?

— Эсингдами, қўзичоғингга нўхта... бераман, деган эдинг?.. Ахир, мен ўша гулга жавобгарман-ку...

Чўнтагимдан чизган расмларимни олдим. Кичкина шаҳзода уларни кўздан кечираркан, кулимсиради:

— Баобабларинг худди карамга ўхшайди-я..

Мен бўлсам, баобабни боплаб чизганман, деб гердайиб юрибман-а!

— Тулкингнинг қулоғи бўлса... шохнинг ўзи! Узулигини қара-ю!— У яна кулиб юборди.

— Бу гапинг инсофдан эмас, оғайни. Ахир, мен умримда бўлма илоннинг ичкию ташқи кўринишидан бошқа нарса чизган эмасман-да.

-- Майли, ҳечқиси йўқ,— деди у мени юпатиб.— Болалар шундоқ ҳам тушуниб олишади.

Кейин мен унинг қўзичоғига нўхта чизиб бердим. Сувратни Кичкина шаҳзодага бердим у негадир юрагим зирқираб кетди:

— Ниманидир ўйлаб қўйгансан-у, менга айтмаяпсан...

Бироқ у индамади.

— Биласанми,— деди ниҳоят,— эртага сизларнинг ҳузурингизга — Ерга келгаимга бир йил тўлади...— У тағин жимиб қолди, бир зум ўтгач:— Мен мана шу атрофга тушган эдим...— деди. Шундай дедию дув қизариб кетди.

Негалигини худо биладию дилимни яна қўрғошиндек гашлик қоплади. Лекин бари бир юрак ютиб сўрадим:

— Бундан чиқдики, бир ҳафта аввал, иккаламиз танишган тонгда, одамзот маконидан минг-минг чақирим узоқ бу овлоқ ерларда сен ёлғиз ўзинг бежиз кезиб юрмаган экансан-да? Осмондан тушган жойингга қайтиб келаётганмидинг?

Кичкина шаҳзода баттароқ қизариб кетди.

Мен энди ҳадиксираб сўрадим:

— Балки, бир йил тўлгани учун шундай қилмоқчимисан?

У яна лоладек қизарди. У бирорта саволимга жавоб бермади, аммо қип-қизариб кетгани — «ҳа» дегани эмасми?

— Қўрқиб кетяпман...— дея сўз бошладим хўрсниб. Аммо у гаимни кесди:

— Ишга жиришадиган вақтинг бўлди. Турақол, ма-

шинангнинг ёнига бор. Мен сени шу ерда кутаман. Эртага кечқурун қайтиб келгин...

Аммо бари бир кўнглим тинчимасди. Беихтиёр Тулкини эсладим. Қўлга ўрганиб қолганингдан кейин баъзан кўзёш тўкишга ҳам тўғри келади.

## XXVI

Қудуқдан сал нарида кўҳна тош қўрғоннинг вайроналари сақланиб қолган эди. Эртаси оқшом ишни тугатиб қайтарканман, узоқдан Кичкина шаҳзоданинг чолдевор устида оёғини осилтириб ўтирганини кўрдим. Яқинлашгач, овозини ҳам эшитдим.

— Эсингдан чиқдимми?— дерди у.— Бу гап худди шу ерда бўлмаган эди-ю, лекин...

Чамаси, кимдир унга жавоб қайтармоқда эди, чунки шундай деб эътироз билдирди:

— Тўғри, бу гап бундан роппа-роса бир йил аввал бўлган эди, лекин бошқа жойда...

Қадамимни тезлатдим. Аммо деворнинг тагида зор ҳам кўринмасди. Бироқ Кичкина шаҳзода ҳамон ким биландир гаплашиб ўтирарди:

— Албатта-да. Менинг изимни қумдан осонгина топасан. Кейин кутиб тургин, бугун кечаси мен ўша ерга келаман.

Деворнинг олдиғача йигирма қадамлар чамаси қолди, лекин мен ҳануз ҳеч нарсани кўрмадим.

Бир оз жимликдан сўнг Кичкина шаҳзода:


— Заҳаринг ўткирми ўзи? Ишқилиб, мени кўп қийнамайсанми?— деб сўради.

Турган жойимда қотиб қолдим, юрагим орқамга тортиб кетди, бироқ ҳамон бирор нимани тушунмас эдим.

— Кетақол энди,— деди Кичкина шаҳзода.— Мен пастга сакрамоқчиман.

Шунда оёқ остига қарадим у икки газ нарига сапчиб тушдим! Деворнинг шундоққина тагида, одамни чақса, ярим минутда тил тортмай ўлдирадиган бир илон бўйинини гажак қилганча Кичкина шаҳзодага тикилиб турарди. Чўнтагимдаги тўппончани пайпаслаганча унга қараб югурдим, аммо илон шарпамни сезиб, қуриб бо-раётган жилғадек, қум узра аста сирғалганча, билинар-билинемас оҳанрабо сас чиқариб тошлар аро ғойиб бўлди.

Роса вақтида етиб келган эканман, боёқиш Кичкина



шаҳзодамни даст кўтариб олдим. Ранги қордек оқариб кетган эди.

— Нима қилганинг бу, болакай!— дедим нафасим тикилиб.— Нега илон билан суҳбат қуриб ўтирибсан?

Шундай деб, унинг доимий йўлдоши — тилларанг шарфини бўйнига тақиб қўйдим, юз-кўзини ювиб, мажбуран сув ичирдим. Аммо бошқа бирор нарсани сўрашга юрагим дов бермади. У менга синчиклаб тикилди-да, бўйнимдан маҳкам қучди. Юрагининг ярадор қушдек бетоқат типирчилаётганини яққол эшитиб турардим.

— Ниҳоят машинангни тузатиб олибсан, жудаям хурсанд бўлдим,— деди у.— Энди бемалол уйингга қайтишинг мумкин...

— Шошма, сен буни қаёқдан билдинг?!

Чунки, барча балоларни доғда қолдириб, самолётимни тузатишга муваффақ бўлганимни айтмоқ учун эндигина оғиз жуфтлаган эдим-да!

У, саволимни одатдагидек жавобсиз қолдириб, шундай деди:

— Мен ҳам бугун уйимга қайтаман.

Кейин ғамгин оҳангда қўшиб қўйди:

— Лекин менинг сафарим сеникидан узоқроқ... сеникидан қийинроқ...

Буларнинг барчаси алланечук ғалати эди. Мен уни худди гўдак боладек маҳкам бағримга босиб турардим-у, лекин, назаримда, у гўё оғушимдан сирғалиб чиққанча бўшлиққа сингиб кетаётгандек туюларди, уни тутиб қолишга ўзимни ортиқ қодир эмасдек ҳис қилардим...

У олис-олисларга ҳорғни, ўйчан термиларкан:

— Менда сенинг қўзичоғинг қолади. Қутичаям. Нўхта ҳам...— деди, дедию ғамгин кулимсираб қўйди.

Мен узоқ кутдим. У гўё аста-секин ўзига келаётгандек эди.

— Бирор иарсадан қўрққанга ўхшайсан, болакай...

Қўрқмай ҳам бўладими! Аммо у оҳистагина кулимсиради:

— Бугун кечқурун бундан баттар қўрқсам керак...

Муқаррар фалокат туйғуси тагин вужуд-вужудимни музлатиб, карахт қилиб ташлади. Наҳот, наҳотки, унинг жарангдор кулгисини қайта эшитмасам? Ахир, бу кулги мен учун саҳродаги покиза булоқ билан баробар-ку!

— Болакай, кулгингни соғиндим, бир кулгин...

Аммо у бунга жавобан:

— Бугун бир йил тўлади,— деди.— Юлдузим бир йил аввал мен қулаб тушган жойга роса рўбарў келади...

— Менга қара, болакай, ахир, буларнинг барчаси — илон ҳам, юлдуз билан учрашув ҳам аҳмоқона бир туш-ку, тўғрими?

Бироқ у гапимга индамади.


— Энг асосий нарса — кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса...— деди у.

— Ҳа, албатта.

— Бу ҳам худди гулга ўхшайди. Агар олис юлдузлардан бирида ўсадиган гулни яхши кўрсанг, кечаси осмонга боқиб ҳузур қиласан. Кўз ўнгингда юлдузларнинг жами гулдек очилиб ётади...

— Албатта...

— Кечаси юлдузларга термиласан. Менинг юлдузим бениҳоя кичкина, уни сенга кўрсатолмайман. Шундай бўлгани тузук. У сен учун осмон тўла юлдузнинг бири бўлиб қолгани маъқул. Шунда сен осмонга боқишни яхши кўриб қоласан... Ҳамики юлдуз сенга ошно бўлиб



қолади. Кейин, мен сенга нимадир совға ҳам қилмоқ-чиман...— У шундай деб кулиб юборди.

— Эҳ, болакай, болакай, кулгиларингни қанчалар яхши кўришимни билсанг эди!

— Сенга бермоқчи бўлган совғам ҳам мана шу-да...

— Йўғ-э?

— Ҳар кимнинг ўз юлдузи бор. Баъзиларга, айтайлик, сарбону сайёҳларга — улар йўл кўрсатувчи, баъзиларга эса шунчаки митти шуъла, холос, олимларга — ечиш лозим бўлган масала, мен кўрган корчалонга эса — олтин бўлиб кўринади улар. Аммо бу одамларнинг барчаси учун юлдузлар безабон. Сенинг юлдузларинг эса бутунлай ўзгача бўлади...

— Ўзгача дейсанми?

— Кечалари осмонга боқасану мен яшайдиган, менинг кулгим янграётган юлдузларнинг барчаси жилмайиб кулаётгандек туюлади. Ҳа, сенинг кула биладиган юлдузларинг бўлади!

У шундай деди-ю, кулиб юборди.

— Юпанганингдан кейин эса (охир-оқибат доим юпанасан бари бир) қачондир мен билан ошно бўлганингни эслаб, юрагинг қувончга тўлади. Сен ҳамини менинг дўстим бўлиб қолсан, ҳамини менга қўшилиб кулишни истаб юрасан. Баъзан деразангни мана шундай ланг очиб юборасан-у, шодумон бўлиб кетасан... Шунда дўстларинг, нега у осмонга боқиб бунчалар хурсанд бўлаётган экан, деб қаттиқ ҳайрон бўладилар. Сен бўлса



уларга: «Ҳа, қа, мен доимо юлдузларга боқиб хушхандон куламан!», дейсан. Улар эса сени, ақлдан озиб қолдимикан, деб гумон қилишади... кўрдингми, қандай чатоқ ҳазил бошладим сен билан...

У яна қўнғироқдек товуш билан кулиб юборди.

— Гўё юлдузнинг ўрнига сенга бир шода жарангдор қўнғироқ совға қилгандек бўлдим...

Яна хандон ташлаб кулди, сўнг тагин жиддий тортди:

— Биласанми... бугун кечаси... йўқ, яхшиси келмай қўяқол.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

— Сенга, бирор жойим оғриётгандек... ҳатто жон бераётгандек бўлиб туюлишим ҳам мумкин. Шунақа бўлади ўзи. Келмай қўяқол, керакмас.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У нимадандир қаттиқ ташвишманд кўринарди.

— Биласанми... ҳалиги... илонни ўйлапман. Тагин у сени чақиб олса-я? Ахир у ёвуз ҳайвон-ку. Бировни чақира, ҳузур қилади.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У бирдан хотиржам тортди:

— Ҳа, айтмоқчи, унинг заҳри икки кишига етмайди...

Кечаси унинг қандай туриб кетганини сезмай қолибман. У сассиз-шарпасиз сирғалиб кетиб қолган эди. Ниҳоят, уни қувиб етганимда, у жадал, дадил одим отиб борарди. Мени кўриб:

— Ҳа, сенмисан...— деди, холос.

Сўнгра аста қўлимдан тутди-ю, алланимадан чўчигандек дарров тортиб олди:

— Бекор келяпсан мен билан. Аҳволимни кўриб қийналасан. Назарингда ўлаётгандек кўринаман, лекин бу ёлғон бўлади...

Мен индамай боравердим.

— Биласанми... йўлим ниҳоятда олис, жисмим эса ниҳоятда оғир. Мен уни олиб кетолмайман.

Мен индамай боравердим.

— Бу худди эски қобиқни ташлагандек бир гап. Ҳеч бир қайғурадиган жойи йўқ бунинг.


Мен индамай боравердим.

Унинг бир оз руҳи тушди, аммо бари бир зўр берди:

— Мана кўрасан, жуда соз бўлади ҳали. Мен ҳам юлдузларга термиламан. Шунда жамики юлдуз гичирлаб айланадиган чамбаракли кўҳна қудуқ бўлиб кўринади. Ва уларнинг ҳар бири менга ичгани сув беради...

Мен индамай боравердим.

— Бир ўйлаб кўргин-а, қанчалик соз бўлади ўшанда! Сенда беш миллион қўнғироқ бўлади, менда эса — беш миллион булоқ...



У бирдан жимиб қолди — бўғзига йиғи тиқилиб келди.  
— Мана, етиб ҳам келдик. Қўй энди мени, буёғига ўзим борай.

Шундай деб қум узра бемажол чўкди — юрагини қўрқув чулғади. Хиёл ўтгач, секингина шивирлади:

— Биласанми... гулим... мен гулимга жавобгарман. Чунки у шунчалар, заиф, ночорки! Соддалигини айтмайсанми? Ўзини ҳимоя қилмоққа тўрттагина арзимас тиканидан бошқа нарсаси йўқ...

Мен ҳам қумга мук тушдим, оёқларимдан мадор қошиб, чалишиб кетмоқда эдим.

— Мана... тамом энди...— деди у.

Бир лаҳза тек қолди-ю, сўнг ўрнидан турди. Бир қадам илгари босди...

Мен эса ҳамон жойимдан қўзғалолмас эдим.

Оёқлари остида гўё сариқ яшин чақнагандек бўлди, бир дақиқа қотиб қолди. Йиғламади, бўзламади. Сўнг худди болта урилган дарахтдек оҳиста қулади: на бир шарпа, на бир сас... Илло, қум зарралари тиқ этган товушни ҳам ютиб юборади-да.

## XXVII

Мана, ўшандан буён олти йил ўтди... Ҳанузгача бу ҳақда бирор кимсага чурқ этиб оғиз очганим йўқ. Қайтиб келганимда, дўстларим мени тагин эсон-омон кўриб севиндилар, бироқ кўнглим бениҳоя ғаш эди, сўраган одамга:

— Чарчабман шекилли...— деб қўяқолардим.

Лекин, аста-секин бари бир юпана бошладим. Батамом эмас, албатта. Бироқ шу нарсани яхши билманки, у ўз сайёрасига қайтиб кетган, чунки тонг ёришгач, қум устида жасадини кўрмадим. Унинг жисми унчалик оғир ҳам эмасди-да.

Кечалари юлдузларга қулоқ тутиб ўтиришни яхши кўраман. Гўё беш миллион кўнгироқ шодумон жиринглаётгандек...

Лекин, буни қарангки, қўзичоққа нўхта чизиб бераётганимда, тасмачасини унутган эканман. Энди Кичкина шаҳзода уни қўзичоққа тақа олмайди. Шу боис гоҳ-гоҳ ўзимдан сўрайман: уёқда, дўстимнинг сайёрасида аҳвол қалай экан? Тагин қўзичоқ гулни еб қўйган бўлса-я?

Баъзан эса ўзимга ўзим: «Йўғ-э, ундай эмасдир! Кичкина шаҳзода кечасилари феруза гулни шиша қал-

поқ билан ёпиб қўярди, қўзичоққа ҳам кўз-қулоқ бўлиб турса керак», деб таскин бераман-у, бирдан қувониб кетаман. Шунда юлдузлар ҳам оҳиста жилмайиб кулаётгандек туюлади.

Гоҳида эса: «Баъзан нимадир хотирдан фаромуш бўлади-ку, ахир... Унда, ҳар бало ҳам бўлиши мумкин! Борди-ю, Кичкина шаҳзода бир куни шиша қалпоқни эсидан чиқариб қўйса ё қўзичоқ кечаси сездирмай қутичасидан чиқиб кетиб қолса-я...» деб ўйлайман ваҳимага тушиб. Шунда осмондаги қўнғироқларим ҳам унсизгина йиғлаётгандек туюлади...

Буларнинг барчаси алланечук ақл бовар этмайдиган сирли ҳодисалардир. Аминманки, сизга ҳам, Кичкина шаҳзодани яхши кўриб қолган бошқа ҳар қандай одамга ҳам, худди мен каби, коннотнинг аллақайси бурчагида биз ҳеч қачон кўрмаган бир қўзичоқ бизга нотаниш бир гулни еб қўйган-қўймагани асло бари бир бўлмаса керак; дунёнинг кўзимизга қандай кўриниши ана шунга жуда-жуда боғлиқ...

Бошингизни кўтариб, бепоён осмонга боқинг. Сўнгра ўзингиздан: «Ўша феруза гул омон бормикан? Бордию қўзичоқ уни еб қўйган бўлса-я?», деб сўранг. Ана шунда кўрасиз — олам кўз ўнгингизда буткул бошқача жилвалана бошлайди...

Ва бирорта катта одам бунинг қанчалар муҳим эканини ҳеч қачон тушуна олмайди!

*Бу ер, менингча, дунёдаги энг гўзал ва энг ҳасратли макон бўлса керак. Саҳронинг бу кимсасиз нарчаси сал юқорида ҳам тасвирланган эди, аммо уни яхшироқ кўриб олишингиз учун яна қайтадан чизмоқчиман. Худди шу жойда Кичкина шаҳзода Ер юзида биринчи бор пайдо бўлган, кейин худди шу жойда ғойиб бўлган эди. Диққат билан қараб эслаб қолинг, агар қачонлардир Африкага, саҳрога бориб қолсангиз, бу жойни танишингиз осон бўлади. Мабодо шу ердан ўтар бўлсангиз, ўтиниб сўрайман, мана шу юлдуз остида бир нафас*

тўхтанг! Бордию шу пайт тилларанг сочли бир бола ёнингизга келиб, қўнғироқдек товуши билан кула бошласа, бирорта саволикгизга жавоб бермаса, ўйлайманки, кимга дуч келганингизни албатта сезсангиз керак. Ушанда, сиздан ўтиниб сўрайман, дардли дилимга юпанч бериш эсингиздан чиқмасин: унинг қайтиб келганини менга зудлик билан хабар қилинг.



## ДУСТЛИК ВОДИЙСИ

(«Башар сайёраси» китобидан)

Бир неча француз учувчилари (улар орасида Мермоз ҳам бор эди) Саҳрои Кабирнинг инсон қадами тегмаган минтақалари узра Қасабланка-Дакар ҳаво йўлини очган эдилар. У пайтларда ҳали самолётларнинг моторлари камқувват эди, Мермоз фалокатга учраб, маврларнинг қўлига тушиб қолади; улар уни ўлдиришга ботинолмай икки ҳафта асир қилиб туришади-да, кейин катта бадал эвазига қўйиб юборишади. Мермоз эса яна ўша томонларга парвозни давом эттираверади.

Кейинчалик Жанубий Америкага ҳаво йўли очилганда ҳам Мермоз биринчилар сафида эди. Унга само йўлининг Буэнос-Айресдан Сантьягогача бўлган қисмини текшириб чиқиш ҳамда Саҳрои Кабир узра солинган ҳаво кўприги каби Анд тоғлари устидан ҳам ана шундай кўприк солиш вазифаси топширилиб, беш минг икки юз метр баландликка кўтарила оладиган самолёт берилди. Кордильер тоғининг чўққилари эса баъзи жойларда етти минг метр баландликка етади. Шу тариқа Мермоз осмонни фалакдан йўл очишга киришди. Қум саҳролар узра ўтиб, у кўкка сапчиган чўққилар билан беллашди. Бу ҳайбатли чўққиларни абадий қор қоплаб ётади, улар қаъридаги қоронги зулмат бутун борлиқни ютаман дейди, тик тош деворлар бағридан мислсиз шиддат бплан отилаётган ҳаво оқими йўлида учраган нарсани тиф янглиғ тилиб ўтади. Мермоз ана шу номаълум душман билан жангга киришар экан, бу олишувдан омон чиқадими-йўқми — билмас эди. У ўзи учуп эмас, ўзгалар учун йўл очмоққа отланган эди.

Ана шундай кунларнинг бирида у Анд тоғида тутқунликка тушиб қолди.

У түрт минг метр баландликда, торгина, энсиз бир майдончага самолётини базур қўндиришга муваффақ бўлди. Майдончанинг икки четидан жаҳаннамдек тубсиз бўшлиқ ваҳшат солиб кўзга чалинарди. Мермоз механик билан биргаликда икки кун мобайнида бу қопқондан чиқиб кетишга зўр бериб уринди. Аммо барча урнишлари чиппакка чиқди. Шунда улар энг сўнгги чорани қўллашга қарор қиладилар: самолёт бир-икки силтаниб, тош майдончани зир титратади-да, тубсиз чоҳ қаърига қулайди. Қулаб борар экан у туйқусдан тезлик касб этади ва яна рулга итоат эта бошлайди. Мермоз самолётни ўнглаб олиб, қаршисидаги тош тўсиқдан бир амаллаб ошириб ўтади, аммо ҳавода олти-етти минут парвоз қилгач, тагин фалокатга учрайди: кечаси совуқда ёрилиб кетган радиатор қувуридан сув оқарди... Бахтига, шу пайт пастда ястаниб ётган Чили ялангликлари кўз ўнгида намоён бўлади.

Эртасига у ҳаммасини қайта бошдан бошлайди.

Анд тоғлари оша ўтадиган ҳаво йўлининг бутун паст-баландини мерида-сиригача ўрганиб, парвоз техникасини ишлаб чиққач, Мермоз трассанинг бу қисмини дўсти Гийомега топширди-да, ўзи тунги учуш машқларига киришди.

У пайтларда аэродромларимизда ҳозиргидек кучли ёритиш воситалари йўқ, Мермознинг самолёти қоронғи тунда қўниш учун пастлаб келаркан, қўналғада шамчиروқдек милтиллайдиган учта машъала ёқиб қўйиларди.

Аммо у шу машаққатли ишни ҳам уддалаб, бошқалар учун йўл очган эди.

Тун зулматини бўйсундиргач, Мермоз океанни забт этишга киришди. 1931 йилдаёқ у биринчи бўлиб Тулузадан Буэнос-Айресгача түрт суткада ҳаво почтасини стказиб борган эди. Ортига қайтиш чоғида самолётининг мойқузури ишдан чиқиб, тўппа-тўғри Атлантика океанининг қутурган тўлқинларига қўнади. Яқин атрофда сузиб юрган кема почтани ҳам, экипажни ҳам қутқариб олади.

Мермоз шу тариқа жазирама саҳрони ҳам, баланд тоғлару қоронғи кечаларни ҳам, поёнсиз денгизни ҳам бир-бир забт этиб чиқди. Саҳро қумликлари, тоғ даралари, туп ваҳшати ва денғиз тўлқинлари бир неча бор уни ўз қаърига тортди, бироқ у ҳар сафар ҳам омон қолиб, улардан голиб чиқди ва яна қайтадан йўлга отланаверди.

Шу йўсинда у ўн икки йил ишлади. Кунларнинг бирида, Жанубий Атлантика устидан нечанчидир марта учиб бораётиб, қисқагина радиохабар берди: ўнг моторни ишга соляпман. Ва шундан сўнг жимлик бошланди.

Бундай қараганда, ташвиш қилишга ҳеч ўрин йўқдек туюларди, аммо сукунат чўзилаверди, мана, ўн минут ўтди, шундагина Париждан тортиб Буэнос-Айресгача бўлган авиалиниянинг барча радистлари оёққа турдилар. Чунки кундалик турмушда ўн минут кеч қолгани арзимаган гап бўлса, почта самолёти учун бу муқаррар хавф-хатарни англатади. Бу фалокат замирида машъум бир ҳодиса мужжасам эди. Шунчаки нарсами, фожиами — энди бунинг аҳамияти йўқ, бўлар иш бўлган эди. Тақдир ўзининг узил-кесил ҳукмини чиқарди: эҳтимол, ўша мудҳиш қудрат учувчини эсон-омон сувга қўндиргандир, эҳтимол, самолётини чилпарчин қилиб ташлагандир. Аммо пастда мунтазир кутиб турганларга бу ҳукм эълон қилинмаган эди.

Дақиқа сайин сўниб борадиган бу заиф умид, машъум қисматдек лаҳза сари оғирлашиб борадиган бу сукунат қайси биримизга таниш эмас, дейсиз? Дастлаб сира умидимизни узгимиз келмади, аммо орадан соатлар ўтди, мана, қоронғи ҳам тушди. Ўзимизни алдаб нима қилдик — дўстлар энди қайтишмайди, улар ўзлари неча бор долғали тўлқинлари узра парвоз қилган Атлантик океан бағрида, мангу ором оғушида ётишибди. Шубҳага ўрин йўқ: Мермознинг узоқ давом этган машаққатли меҳнати ниҳоясига етиб, у фароғат топди. Даладаги сўнги бошоқни ҳам ўриб бўлган ўроқчигина ана шундай фароғатга эриша олади.

Дўстлардан бирортаси мана шу йўсин вафот этар экан, бу ҳол ҳеч кимни таажжубга солмайди, чунки бизнинг касбимиз шунақа. Эҳтимол, ўша дўстимиз бошқача ўлим топганида айрилиқ азоби бундан кўра кучлироқ бўларди. Албатта, энди у дўстимиз биздан олисда, у қўналгани охирги марта тарк этди, бироқ биз ҳали уни чиндан ҳам йўқотганимизни, унинг ўрни нондек билиниб турганини ҳис қилганимизча йўқ.

Ахир, биз узоқ кутишларга ўрганиб қолганмиз-да. Ахир, дўстлар бутун дунё бўйлаб сочилиб кетган улар Париждан тортиб Сантьягогача бўлган ҳаво йўлида соқчидек ҳамиша бедор кезар эканлар, икки оғиз шакаргуфторлик қилишга имкон тополмайдилар. Фақат тасо-

дифгина гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда каттакон учувчилар онласининг фарзандларини учраштириб туради. Баъзан Қасабланкада, баъзан Дакарда, гоҳ эса Буэнос-Айресда кўп йиллардан кейин қадрдон дўстинг билан дийдор кўришасану қачонлардир узилиб қолган суҳбатни давом эттирар экансан, ўша эски дўстликнинг ҳануз барқарор эканини юрагинг орзиқиб ҳис этасан. Кейин тағин йўлга отланасан. Мана шунинг учун ҳам Она заминимиз шу қадар бадавлат, шу қадар файзсиз. Бадавлатлиги шундаки, унинг кўкси ботиний дўстлик водийлари билан зийнатланган. Улар кўздан пинҳон, уларга етиб бормоқ ҳам маҳол, аммо бугун бўлмаса эртага биз касбимиз тақозосига кўра бу мунаввар водийларга кириб борамиз. Ким билсин, эҳтимол, ҳаёт бизни дўстлардан айириб, улар ҳақида мудом ўйлашга имкон бермас, бироқ шу нарса аниқки, камгап, камсуқум бу биродарларимиз ҳаммаша қайдадир дилда дўстлик қасамини сақлаб юрган бўладилар! Қачонки, тақдир бизни умр йўлларида қайта учраштирар экан, уларнинг дийдор қувончидан боши кўкка етганини кўрсангиз эди! Кутишга келсак... биз кутишга ўрганиб қолганмиз...

Аммо эртами-кечми пайти етиб, дўстлардан бири мангу сукутга толганини, энди ортиқ унинг янгроқ кулгисини эшитмаслигинини, ўша зумрад водий энди биз учун етиб бўлмас бир маконга айланганини билиб қоласан. Ана шундагина биз учун ҳақиқий мотам бошлади — у юракни эзадиган ўкинч ҳисси эмас, аччиқ, чеки-чегараси йўқ қайғудир.

Йўқ, дунёда ҳеч бир нарса ҳалок бўлган дўстнинг ўрнини босолмайди. Эски дўстларни ҳеч қачон тополмайсан. Оламда дўстлар билан бирга кечирилган ажойиб саргузаштлар, хотирага айланган турфа воқеалар, қанчадан-қанча оғир кунлар, аразлару ярашлар, қалб туғёнларидан кўра қимматлироқ хазина йўқ.

Ҳаёт дегани шунақа нарса. Дастлаб бошда биз дунёдаги энг бадавлат одам каби масрур юрамиз, чунки кўп йиллар мобайнида ниҳол экдик, аммо давр бўрони бир куни бутун меҳнату машаққатларимизни чиппака чиқариб, яратган боғ-роғларимизни хазонга айлантиради. Дўстлар бирин-кетин бизни тарк этиб, дўстлик водийларини ҳувиллатиб кетадилар. Марҳум дўстлар ёди билан қайгуриб яшар экансан, ўзингнинг ҳам тобора қариб бораётганингни ҳасрат билан ҳис қила борасан...

## АНТУАН ДЕ СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ ҲАҚИДА

Одам бўлиш, бу, демак, масъулиятли бўлиш демакдир.

1944 йилнинг 31 июнь тонготарида Франциянинг Аннеси ва Гренобль районларида разведка олиб бориш учун учган Америка Қўшма Штатлари Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли «Лайтинг Р —38» самолёти ўз базасига қайтиб келмади.

Бу хабар урушни кўрган, уни ҳатто китоблар ёхуд кинофильмлар орқали таниган одам учун ҳам оддий бир ҳолдай туюлади. Уруш қурбонсиз бўлмайди — у ҳар куни ўнлаб, юзлаб, минглаб кишини қурбон қилиши, урушда ўнлаб, юзлаб самолётлар ўз манзилига етмаслиги, бедарак кетиши мумкин. Лекин 1944 йилнинг 31 июнь тонготарида Америка Қўшма Штатларининг Сардиния районида жойлашган ҳарбий ҳаво базасидан учган самолёт штурвалини бошқарган одам — Антуан де Сент-Экзюпери эди.

Катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал бошда ёш бола бўлган. Фақат буни уларнинг озгинаси билади, холос.

Антуан де Сент-Экзюпери 1900 йилнинг 29 июнида Лион шаҳрида, илдизи тарих қаърига чуқур богган, вақт ўтиб қашшоқлашиб қолган аристократлар оиласида дунёга келди. Кичкина Антуандаги қизиқувчанлик, турли фанларни эгаллашдаги билағон қобилият жуда эрта кўзга ташланди. У ўзига тенгқур болалар даврасида қувноқ, ҳазилкаш, турли ўйинларни ўйлаб топишга устаси фаранг сифатида машҳур эди. Болакай ўчоқда ёниб турган оловга қараб туриб соатлаб ўй суришни жуда-жуда ёқтирарди. Тонио (уни эркалаб шундай чақиришарди) шеър ёзишни жуда эрта бошлади. Унинг шеърлари болаларга хос бўлмаган аллақандай сирли ғамгинлик ва ўйчанлик билан йўгрилган бўларди. У расм чизишни, скрипка чалишни ҳам қойил қилса-да, аммо унинг бутун борлигини ўзиге тортган машғулот — машиналару техникага оид китобларни мутолаа қилиш, совға қилинган ўйинчоқларни ичини кавлаштириш, уларни қандай тузилганини билишга интилиш бўлди. У олти яшарлигидаёқ машиналар ҳақида анча-мунча тушунчага эга эди.

1910 йилда Антуанни Ман шаҳридаги колледжга ўқишга юборишди. У бошқа ўқувчилардан фарқли равишда, ётоқхонада қолмай, ўқишдан кейин уйига қайтарди. Антуаннинг дарсларни ўзлаштириши бир савияда кечмади, бунинг устига у тўполончи сифатидаям ном чиқарди. Аммо, уйга қайтганда Тонио бутунлай

ўзгариб қоларди. Ҳатто у пинҳона Цезарнинг уруш ҳаракатларига оид бир рисоласини лотинчадан таржима қилишга киришиб, қадимий римликларнинг ҳарбий техникаси ва ўша замон уруш ҳаракати ҳақида батафсил тушунчага эга бўлишни мақсад қилиб қўйганди.

Сент-Экзюпери ўн икки ёшга тўлганда биринчи бор ҳавога кўтарилди: ўша пайтлардаги машҳур француз учувчиси Вьедрен уни Амборье шаҳарчаси яқинидаги аэродромдан бирга олиб осмонга учади. Парвоз ишқи мана шу лаҳзадан бошлаб ёш Антуаннинг ҳаётдаги асосий, бир умрлик мақсади бўлиб қолади.

Бу воқеадан икки йил ўтар-ўтмас Европада Биринчи жаҳон уруши бошланади. Антуан ўз ўқишини дастлаб Швейцарияда, кейинчалик Парижда давом эттирди. 1919 йилда эса у Париждаги Саньяг мактабининг архитектура бўлимига ўқишга киради. Бутун вужуди билан осмонга — парвозга интилаётган ёш йигит тақдиридаги кескин бурилиш нуқтаси 1921 йил бўлди. Худди мана шу йили у ҳарбий хизматга қақрилади. Омадми ё тасодифми, ҳуллас, у ҳарбий қирувчилар авиацияга тушади. Дастлабки пайтларда у устхонадаги юмушлар — самолётларни ремонт қилиш ишлари билан шуғулланди, кейинчалик у самолётни бошқариш бўйича ўтказиладиган машғулотларда қатнаша бошлади.

Сент-Экзюперининг биринчи мустақил ҳавога кўтарилиши жуда кўнгилсиз ўтди. Ҳадеганда келавермаган инструкторни кутишга сабр-тоқати қолмаган ёш учувчи ёлғиз ўзи осмонга кўтарилди, аммо кўнишга келганда, самолёт унга бўйсунмаётганини сезади. Антуан аэродром атрофида айланиб учаркан, боз устига гўсатдан самолёт мотори ҳам ёна бошлайди. Самолётда тириклайин қуйиб кетгандан кўра, ерга бир бало қилиб кўниш зарурлигини англаган Экзюпери қийналиб бўлса-да («Тасодифан»:— деб ёзади кейинчалик ёзувчининг ўзи), ерга қўнади. Биринчи мустақил парвоз унга қимматга тушди: қаттиқ жароҳатланди, бошлиқлардан аччиқ дашном эшитди.

Аммо, бари бир Сент-Экзюперининг учувчи бўлиш истаги шу воқеадан кейин ўзил-кесил катъий мақсадга айланди. Кўп ўтмай ҳарбий хизмат муддати тугаб, армия сафидан бўшатилган Антуан ўз мақсадига осонлик билан эришмайди. У дастлаб томлар устига ёпиладиган черепица ишлаб чиқарувчи заводга хизматга киради. Кейин автомобиллар сотиш бўйича агент вазифасида ишлай бошлайди. Фақатгина 1926 йилга келибгина у ўз орзусига эришади: Антуан де Сент-Экзюпери «Латекоэр» авиакомпаниясига қабул қилинади.

Айнан мана шу лаҳзадан бошлаб Экзюперининг тасодифлари ғаройиботларга тўла ҳаёти бошланади. Авиалиниялар бошлиғи Дидье Дора («Тунги учуш» романидаги Ривьернинг прототиби) раҳбарлиги остида ёш учувчи янги учуш линияларини, янги самолётларни ўзлаштиришга қизғин киришади.

Кейинчалик у Морокашдаги Кап-Жуби шаҳарчасида жойлашган аэродром бошлиғи этиб тайинланади. Роса бир ярим йилдан кейин Антуан де Сент-Экзюпери ўзининг биринчи асари билан Францияга қайтади. Бу «Жанубий почтачи» қиссаси эди. Унинг бу асари 1928 йилда нашр этилади. Худди мана шу биринчи асарида ёзувчи ижодининг асосий мавзуси кўзга ташланади.

Саргашталикка ўрганган, қийинчиликларга кўникиб қолган Сент-Экзюпери Парижда ўтиролмади—1928 йилнинг октябрида Аргентинага жўнади. У Франциянинг «Аэропост-Аргентин» компа-

ниясига қарашли ҳаво линиялари директори этиб тайинланган эди. Аммо у ўзини бошлиқ эмас, энг аввало учувчи деб билар, янги линияларни ўзлаштириш ишида ҳамisha биринчи бўлиб киришарди.

Авиация — Антуан де Сент-Экзюпери учун биринчи навбатда дунёни ўрганиш, уни кашф этиш, инсондаги нодир фазилатларни тарбияловчи; одамлар ва мамлакатлар ўртасида ҳамкорликка, биродарликка йўл очувчи восита эди. «Муҳимими? Муҳими, менимча, бу бизнинг касбимизнинг буюк қувончлари-ю, фақат бизнинг касбимизга хос бўлган изтироблари эмас; муҳими, мана шу қувончлару изтироблар туфайли шаклланган ва бизни юксалтириб турувчи фазилат — ҳаётга бўлган муносабатимиз», деб ёзган эди 1933 йилда Сент-Экзюпери.

...1936 йилда учувчи Анри Гийоме қор бўронига дуч келиб Кордильера тоғлари узра ҳалокатга учраганида, Сент-Экзюпери ўз дўстини қидириб топиш мақсадида, оғир об-ҳаво шароитига қарамай, ҳавога кўтарилди. Гийоменинг қутқарилиши тафсилоти кейинчалик ёзилган «Башар сайёраси» китобининг энг ажойиб бобига айланади. Бу боб ҳароратга, ёрқин меҳрга йўрилгани билан ўқувчи кўнглини ҳаяжонга солади, илтилади.

Гийоме ўз халоскори билан учрашганда:

— Мен сени кўрдиму сен эса кўрмадинг,— дейди.

— Мен эканими қайдан билдинг?— деб ҳайратланади Сент-Экзюпери.

— Сендан бошқа ҳеч ким тоғлар узра бундай пастлаб учишга ҳадди сизмайди...— деб жавоб беради Анри Гийоме дўстини бағрига босаркан...

Ёзувчининг кўндалик дафтарида шундай ёзув бор: «Бардам бўлинг, биз боряпмиз... Биз сизларни қутқарамиз...» Гўё бу ёзувни Сент-Экзюпери ҳалокатга учраган дўстини қутқариш олдидан ёзгандек. Ҳолбуки, у бу сўзларнинг ёзилиши тафсилоти бутунлай бошқача: Сент-Экзюпери ва у бошқарган самолёт механиги Саҳрои Кабирга қўнишга мажбур бўлишади. Бу чексиз ўлим саҳросининг кўйида адашган, йўлини йўқотган йўловчи камдан-кам омон қолишини яхши билган Сент-Экзюпери ўзини йўқотмади. У йўлга чиқади...

Ташналик ва очлик азоби холдан тойдирган, рация орқали берилётган сигналларни қидирув патрули эшитишига бўлган ишонч борган сари озаиб бораётган бўлса-да, Антуан де Сент-Экзюперининг кўнглидаги инсонга бўлган муҳаббат олови, бир лаҳза бўлсаям, сўнмади. У ўзининг ўлими дўстлари ва яқин одамлари юрагида изтироб уйғотишини билар ва уларни бу азобдан қутқариш мақсадида бутун вужуди билан ҳаёт учун курашади. Айнан мана шу воқеалардан сўнг ёзувчи ижодининг асосий гоёсини очиб беришга қодир бўлган ушбу сўзлар битилган эди: «Биз сақлаган сукутнинг ҳар бир дақиқаси мен севган кишиларни ўлдирипти... Бардам бўлинг... Биз боряпмиз... Боряпмиз... Биз сизларни қутқарамиз».

Сент-Экзюпери ўзини ҳеч қачон профессионал ёзувчи деб ҳисобламаган эди. «Ёзишдан аввал, яшаш керак» — бу сўзлар унинг шиори бўлди. У ҳаётга фаол муносабатда бўлган ёзувчилар — Конрад, Шолохов, Хемингуэй, Камью каби, четдан туриб кузатишдан, воқеликдан узоқ мулоҳазалар чиқаришдан кўра, содир бўлаётган воқеаларнинг фаол иштирокчиси бўлишни маъқул кўрарди. Шу сабабдан ҳам у Хемингуэй, Мальро каби Испанияда граждандар

лар уруши бошланиши билан «Пари суар» газетасининг мухбири сифатида бу мамлакатга жўнайдди.

У Совет Иттифоқида бўлганидаям, кузатувчи бўлиб эмас, жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида совет кишиларининг хотирасида қолди. «Мен «Максим Горький» самолётида учдим... Бу мен кўниккан учишларга асло ўхшамасди... Мен бу самолётнинг техник фазилатларидан кўра, уни бошқариб бораётган навқирон экипаждан, уларни бирлаштириб турган ягона мақсадни амалга ошириш истагидан ҳайратланардим... Мен уларнинг ҳам жиддий, ҳам юракларини тўлқинлантирган қувончлари кўзларида чақнаб ишлашларини кўриб ҳайратланардим... Уларнинг юрагини тўлқинлантирган туйғулар самолётда ўрнатилган саккизта кучли мотордан ҳам қудратлироқ ҳаракат манбаи эди»— деб ёзган эди Сент-Экзюпери 1935 йил «Известия» газетасида.

1939 йилда фашистлар Германияси Францияга бостириб кирганида, Сент-Экзюпери ҳам ҳарбий хизматга чақирилиб, ўқув полкига инструктор этиб тайинланади. «Ялинаман, Ш.га айтиб кўр, мени қирувчи самолётда учимизга рухсат беришин,— деб ёзган эди у ўша йили яқин дўстига.— Бу ерда бўғилиб кетдим... Тўйиб нафас олиб бўлмапти. Ахир, нимани кутяпмиз?.. Токи бу урушда қатнашмас эканман, мен маънавий жиҳатдан хастаман. Мен бўлаётган воқеалар ҳақида ёзишим керак. Фақат турист сифатида эмас, жангчи сифатида ёзишим керак...

Мени қутқар.. Қирувчи самолётлар эскадрильясига ўтишимга кўмак бер. Сен менинг урушдан нақадар нафратланишимни яхши биласан, аммо бошқалар ўз ҳаётини хавф-хатар остига қўйган пайтда бир четда туришга чидай олмайман. Жанг қилмоғим зарур, мен бўлсам Телуза узра кўнгилочар сайр қилиб юрибман. Бу ҳолатим жуда аянчлидир. Синовлардан ўтишга бўлган эҳтиёжимни қондиришимга кўмаклаш, ахир, бунга мен ҳақлиман-ку. «Қимматли» одамларни хавф-хатардан асраш керак деган тушунчани мен ҳеч қачон қабул қилолмайман. Фақат инсон фаолиятигина унинг дунёда тутган ўрнини белгилайди. Агар «қимматли» одамлар ҳақиқатан ҳам ернинг гузи ҳисобланса, улар ер билан бирлашмоқлари зарур. Ўзини бошқалардан айириб «Биз» деб айтиб бўлмайди. Фақат аблаҳгина ўзини бошқалардан айириб «Биз» деб айта олади.

Мен ниманики севсам, уларнинг ҳаммаси бугун хавф остида. Агар Провансда ўрмонга ўт кетса, ўзини аблаҳ ҳисобламайдиган ҳар битта одам челақми, ёхуд белкуракми кўтариб ёнғин томон югуради. Мен дилимдаги ишонч ҳақи, муҳаббат ҳақи урушда қатнашмоқни истайман. Қатнашмасдан туролмайман. Шундай қилгинки, мени тезроқ қирувчи самолётлар эскадрильясига тайинлашсин». Адибнинг дўстлари қанчалик уринишмасин, бироқ уни бу ниятидан қайтаришолмайди. Охир-оқибатда Сент-Экзюпери разведка ишларини олиб борувчи 2/33 рақамли авиагруппа ихтиёрига юборилди.

Деярли ҳамма йўллар инсонга олиб боради...

Ушбу китобга киритилган «Тунги учиш» ва «Кичкина шаҳзода» асарлари ҳақида ёзишдан олдин Сент-Экзюперининг илк асари

«Жанубий почтачи» ҳақида гапириб ўтиш зарур. Нега? Чунки, «Тунги учиш» ҳам, «Кичкина шахзода» ҳам айнан мана шу асардан ўсиб чиққанлиги шак-шубҳасиздир.

1928 йилда босилиб чиққан «Жанубий почтачи» асарини ўша замон адабиёт аҳли жуда хотиржамлик билан кутиб олди. Кўпчиликнинг назаридан бу асар фақат учиш ғаройиботлари, бир муҳаббат тарихидан иборат эди.

«Жанубий почтачи» ҳақидаги дастлабки маълумот 1923 йилнинг октябрида ёзувчининг онасига ёзган мактубида қайд этилган. Дастлаб бу асар «Жак Берниснинг тарки дунёси» деб номланган эди. 1926 йилда эса «Ле Навар д'Аржен» журналида Сент-Экзюперининг «Учувчи» деб номланган ҳикояси чоп этилади. Аслида бу ёзилаётган асардан бир лавҳа эди, холос. Асарнинг ёзиб тугаллангани ҳақида эса ёзувчи синглисига ёзган мактубида маълум қилади.

«Жанубий почтачи» асари устида Сент-Экзюпери роппа-роса олти йилча ишлади. Асар қаҳрамонлари — учувчи Бернис ҳам, унинг маъшуқаси Женеваева ҳам ҳалок бўлишади. Улар бир-бирларини қанчалик севишмасин, лекин уларнинг ҳар бири ўз дунёси, ўз тушунчаси доирасини ёриб чиқолмайди. Улар ўртасидаги айрилиқ уларни қурбон қилади. Жак Бернис қалбидаги айрилиқ унга учиш давомида дуч келган синовлар қаршисида ожизликка олиб келади. Ёзувчи учувчи ҳалокати сабабларини очмайди — бу тарки дунё эдими ёки бахтсиз ходиса эдими? — номаълумлигича қолади. «Жанубий почтачи» асаридаги кўп оҳанглар «Тунги учиш» ва «Кичкина шахзода»да мазмунан давом эттирилади.

«Тунги учиш» 1930 йилда Буэнос-Айресда ёзилади. 1931 йилда Францияда, мавқеи баланд Галлимар нашриётида чоп этилади. Ўша йилдаёқ у «Фемина» адабий мукофоти билан тақдирланади.

Ёзувчи замондошлари учун бу роман улар яшаётган жамиятда авж олган худбинликка қарши ёзилган, бурчнинг гўзаллиги ва улғуворлиги ҳақида ҳикоя қилувчи асар эди.

Шу билан бирга ўқувчиларни асардаги янги мавзу, янги услуб мафтун этди. Аммо бу асар Антуан де Сент-Экзюперининг ҳамкасблари — учувчиларга ёқмади. Уларнинг кўпчилиги ўз дўстларидан воз кечишди. Бу тушунмовчилик ёзувчини оғир қийноқларга солди, уни азоблади. Сент-Экзюперининг ўша даврдаги кайфияти қадрдон дўсти Гийомага ёзган мактубларида намоён бўлди.

«Гийома, келасан деб эшитдим юрагим ҳозирдан така-пука бўляпти, — деб ёзди у дўстига, — Сен кетгандан буён қандай даҳшатли ҳаётни бошимдан кечираётганимни, ҳаётдан қанчалик совуғанлигимни, ундан қанчалик нафратланаётганимни қошки билсанг эди. Мана шу бахти қаро китобни ёзганим сабаб жуда кўп дўстларимнинг маломатига учрадим...

...Сенинг келишинг маълум бўлган бу пайтда, билишимча, бу муҳит оз бўлса-да ўзгармоқда. Балки мен бу маломатлардан халос бўларман. Бу оғир тушунмовчиликлар, қабих ғийбатлар сабаб бўлиб сенга узоқ вақтдан буён мактуб ёзолмадим. Сен ҳам мен ҳақимде турли хаёлларга боргандирсан. Мен биродарим деб билган ягона инсон олдига ўзимни оқлашни истамадим».

Хўш, нега Сент-Экзюперининг бу асарини — ўз ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Тунги учиш»ни учувчилар қабул қилишмади? Бунинг сабабини китоб нашр этилган даврдан излаш керак эди.

Бу давр бутун капиталистик дунё иқтисодий тушкунликка учраган, Сент-Экзюпери ва унинг дўстлари хизмат қилаётган авиафирма оғир аҳволни бошидан кечираётган дамлар эди. Сабаблар-

дан яна бири — «Тунги учиш» асари бағишланган шахс — авиалиниялар директори Дидье Дора эди. Адибнинг ҳамкўсблари асардаги Ривьер образида тасвирланган Дидье Дорани ёмон кўришарди. Бу ўзига ҳам, бошқаларга ҳам қаттиққўл, талабчан раҳбар учувчилар назарида инсонга хос бўлган ҳар қандай нозик ҳис-туйғудан маҳрум корчалон эди. Сент-Экзюпери учун эса Ривьер «улуғ ва донишманд раҳбар», бўлиб, фақат угина учувчилар ҳаётини буюк мазмун билан бойита олиши мумкиндай туюларди.

«Ривьер учун одам — қўл тегмаган, бирор нарсага ярайдиган мум. Мумга жон киргизиб, ирода тахш этиш керак. У қаттиққўллиги билан одамларни эзишни эмас, балки ўзликларини енгиб ўтишга ёрдамлашишни истайди. У самолётнинг ҳар бир кечикиши учун одамларни жазолаганда адолатсизлик қилади, лекин шу билан уларнинг ўй-иродаларини битта мақсад — аэропортдаги барча самолётларни доим кечиктирмай учириш сари йўналтиради, шу иродани яратади. У одамларнинг самолёт учолмайдиган бузуқ ҳавони дам олишга тақлиф деб қабул қилишларига изн бермай, ҳаво очилишини интизор кутишга мажбур қилади, ҳаммалари — учувчидан ёрдамчи ишчиларгача бу кутишдан эзиладилар, алланечук хўрланадилар ва шунда улар осмон гумбазининг биринчи йиртигиданоқ фойдаланиб қолишга шошиладилар. «Шимолда ҳаво очилди! Йўлга! Ривьер туфайли ўн беш минг чақиримлик ҳаво алоқалари тармоғида почтани ўз вақтида етказиш илоҳий бир тартибга айланган эди».

«Одамларни доим сергагу жиддий яшашга, шодлик ва машаққатга тўла ҳаёт кечиришга мажбур қилиш лозим, — деб ўйлайди Ривьер. — Ҳақиқий ҳаёт ҳам шу». Ривьер учун доимо энг муҳими — мақсад эди. Осмонда учиб бораётган самолёт ўтган шаҳарларнинг барчаси Ривьер учун жанг билан қўлга олинган қалъаларга айланар эди.

Ёзувчи назарида Ривьер ўзини кўрсатишни севадиган манман, фақат авиакомпания фойдасини ўйлаб яшайдиган корчалон эмас, балки инсон иродасини яратувчи шахс бўлиб гавдаланади.

Асар икки сюжет чизиги асосида қурилган. Осмонда Патагониядан Буэнос-Айресга почта самолётини бошқариб бораётган учувчи Фабьен циклонга дуч келиб, у билан олиша-олиша олдинга интилади, ерда эса ҳаво алоқалари тармоғининг директори Ривьер мана шу олишув пайтида ўз хизмат хонасида ўтириб: Одамларни доимо сергагу жиддий яшашга, шодлик ва машаққатга тўла ҳаёт кечиришга мажбур қилиш лозим деб ўйлагани учун уларнинг ҳаётини хавф-хатар остига қўйишга унинг ҳуқуқи борми? — деган машаққатли сўроққа жавоб излайди. «Нимани деб шундай қилиямиз?» деб ўзидан қайта-қайта сўрайверади.

Осмонда бўронга тўқнаш келган Фабьен қанчалик оғир синовларга дуч келса, ёзувчи Ривьер олдиғаям худди шундай машаққатли синовларни кўндаланг қўяди. Эрини сўроқлаб кўнғироқ қилган учувчи Фабьеннинг хотини билан Ривьер ўртасидаги суҳбат, аслида, икки ҳақиқатнинг — инсон фаолияти ва инсон бахти тусунчаларининг тўқнашуви эди.

Ривьерга «Фабьеннинг хотини эмас, балки ҳаётни мутлақо бошқача тушуниш қарши чиқаётган эди. Ривьер бу ожиз овозни, шундай қайғули ва унга шундай ёв бўлган қўшиқни фақатгина эшитиши, фақат унга раҳм қилиши мумкин эди, холос. Чунки энди фаолият ҳам, туйғулар ҳам бир-бирига ён беролмасди — улар тўқнаш келди. Бу аёл ҳам мутлақ бир қимматга бурч ва ҳуқуқ ҳақи-

да ўз тушунчасига эга бўлган, қаердаки тана танани қўмсайдиган, хонадон чироғи ёруғида умид, суйиш, хотиралар яшаётган дунё номидан курашга чиқаётган ўзига тегиши керак бўлган нарсани талаб қилаётган эди. Аёл бунга тўла ҳақли эди. Ривьер ҳам шундай ҳақли, аммо у аёлнинг ҳақиқатига қарши ҳеч нарсани қўя билмасди. Хонадон чироғининг ожизгина шуъласида Ривьернинг шахсий ҳақиқати ифодалаб бўлмайдиган, қандайдир ғайриинсоний томони билан кўринётган эди...»

«Бугун ҳалок бўлиши мумкин бўлган одамлар,— деб ўйлайди Ривьер,— ҳали яшашлари, бахтли яшашлари мумкин эди. Нимани деб уларни оила фароғатидан айирдим? Ахир, энг катта бурч ҳам одамларнинг оилавий бахтини асраб қолиш эмасми? Мана, Ривьер, бунинг ўрнига, уни барбод қияпти. Лекин бари бир, эртами-кечми, шундай вақт келадики, қарилки ва ўлим уларни Ривьердан ҳам шафқатсизроқ тарзда йўқ қилади. Балки дунёда улардан ҳам мустаҳкамроқ нарса бордир, фақат ўша нарсанигина қутқариш керакдир. Балки Ривьер инсон ҳаётидаги шу нарсани деб заҳмат чекаётгандир. Акс ҳолда унинг фаолияти беҳуда».

Инсон ҳаётига мангулик бахш этадиган куч борми?— деган сўроққа ёзувчи Ривьер тили билан «Инсон фаолияти» деб жавоб беради. «Фаолият ўлимдан халос этади»— деб ёзади Сент-Экзюпери.

Бу асар ёзилаётган пайтда учувчи касби оддий меҳнатни эмас, балки курашни талаб қиларди. Асар қаҳрамонлари учун ҳар бир парвоз ўзига хос синов, ўзига хос жанг эди. Улар ўлимдан кўрқмайдилар. Фабьеннинг «жаҳаннам»га қулаши олдидаги ҳолати: унинг табассумини эсланг.

Фабьен ҳалок бўлади, у билан бор-йўғи бир ярим ой яшган хотини бева қолади. Аммо инсон фаолияти давом этади: Фабьен ҳалок бўлган тўннинг ўзидаёқ Европага почта олиб борувчи самолёт кўкка кўтарилди. Асар ушбу сўзлар билан тугайди: «Самовий кўшиқ — самолёт осмонга баландлаб бораётир.

Ривьер... яна ишга тутинади. Машаққатли ғалабасининг оғир юкини ортмоқлаган Улуғ Ривьер... Фолиб Ривьер...»

Антуан де Сент-Экзюпери «Кичкина шаҳзода» эрагини 1942 йилда Нью-Йоркда ёзиб тугатди.

Асар режаси «Жанубий почтачи» асари ёзилаётганида туғилган эди. «Жанубий почтачи» қаҳрамонлари — Женевьева билан Бернис ўртасидаги муҳаббат тасвиридаёқ Кичкина шаҳзода ва феруза гул муносабатларининг жуда кўп қирралари намоён бўлган эди. Бўлажак асар мотивлари фақатгина «Жанубий почтачи»дагина эмас, Сент-Экзюперининг онасига, Ренз де Соссинга ёзган мактубларида, «Башар сийёраси» асарининг сўнги қисмида, адиб ёндафтарисидаги бир қатор фикр-мулоҳазаларда кўринган эди.

Сент-Экзюпеон «Кичкина шаҳзода» асарини иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан кунларда бошлади. Ёзувчи бу қайғули эртакини ўзининг бешафқат замонасига қарши қўяди. «Мен жуда оғир қайғурияман, эзилиб кетдим,— деб ёзган эди у ўша кунларда ёзилган мактубларининг бирида.— Мен инсонга хос бўлган фазилатлардан маҳрум авлодимни кўриб қайғурияман... Бутун вужудим билан ўз замонамдан нафратланаман. Бу замонада инсон ташналикдан ҳалок бўлмоқда.

О, бу дунёда фақат бир муаммо бор: одамларга ҳаётдан маънавий қониқиш ҳиссини қайтариш керак... Шеърятсиз, рангин

бўёқларсиз, муҳаббатсиз яшашнинг қизиғи йўқ... Биз нақадар тубанлашиб кетганимизни англамоқ учун XV асрда деҳқонлар куйлаган қўшиқни тинглашнинг ўзи кифоя...»

Кичкина шаҳзода ўз саёҳати давомида дуч келган сайёраларда яшовчи одамларнинг ҳар бири алоҳида бир рамзга эгадир. Уларда инсон фазилатларию камчиликлари намоён бўлади.

Кичкина шаҳзода Ердаги биринчи учратган тирик жонзот — илон бўлди. Илон ҳамиша қадим халқлар назарида донишмандлик рамзи бўлиб, бу халқлар мифологиясида жуда муҳим ўрин эгаллаган. Антуан де Сент-Экзюпери эртагидаги илон ҳам шундай муҳим вазифани бажаради.

Асардаги иккинчи муҳим рамзий образ — Тулки. Тулки «Кичкина шаҳзода»га халқ эртақларидан кириб келган бўлса, ажабмас. Чунки Европадаги қатор халқларнинг эртақларида Тулки кўпроқ оддий одамларга хос бўлган донишмандлик тимсоли бўлиб гавдаланади. Тулкининг сўзларида Сент-Экзюпери бутун ижоди давомида тарғиб қилган ишонч рамзини кўраемиз:

«Бирон бир нарсани англаш учун уни қўлга ўргатиш лозим. «Қўлга ўргатиш» эса ҳамиша ўзаро «ришталар боғламоқ»ликка олиб келади. Бу дегани: «Қўлга ўргатилган» жонивор ёки одам бизга қанчалик муҳтож бўлса, биз ҳам унга шунчалик муҳтож бўламиз. Чунки энг аввало уларни «Қўлга ўргатганимиз» учун жавобгар бўламиз».

«Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўхшаган юз минг боланинг бирисан, холос,— дейди Тулки кичкина шаҳзодага.— Ҳозирча сен менга керак эмассан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо борди-ю сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб қоламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона одамга айланасан. Мен ҳам сен учун дунёда ягонага айланаман... ..Сен мени қўлга ўргатсанг, қоронғи турмушимга нур кирарди. Шунда сенинг оёқ товушларингни мен минглаб одам ичидан ажрата оладиган бўламан. Ҳозир одам шарпасини сезсам бас, дарҳол бекиниш пайига тушаман. Аммо мени қўлга ўргатсанг, борми, қадам олишинг худди оҳанрабо мусиқа янглиғ мени ўзи чорлайди-ю яшириниб ётган жойимдан истиқболингга югуриб чиқаман. Ундан кейин, ҳув, анови бугдойзорни кўряпсанми? Қара, бугдой фарқ пишиб ётибди. Мен дон-дун емайман, ғалла билан ишим йўқ. Бугдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалар қайғули эканини билсанг эди! Сенинг сочларинг ажойиб, тилларинг товланади. Агар мени қўлга ўргатсанг, шундай соз бўладики! Олтин тусли бугдойзор энди менга сени эслата бошлайди. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қоламан».

Ҳа, гап «қўлга ўргатишда эмас, мана шу яхши кўриб қолишда — муҳаббатда деб уқтиради Сент-Экзюпери. Ёзувчи назарида муҳаббат — фақат бизни бошқа одам ёки жонзот билан боғлаб турувчи риштагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга у бизни қуршаб турган муҳитни англашимизга кўмаклашади, уни мазмунан тўйинтиради, бу эса ўз навбатида бизни бойитади. «Фақат кўнгил кўзигина очик. Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан!»— Тулкининг Кичкина шаҳзодага айтган бу сўзларида мана шу муҳаббат асосини кўраемиз.

Эртақдаги учинчи рамзий образ — Кичкина шаҳзода ўз сайёрасида авайлаб ўстирган феруза гул. Бу мағрур ва ўзбошимча гул кичкина шаҳзодага жуда кўп ташвишлар келтиради, уни не-не

азобларга дучор қилади. Ҳатто уни ўз сайёрасидан кетиб қолишига сабаб бўлади. Бу айрилиқ жуда оғир кечади — чунки Кичкина шаҳзода феруза гулни севарди. Сент-Экзюпери ижоди ва ҳаётини ўрганган қатор адабиётшунослар адиб бу феруза гул тимсолида ўзининг хотини Консуэло де Сент-Экзюперини тасвирлаган деган хулосага келишади. Дарҳақиқат, адибнинг шахсий ҳаётида рўй берган жуда кўп қийинчиликлар Кичкина шаҳзода билан феруза гул ўртасидаги муносабатгарда акс этган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас.

Донишманд Тулки Кичкина шаҳзодага яна бир муҳим гапни айтган эди: «Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар, аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники «қўлга ўргатган» бўлсанг, унинг тақдирига ҳамиша жавобгарсан. Унутма, феруза гулинг учун ҳам жавобгарсан».

Худди мана шу сўзлар Кичкина шаҳзоданинг ўз гулига бўлган муносабатини ўзгартиради. У яна ўз сайёрасига қайтмоқчи бўлади. Ҳатто ўлим олдидан: «Мен гулимга жавобгарман» — деган сўзларни такрорлайди.

Кичкина шаҳзоданинг саҳрода, ҳалокатга учраган учувчи ёнида пайдо бўлиши ҳам рамзий ифодага эга. Бу ҳар бир инсон ўз болалигини унутмаслиги, энг оғир дамлардаям уни қурбон қилмаслиги кераклигини ўқтиришдир.

«Кичкина шаҳзода» асари бизнинг тасаввуримиздаги жуда кўп тушунчаларни ўзгартириш кучига эга. Балки бизнинг еримиз ҳам, биз ўйлаганчалик катта эмасдир, балки бу чексиз ва ҳадидсиз коинотда у кичкина шаҳзода яшаган сайёрачалик кичкинадир? Балки Она сайёрамизда ҳар биримизнинг феруза гулимиз бордир? «Қўлга ўргатган»ларимиз бордир, улар учун жавобгар эканлигимиз инсоний бурчимиздир?

«Аминманки, сиз ҳам, Кичкина шаҳзодани яхши кўриб қолган бошқа ҳар қандай одамга ҳам, худди мен каби, коинотнинг аллақайси бурчагида биз ҳеч қачон кўрмаган бир қўзичоқ бизга нотаниш бир гулни еб қўйган-қўймагани асло бари бир бўлмаса керак; дунёнинг кўзимизга қандай кўриниши ана шунга жуда-жуда боғлиқ...

Бошингизни кўтариб, бепоён осмонга боқинг. Сўнгра ўзингиздан «Уша феруза гул омон бормикан?...» деб сўранг. Ана шунда кўрасиз — олам кўз ўнгингизда буткул бошқача жиловлана бошлайди».

Мен жангчиман...

Франция мағлубиятидан сўнг Сент-Экзюпери хизмат қилаётган ҳарбий қисм Жазоирга кўчирилди. Ёзувчи Парижга қайтади, икки ойча Провансда, қариндошлариникида яшайди. Худди шу пайтда у ўзининг «Қалъа» деб тахминий ном билан аталиб келинаётган асари устида иш бошлайди. Она юртида фашистларнинг ғолибона намойишларини кўришга, ортиқ чидай олмаган ёзувчи Америка Қўшма Штатларига отланади. Лиссабонга Испания орқали ўтиб бўлмайди. Унинг испан гражданлар уруши жабҳаларидан ёзилган репортажлари Испанияда ҳукмронлик қилаётган франкочиларнинг ёдида эди: мамлакатдан ўтишга рухсат беришмайди. Сент-Экзюпери кўзлаган манзилига бошқа йўллар орқали ўтишга мажбур бўлади, Америка Қўшма Штатларида у «Кичкина шаҳзода» аа «Қалъа» асарлари устида ишлайди.

1943 йил май ойида қисқа тайёргарликдан сўнг Сент-Экзюпери Жазоирда жойлашган француз авиагруппасига бориб қўшилади. Бу авиагруппа америкаликлар ихтиёрида бўлиб, баландликда учадиган «Лайтинг Р—38» самолётлари билан куроллантирилган эди. Одатда бу самолётларда учадиган учувчиларнинг ёши ўттиз бешдан ошмаслиги керак. Сент-Экзюпери бўлса бу пайтда қирқ уч ёшда эди. Худди шуни баҳона қилиб ҳарбий қўмондонлик уни иккита учишдан сўнг яна парвоздан маҳрум қилади.

1944 йилнинг июнида Сент-Экзюпери яна ўз эскадрильясига қайтади. Унга бешта жанговар учишда қатнашишга рухсат берилди. Албатта, Сент-Экзюпери бундан қониқмайди. У бу хавfli йўлдан қайтармоқчи бўлган дўстларига қарата: «Бу менга керак, учиш — менинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний эҳтиёжим» деб қайта-қайта такрорлайди. Сўнги учишдан икки кун олдин полковник Шассен унга шундай деган эди: «Бўлди бас, тугатинг. Сиз уч ой ичида қилган ишни ёш ҳамкасбларингиз бир йилдаям эплашолмайди. Энди ҳар қанча гапиришга ҳақлисиз. Шундай экан, ўз ҳаётингизни хавф остига қўйманг.» Аммо, бу гаплар Сент-Экзюперига қор қилмади. У дўстлари ёнида энг сўнги дамгача бўлишни ўз бурчи деб билди.

Америка ҳарбий қўмондонлиги билан келишилган ҳолда 1944 йилнинг 1 августида Сент-Экзюпери Провансга тушириладиган десант режасидан хабардор қилиниши керак эди. Чунки ҳарбий устав бўйича бундай сирдан хабардор учувчи одатда учишдан четлаштирилиши керак эди. Аммо, бахтга қарши Франциянинг Аннеси ва Гренобль районларида разведка олиб бориш учун учадиган учувчилар навбати тақсимланганда Сент-Экзюперининг чекига — 1944 йилнинг 31 июль кунини тушади. Мана шу учишдан қайтиш унга насиб қилмади. «Тунги учиш»даги Фабьен ҳалокати унинг тақдирига айланди — на учувчи, на самолётдан ном-нишон топилмади.

Француз адабиётшуносларидан бири шундай ёзган эди: «Ҳозиргача ҳеч ким у қандай ҳалок бўлганини билмайди. Токи унинг танаси топилмас экан, унинг мозори қаҳрамонлару худоларга насиб бўладиган мазор бўлиб қолаверади. Бу мазор — бепоён денгиз, юксак тўғ, мовий осмон. Унга бундан ўзга мазор тўғри келмайди».

Сент-Экзюпери «сарларидан бирида: «Мен ўз авлодимга қарата: «Биз бир сайёрада яшаймиз, биз ягона кема йўловчиларимиз» деб айтиш учун... ёздим» — деган ҳикматона сўзлар бор. Бу сўзлар тинчлик муаммоси инсоният учун фавқулодда муҳим масалага айланган бугунги кунда бизларга айниқса қадрлидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв 1985 йилнинг октябрида Францияга қилган ташрифи давомида сўзлаган нутқларидан бирида адибнинг бу ҳикматли сўзини эслаб ўтиши ҳам бежиз эмас.

Сент-Экзюперидан инсониятга «Жанубий почтачи» (1929), «Тунги учиш» (1931), «Башар сайёраси» (1939), «Ҳарбий учувчи» (1942), «Кичкина шахзода» (1942) ва, ниҳоят, тугатилмаган, ҳажман жуда катта фалсафий роман «Қалъа», қатор публицистик асарлар мерос бўлиб қолди. Коинот томон учаётган космонавтлар бу китобларни ўзларига ҳамроҳ қилиб, кўкка талпинмоқдалар. Бу китоблар инсон тирик экан, мангу бўлиб қолажак. Чунки улардаги ёруғ меҳр ва ирода қудрати инсон кўнглини ёритеди, инсоннинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.



Сент-Экзюпери ҳаётига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. У ҳақда ёзилган китоблар сони бугун қирқдан ошиб кетган. Унинг ҳаётига, жасоратига бағишланган шеърларни адиб ўз асарларида куйлаган буюк ишонч шуъласи ёритиб туради. Мана, латвиялик истеъдодли шоир Марис Чаклайснинг сатрлари:

Яна оқшом. Қайси ул юлдуз  
Сурон билан учар Ер сари?  
Бу юлдузмас, бу қайтаётган  
Капитан Сент-Экзюпери.

Сент-Экзюпери ҳалок бўлгандан буён қирқ йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Лекин, унинг юлдузи ҳамон чароғон...

Бошингизни кўтариб, белоён осмонга боқинг... Ўтиниб сўрайман, мана шу юлдуз остида бир нафас тўхтанг.

Хуршид Даврон  
Ўзбекистон Ленин комсомоли  
мунофоти лауреати

## МУНДАРИЖА

ТУНГИ УЧИШ. <i>Аҳмад Аъзам таржимаси</i> . . . . .	3
КИЧҚИНА ШАҲЗОДА. <i>Хайриддин Султонов тар- жимаси</i> . . . . .	: : 67
ДЎСТЛАР БОДИЙСИ. <i>Хайриддин Султонов тар- жимаси</i> . . . . .	: 141
Хуршид Даврон. <i>Антуан де Сент-Экзюпери ҳақида</i> .	156

**Сент-Экзюпери, Антуан де.**

**С 44** Кичкина шаҳзода / Тузувчи ва сўнгсўз муаллифи Х. Даврон.— Т. Ёш гвардия, 1986.—160 б.— («Дурдона» серияси).

Машҳур француз адиби Антуан де Сент-Экзюпери (1900—1944)— жаҳон адабиётининг дурдоналари саналган «Жанубий почтачи», «Тунги учиш», «Башар сайёраси», «Ҳарбий учувчи», «Кичкина шаҳзода» ва тугатилмаган фалсафий роман — «Қалъа» каби салмоқли асарлар муаллифи.

Сент-Экзюпери ижодининг асосий фазилати — инсондаги ёруғ меҳр ва ирода қудратига бўлган ишонч китобхон кўнглини ёритади. У яратган қаҳрамонлар иродали, фидойи, өзгулик йўлида ҳалок бўлишга тайёр турган инсонлар бўлгани учун ҳам ўқувчини мафтун этади.

**Сент-Экзюпери, Антуан де. Маленький принц.**  
Роман, повесть-сказка. Серия «Жемчужина».

**И (Фр)**

Серия «Жемчужина»

На узбекском языке

Антуан де Сент-Экзюпери

**МАЛЕНЬКИЙ ПРИНЦ**

Роман, повесть-сказка

Тақризчи СССР Ёзувчилар Союзи аъзоси Ш. Раҳмон

Редактор Э. Миробидов

Рассом Н. Свириденко

Расмлар редактори Р. Зуфаров

Техн. редактор У. Ким

Корректор М. Набиева

Теришга берилди 25.02.86. Босишга рухсат этилди 10.06.86.  
Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 1 босма қоғозга «Литературная»  
гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма лис-  
ти 5,0. Шартли босма листи 8,4. Шартли кр. отт. 8,22.  
Нашр листи 8,5. Тиражи 50000. Буюртма № 3369. Баҳо-  
си 60 т. Шартнома № 171—85.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия»  
нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий, кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳ-  
нат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент,  
Ленин кўчаси, 41.

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «ЁШ ГВАРДИЯ»  
НАШРИЕТИ УШБУ КИТОБЛАРНИ  
НАШРГА ТАЙЁРЛАМОҚДА:**

**Х. Тўхтабоев.**  
Сеҳргарлар жанги  
*Роман*

**Э. Аъзамов.**  
Жавоб  
*Қиссалар ва ҳикоялар.*

**А. Дилмуродов.**  
Шердор.  
*Қисса.*

**М. Муродова.**  
Оловгул.  
*Шеърлар.*

**Коллектив.**  
Меҳр булоғи  
*Ҳикоялар.*

**Қ. Кенжа.**  
Нотаниш гул.  
*Ҳикоялар.*